

1-3

# Шарж

## ЮЛДУЗИ

Р 440  
1946 1-3



1946

ЎЗБЕКИСТОН  
СОВЕТ ЁЗУЧИЛАР СОЮЗИ

ТОШКЕНТ - 1946

101-10  
St. Louis.  
5/4-49.

# Шарж юлдузи

ОЙЛИК АДАБИЁТ ВА  
САН'АТ ЖУРНАЛИ

## ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ ЁЗУЧИЛАР СОЮЗИ ОРГАНИ

№ 1-2 „Правда Востока“ ва „Кизил Ўзбекистон“ нашриёти 1946

МУНДАРИЖА

Sem

Москва шаҳри Сталин сайлов округи сайловчиларининг 1946—йил 9 февраль сайлов олди йигилишида ўртоқ *И. В. Сталин* нутқи . . . 3  
Ойбек — Баъзи вазифалар хақида икки оғиз гап . . . . . 17

## АДАБИЙ-БАДИЙ АСАРЛАР

<i>Фафур</i>	<i>Гулом</i> — Дебоча ("Иосиф Сталин" ше'рига кириш)	23
	Йигинларга	24
<i>Ойбек</i> — Күёш қораймас (романдан боб)		25
<i>Үйғун</i> — Рақкоса		39
<i>Ойзин</i> — Күш қынот		40
<i>Шайхзода</i> — Лениннинг сувратига қараб		45
<i>Миртемир</i> — У кун		46
<i>А. Қ. ҳөр</i> — Бешик		49
<i>Собир</i> <i>Абдулла</i> — Истар		53
Чарас қилдим		—
<i>Ж. Шарофий</i> — Ўғлимга		54
<i>Хамид</i> <i>Гулом</i> — Шоир		56
Дўстлар соғлиғига		57
Мен севардим		—
<i>Зулфия</i> — Ҳаёллар		58
<i>Шароф Рашид</i> — Паҳтакор		60
<i>Нечмат Г</i> шпӯлат <i>Ёнғин Мирза</i> — Менинг бурчим		63
<i>Шукрулла</i> — Менинг севгим		65
Умрим		—
<i>Туроб</i> <i>Тұла</i> — Гишишернинг шуҳрати		68
Лизз — Ленинг д.		69
<i>М. Бобаев</i> — Салом, Ўзбекистон		69
<i>Шуҳрат</i> — Ғилаја дақиқаси		70
<i>Тұғон</i> <i>Эрназар</i> Чегарадан ўтганда		71
<i>Пұлат</i> Мұмін — Күёш ҳам паҳтакор		72
<i>М. И. Шевердин</i> — Голиб Санжар (романдан парча)		73
<i>Үткүр</i> <i>Гашид</i> — Энди ойнисине юзи ёрук		93

ФОЛЬКЛОР

**М. Афзалов — Ватан уруши йилларида яратылган фольклор асарларидаи намуналар**

## ТАНКИД ВА ТАКРИЗ

<i>Шайхзода</i> — Лауреатимиз дақида . . . . .	101
<i>А. Екун</i> — Абдулла қажхор ижделлалари . . . . .	110
<i>Верхакий</i> — «Сеп из киз» — Хамза театрида	120
<i>А. Симонов</i> — «Танланған шे'рлар» . . . . .	130
<i>М. Б. боеў</i> — «Бизның овоз» . . . . .	132

## АДАБИЙ ХАЁТ

Адабий Тошкент ва Самарқанд . . . . . 136







МОСКВА ШАҲРИ СТАЛИН САЙЛОВ ОКРУГИ  
САЙЛОВЧИЛАРИНИНГ 1946 ЙИЛ 9 ФЕВРАЛЬ САЙЛОВ  
ОЛДИ ЙИФИЛИШИДА ЎРТОҚ

И. В. СТАЛИН

НУТҚИ

Раис: Сўз Иосиф Виссарионович Сталинга берилади.

(Ўртоқ Сталин минбарга чиқиши блан сайловчилар гулдурос қарсаклар чалиб, уни табрикладилар. Бу қарсак ва табриклар бирнечча минут давом этди. Большой театр залидагиларнинг ҳаммалари ўринларидан туриб, ўртоқ Сталинни табрикладилар. Залнинг ҳар тарафидан „Улуғ Сталинга, ура!“, „Яшасин улуғ Сталин, ура!“, „Жонажон Сталинга, ура!“, деган овозлар тўхтосиз эшитилиб турди).

Ўртоқ СТАЛИН:

Ўртоқлар!

Олий Советга бўлган кейинги сайловлардан буён саккиз йил ўтди. Бу даврда ажрим қилучи муҳим воқиалар жуда кўп бўлди. Бу даврнинг дастлабки тўрт йили совет кишиларининг учинчи бешийлликни амалга ошириш йўлида зўр ғайрат блан ишламила-ри блан ўтди. Бу даврнинг сўнгги тўрт йили немис ва япон агресорларга қарши уруш блан, я'ни иккинчи жаҳон уруши блан ўтди. Утган даврда бўлган энг муҳим воқиа, шубҳасиз, шу урушдир.

Иккинчи жаҳон уруши тасодифий суратда, ёки айрим давлат арбобларининг хатолари натижасида келиб чиқди, деб ўйлаш нотўғри бўлади, гарчи бундай хатоларнинг бўлганлиги шубҳасиз бўлса ҳам. Ҳақиқатда эса уруш, жаҳон иқтисодий ва сиёсий кучларининг ҳозирги замон монополия капитализми негизидаги тараққиётининг муқаррар натижаси бўлиб майдонга келди. Марксистлар, жаҳон хўжалигининг капиталистик системасида умумий кризис ва уруш унсурлари бор, шу сабабдан, ҳозирги замонда жаҳон капитализми силлиқ ва текис тараққий этмасдан, кризис ва ҳарбий ҳалокатларни кечириб тараққий қиласди, деб такрор-такрор айтдилар. Гап шундаки, капиталистик мамлакатларнинг

бир текис тараққиј этмаслиги, одатда, ма'лум вақт ўтиш блан жаҳон капитализми системасидаги мувозанатни бирданига бузиб юборади, капиталистик мамлакатларнинг бир гурухи ўзини хомаш'ё ва бозорга бошқалардан кўра камроқ ёлчиган ҳисоблаб, одатда қуролли кучларни ишга солиш йўли блан аҳволни ўзгартиришга ва «та'сир доиралари»ни ўз фойдасига қайтадан тақсимлашга ҳаракат қиласи. Бунинг натижасида капитализм дун'ёси бир-бирига душман бўлган икки қисмга ажралади ва улар ўртасида уруш чиқади.

Хомаш'ё ва бозорларни, мамлакатларнинг иқтисодий жиҳатдан тутган ўринларига қараб, тотувлик, тинчлик ва ҳамжиҳатлик блан вақт-вақтида улар ўртасида қайтадан тақсим қилиб туриш мумкин бўлса, ҳарбий ҳалокатларнинг олдини олиш мумкин бўйлур эди. Аммо жаҳон хўжалигининг ҳозирги капиталистик тараққиёти шароитида бу мумкин эмас.

Шундай қилиб, жаҳон хўжалиги капиталистик системасининг биринчи кризиси натижасида биринчи жаҳон уруши чиқди, иккинчи кризис натижасида эса иккинчи жаҳон уруши чиқди.

Бундан, иккинчи жаҳон уруши биринчи жаҳон урушининг нусхаси деган ма'но келиб чиқмайди, албатта. Аксинча, иккинчи жаҳон урушининг биринчи жаҳон урушидан фарқ қилган муҳим хусусиятлари бор. Шуни назарда тутиш керакки, асосий фашист давлатлар, я'ни Германия, Япония, Италия иттифоқчи мамлакатларга ҳужум қилишдан аввал ўз мамлакатларида буржуа демократик эркинликларнинг қолган-қутганларини ҳам йўқ қилдилар, ўз мамлакатларида қаттиқ жабр, зулм ва қирғинга асосланган тартиб жорий қилдилар, кичик мамлакатларга мустақиллик берилсин, улар эркин тараққий қилсинлар, деган принципни поймол этдилар, бирорларнинг ерларини босиб олишни ўзларига сиёsat қилиб олдилар ва дун'ёга ҳоким бўлип ҳамда фашизм тартибини бутун дун'ёга ёйиш учун курашамиз, деб барада айтдилар. Ўқ давлатлари Чехословакияни ва Хитойнинг марказий районларини босиб олдилар, шу блан барча ҳурриятпарвар халқларни қул қилиш тўғрисидаги дўйларини амалга оширишга бел боғлаганликларини кўрсатдилар. Бинобарин, ўқ давлатларига қарши олиб борилган иккинчи жаҳон урушининг биринчи жаҳон урушидан фарқи шуки, бу уруш энг бошданоқ фашизмга қарши озодлик уруши тусини олди ва бу урушнинг вазифаларидан бири демократик эркинликларни тиклашдан иборат эди. Совет Иттифоқининг ўқ давлатларига қарши бўлаётган урушга қўшилиши, иккинчи жаҳон урушининг фашизмга қарши ва озодлик йўлидаги уруш хусусиятини кучайтиарди, халос, дарҳақиқат кучайтириди ҳам.

Совет Иттифоқи, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия ва бошқа ҳурриятпарвар давлатлар ўртасида фашизмга қарши тузилган иттифоқ ана шу асосда вужудга келди. Кейин бу иттифоқ ўқ давлатларининг қуролли кучларини тор-мор келтириуда қат'ий роль ўйнади.

Иккинчи жаҳон урушининг келиб чиқиши ва унинг хусусияти масаласи ана шундай.

Уруш халқлар ҳаётида ҳақиқатан ҳам тасодифий бир нарса бўлмади ва бўлолмас эди, бу уруш амалда халқларнинг ўз ҳаёт-мамоти учун бўлган урушга айланди ва худди шу сабабдан, бу уруш яшин сингари тез ўтиб кетадиган уруш бўлаолмас эди, энди буни ҳамма э'тироф қилса керак.

Бизнинг мамлакатимизга келганда шуни айтиш керакки, бу уруш Ватанимиз тарихида бўлиб ўтган урушларнинг ҳаммасидан ҳам қаттиқ ва оғир уруш бўлди.

Аммо уруш бир оғатгина бўлмай, халқнинг бутун кучларини синов ва текширишдан ўтказган буюк имтиҳон ҳам бўлди. Уруш мамлакат ичкарисидаги ва фронтдаги барча иш ва воқиаларни очиб ташлади, у барча давлат, барча ҳукумат ва барча партияларнинг юзларидаги барча ниқоб ва пардаларни ҳеч аямай йиртиб ташлади ва уларнинг ҳақиқий башарасини ниқобсиз ва бўёвсиз очиқ қилиб кўрсатди, уларнинг бутун нуқсон ва фазилатларини очиб берди.

Уруш биздаги совет тузуми учун, давлатимиз, ҳукуматимиз ва бизнинг коммунистик партиямиз учун бамисоли бир синов бўлди, уларнинг ишларини якунлади ва бизларга, кишиларингиз ва ташкилотларингиз, буларнинг қилмиш ва қидирмишлари ана шу, буларга яхшилаб бир қаранг ва ҳар қайсисининг қилмишига яраша мукофотини беринг, дегандек бўлди.

Урушнинг фойдалик томонларидан бири шудир.

Биз сайловчилар учун бунинг катта аҳамияти бор, чунки бу ҳол партиямизнинг ва партия кишиларининг фаолиятига тез ва тўғри баҳо беришимиз ва тўғри хulosалар чиқаришимиз учун ёрдам беради. Бошқа вақт бўлса, партия намояндадарининг нутқ ва докладларини текшириб, бу нутқ ва докладларни таҳлил қилиб, уларнинг сўzlари блан ишларини тақослаш, якун чиқариш ва шу сингари ишлар блан овора бўлиб ўтирад эдик. Бунинг учун анча оғир ва қийин ишларни бажариш лозим бўлар эди, бунинг устига, хато қилиб қўймоқ эҳтимоли ҳам йўқ эмасди. Эндиликда, уруш тамом бўлиб, ташкилотларимиз ҳамда раҳбарларимизнинг ишини бу урушнинг ўзи текшириб якунлагач, аҳвол бошқа бўлди. Энди масалани тушуниб олишимиз ва тўғри хulosалар чиқаришимиз анча осонлашди.

Хўш, энди урушнинг якунлари нимадан иборат?

Энг муҳим якун битта, бошқа ҳамма якунлар шундан келиб чиқади. Бу якун шундан иборатки, урушнинг правардидаги душманлар енгилди, бизлар эса иттифоқчиларимиз блан биргаликда ёнгидик. Биз урушни душманлар устидан тўла ғалаба қозониш блан тамомладик,—урушнинг энг муҳим якуни ана шу. Аммо бу жуда ҳам умумий якун ва биз гапни бу блан бас қилиб қўялмаймиз. Инсоният тарихида мисли кўрилмаган иккинчи жаҳон урушидек бир урушда душманларни тор-мор келтириш, албатта, одамшумул тарихий ғалаба қилмоқ, демакдир. Булар ҳаммаси тўғри. Аммо шундай бўлса ҳам бу умумий бир якун ва биз бу якун блан қаноатланиб қололмаймиз. Ғалабамизнинг буюк тарии

хий аҳамиятини тушунмоқ учун бу масалани аниқроқ ва яққолроқ қилиб очиқ-равшан билиб олиш зарур.

Хўш, душманлар устидан қозонган ғалабамизни қандай тушунмоқ керак, мамлакатимиздаги ички кучларнинг ҳолати ва тараққиёти нуқтаий назаридан қараганда бу ғалаба нимани англатади?

Бизнинг ғалабамиз, аввало, совет ижтимоий тузумимиз ғалаба қилди, совет ижтимоий тузуми уруш ўтида муваффақият блан синовдан ўтиб, ўзининг мустаҳкамлигини, яшашга тамомила қобил эканлигини исбот қилди, демакдир.

Малумки, чет эл матбуотида совет ижтимоий тузуми ҳалокатга маҳкум бўлган «қалтис бир тажриба», совет тузуми амонат турган «ўйинчоқ уй»дек бир нарса бўлиб, унинг ҳаётда илдизи йўқ ва у Чека идоралари томонидан халққа мажбуран қабул қилдирилган бир нарса, ташқаридан салгина бир туртилса, бу «ўйинчоқ уй» ер блан яксон бўлиб кетади, деган фикрлар кўп марта айтилган эди.

Эндиликда, уруш чет эл матбуотининг шу асоссиз да'волари чиппакка чиқарди, деб айтиоламиз. Уруш, совет ижтимоий тузуми халқнинг ўз орасидан етишиб чиққан, чинакам халқ тузуми эканлигини ва халқ бу тузумни зўр бериб қўллаб-қўлтуқлаётганини, совет ижтимоий тузуми жамият ташкилотининг яшашга тамомила қобил ва мустаҳкам шакли эканлигини кўрсатди.

Бугина эмас. Ҳозирги вактда гап, совет ижтимоий тузумининг яшашга қобил ёки ноқобиллиги устида эмас, чунки урушдан олинган яққол ибратлардан кейин, бадбинлардан бирортаси ҳам совет ижтимоий тузумининг яшашга қобиллиги тўғрисида шубҳа қилиб гапиришга жур'ат этолмайди. Энди гап, совет ижтимоий тузумининг советдан бошқа ижтимоий тузумга қараганда яшашга кўпроқ қобил ва мустаҳкам тузум эканлиги ҳақида, совет ижтимоий тузуми жамиятни уюштиришда совет тузумидан бошқа ҳарқандай ижтимоий тузумга қараганда энг яхши шакл эканлиги тўғрисида бораёттир.

Иккинчидан, бизнинг ғалабамиз, совет давлат тузумимиз ғалаба қилди, кўп миллатли совет давлатимиз урушнинг ҳамма синовларидан ўтиб, ўзининг мустаҳкамлигини ва яшашга қобил эканлигини исбот қилди, демакдир.

Малумки, чет эл матбуотининг машҳур кишилари, кўп миллатли совет давлати яшалмайдиган «сун'ий бир бинодир», аҳвол мушкуллашгундай бўлса, Совет Иттифоқи муқаррар ҳалок бўлади. Австро-Венгрияниң бошига тушган кун Совет Иттифоқининг бошига ҳам тушади, деган мазмундаги фикрларни кўп марта айтган эдилар.

Эндиликда, уруш чет эл матбуотининг тамомила пуч бўлган шу фикрларини рад этди, деб айтиоламиз. Уруш, кўп миллатли совет давлат тузумининг муваффақият блан синовдан ўтиб, уруш вақтида янада кўпроқ мустаҳкамланганлигини ва яшашга таъомила қобил давлат тузуми бўлганлигини кўрсатди. Бу жаноблар

Совет Иттифоқини Австро-Венгрияга ўхшатиш тамомила асоссиз эканлигини тушинмадилар, чунки бизнинг кўп миллатли давлатимиз миллий низо' ва миллий адсоват ҳисларини кучайтирадиган буржуа тузуми асосида эмас, балки совет тузуми асосида вужудга келди. Бу совет тузуми, аксинча, давлатимиздаги халқлар ўртасида дўстлик ва қардошлардек бир-бирига ёрдамлашиш ҳисларини ўстиради.

Уруш сабоқларини кўрганларидан кейин бу жаноблар совет давлат тузумининг яшашга қобиллигини инкор қилишга энди ботинолмай қолдилар. Эндиликда гап совет давлат тузумининг яшашга қобиллиги тўғрисида эмас, чунки унинг яшашга қобил эканлигига ҳеч шак-шубҳа йўқ. Совет давлат тузуми намуна бўладиган кўп миллатли давлат бўлиб қолди, совет давлат тузуми миллий масала ва миллатлар ҳамкорлиги масаласи, бошقا ҳарқандай кўп миллатли давлатдагига қараганда яхши ҳал этилган давлат ташкилоти системасидир, энди гап шу тўғрида боради.

Учинчидан, бизнинг ғалабамиз, совет қуролли кучлари ғалаба қилди, демакдир. Қизил Армиямиз ғалаба қилди, Қизил Армия урушнинг ҳамма мاشаққатларига қаҳрамонларча бардош берди, душманларимизнинг армияларини яксон қилди ва урушдан енгиди, демакдир. (Мажлисдагилар орасидан, «Ўртоқ Сталин раҳбарлиги остида енгдик!» деган овозлар чиқди, ҳамма ўрнидан турди, узок давом этган ва гулдуросга айланган олқишлиар).

Эндиликда, дўст ва душманларимиз ҳамма, Қизил Армия ўзининг буюк вазифаларига лойиқ ва муносиб даражада эканлигини этироф қилмоқда. Аммо бундан олти йил илгари, уруш олдидаги даврда аҳвол бошқача эди. Малумки, чет эл матбуотининг машҳур кишилари ва чет элларда танилган ва уруш ишини яхши билган му'tабар кишиларнинг кўплари, Қизил Армиянинг аҳволи кўп шубҳа туғдиради, Қизил Армия ёмон қуролланган ва чинакам яхши командирлари йўқ, Қизил Армиянинг ма'навий ҳолати танқиддан ҳам тубан, у мудофаа учун яраса-ярар, аммо ҳужум учун ярамайди, немис қўшинлари зарба бериши блан, Қизил Армия амонат турган бинодек қулаг тушади, деб такрор-такрор айтган эдилар. Бундай фикрлар Германиядагина эмас, балки Франция, Англия, Америкада ҳам айтилган эди.

Эндиликда, уруш ана шундай асоссиз ва кулгили гапларнинг ҳаммасини чиппакка чиқарди, деб айтаоламиз. Уруш, Қизил Армиянинг амонат турган бино эмаслигини, балки замонимизнинг биринчи даражали армияси бўлиб, унинг ҳозирги замонга муносиб мукаммал ярог-аслаҳалари, энг тажрибали командирлари борлигиди, жанговарлик ва ма'навий хислатлари юксак эканлигини кўрсатди. Шуни унутмаслик керакки, Қизил Армия, кечагина Европа давлатларининг армияларига даҳшат солган герман армиясини тор-мор келтирган армиядир.

Қизил Армияни «танқид қилучилар» тобора камайиб бораётганини айтиб ўтиш керак. Бунинг ўстига чет эл матбуотида Қизил Армиянинг юксак хислатлари, Қизил Армия жангчи ва

командирларининг маҳорати, унинг стратегия ва тактикасининг беками-қўстлиги тўғрисида ёйилган мақолалар тез-тез чиқиб турипти. Бунинг сабаби ма’лум. Қизил Армия Москва ва Сталинград ёнида, Курск ва Белгород ёнида, Киев ва Кировоград ёнида, Минск ва Бобруйск ёнида, Ленинград ва Таллин ёнида, Ясси ва Львов ёнида, Висла ва Неман, Дунай ва Одер дар’ёлари бўйида, Вена ва Берлин ёнида порлоқ ғалабаларга эришганидан кейин, шу ғалабаларнинг ҳаммасидан кейин, Қизил Армия биринчи даражали армия эканлигини ва бу армиядан кўп нарса ўрганиш мумкин эканлигини э’тироф қилмай бўлмайди. (Гулдура солқишилар).

Яққол ва аниқ қилиб айтганда, мамлакатимизнинг душманлар устидан қозонган ғалабасини биз ана шундай тушунамиз.

Урушнинг якунлари асосан ана шулардан иборат.

Бутун мамлакатни аввало актив мудофаага тайёрламасдан туриб, бундай тарихий ғалабага эришиш мумкин, деб ўйлаш хато бўлур эди. Қисқа муддат ичиди, уч-тўрт йил мобайнода, шундай тайёргарлик кўриш мумкин, деб ўйлаш ҳам шунингдек хато бўлур эди. Биз фақат аскарларимизнинг ботирлиги орқасидагина ғалаба қилдик, деб айтиш ундан ҳам каттароқ хато бўлур эди. Ботирлик кўрсатмай туриб, ғалаба қозониш мумкин эмас, албатта. Аммо ҳармияси кўп, жуда яхши яроғ-аслаҳалари, яхши та’лим кўрган офицерлари бўлган ва та’минот ишлари тузуккина йўлга қўйилган душманни енгмок учун ёлғиз ботирликнинг ўзи кифоя қилмайди. Бундай душманнинг зарбасига бардош қилиш, унинг зарбасини қайтариш ва сўнгра уни тамомила енгиш учун аскарларимизнинг мислсиз ботирлигидан ташқари, ҳозирги замоннинг янги қуролларига етарлик миқдорда эга бўлиш ва та’минот ишини етарлик даражада яхши йўлга қўйиш ҳам зарур эди. Аммо шу мақсадда, қурол, анжом ишлаб чиқариш ва корхоналарга кепракли асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш учун металл, корхоналар блан транспортнинг ишларини та’минлаш учун ёқилғи; кийим-кечак тайёрлаш учун пахта; армияни та’минлаш учун ғалла каби муҳим нарсаларнинг бўлиши ва бўлганда ҳам етарли миқдорда бўлиши керак эди.

Мамлакатимиз иккинчи жаҳон урушига киришдан олдин ҳам асосан шу эҳтиёжларни та’мин этиш учун энг зарур бўлган моддий имкониятларга эга эди, дейиш мумкинми? Фикримча, шундай дейиш мумкин. Ана шундай жуда катта ишга тайёргарлик кўриш учун халқ ҳўяжалигини ривожлантириш юзасидан учта беш-йиллик планни амалга ошириш лозим бўлди. Ана шу уч беш-йиллик план бу моддий имкониятларни вужудга келтиришимизга ёрдам берди. Ҳар ҳолда, иккинчи жаҳон уруши олдида, я’ни 1941 йилда, мамлакатимизнинг аҳволи бу жиҳатдан биринчи жаҳон уруши арафасидаги, я’ни 1913 йилдаги аҳволидан бирнече марта яхши эди.

Мамлакатимиз иккинчи жаҳон уруши олдида қандай моддий имкониятларга эга эди?

Бу масалани яхширэқ тушуниб олишингизга ёрдам берниш

учун бу ерда коммунистлар партиясининг мамлакатимизни актив мудофаага тайёрлаш соҳасида қилган ишлари тўғрисида қисқача ҳисоб бериб ўтишим керак.

Агар иккинчи жаҳон урушининг арафаси бўлмиш 1940 йилдаги ма'lумотларни олиб, уларни биринчи жаҳон урушининг арафаси бўлмиш 1913 йилдаги ма'lумотлар блан солиштириб кўрсак, қўйидаги ҳолни кўрамиз.

Мамлакатимизда 1913 йилда 4 миллион 220 минг тонна чўян, 4 миллион 230 минг тонна пўлат, 29 миллион тонна тошкумир, 9 миллион тонна нефть, 21 миллион 600 минг тонна товар ғалла, 740 минг тонна пахта чиқарилган эди.

Мамлакатимиз биринчи жаҳон урушига кирган вақтда унинг моддий имкониятлари ана шу ҳолда эди.

Эски Россиянинг уруш олиб бориш учун ишлатиши мумкин бўлган иқтисодий базаси ана шу эди.

1940 йилга келганда шуни айтиш керакки, бу йил ичida мамлакатимизда 15 миллион тонна, я'ни 1913 йилдагига қараганда қарийб 4 марта кўп чўян, 18 миллион 300 минг тонна, я'ни 1913 йилдагига қараганда 4 ярим марта кўп пўлат ишлаб чиқарилди, 166 миллион тонна, я'ни 1913 йилдагига қараганда 5 ярим марта кўп тошкумир, 31 миллион тонна, я'ни 1913 йилдагига қараганда 3 ярим марта кўп нефть чиқарилди, 38 миллион 300 минг тонна, я'ни 1913 йилдагига қараганда 17 миллион тонна ортиқ товар ғалла, 2 миллион 700 минг тонна, я'ни 1913 йилдагига қараганда 3 ярим марта кўп пахта етиширилди. Мамлакатимиз иккинчи жаҳон урушига кирган вақтда унинг моддий имкониятлари ана шу ҳолда эди.

Совет Иттифоқининг уруш олиб бориш учун ишлатиши мумкин бўлган иқтисодий базаси ана шу ҳолда эди.

Қўрасизки, фарқ жуда катта.

Ишлабчиқаришнинг шундай мисли кўрилмаган даражада ўсишини, мамлакатнинг фақат қолоқликдан тараққиёт сари одатдаги оддий ўсиши, деб бўлмайди. Бу, шундай бир сакраш эдикি, бўнинг орқасида ватанимиз қолоқ мамлакатдан илфор мамлакатга, дехқончилик мамлакатидан саноатлашган мамлакатга айланди.

Бу тарихий ўзгариш биринчи бешийлликнинг биринчи йили бўлган 1928 йилдан бошлиб уч бешийллик мобайнода бўлган ўзгаришидир. Бу вақтгача, биз биринчи жаҳон уруши ва граждан уруши натижасида вайрон бўлган саноатни тиклаш ва жароҳаттарни даволаш блан шуғулланган эдик. Бунда биринчи бешийлликнинг 4 йилда бажарилганлигини, учинчи бешийлликнинг 4 нчи йилида уруш бўлиб қолиб бажарилмай қолганлигини э'tиборга олсан, мамлакатимиз атиги сал кам 13 йил ичida дехқончилик мамлакатидан саноатлашган мамлакатга айланганлиги ма'lум бўлади.

Бундай улуғ ишни амалга ошириш учун ўн уч йил ғоят қисқа бир муддатдир. Буни э'tироф қилмай бўлмайди.

Бу рақамлар э'лон қилинган вақтларда чет эл матбуотида жу-

да кўп ҳархил шов-шувлар чиққанлигининг сабаби ҳам аслда шу. Дўстлар «му'жиза» воки бўлди, деб ўйладилар. Бизга бад-хоҳлик қиличилар, бешийиллик планлар «большевиклар тарғиботи» ва «Чеканинг найранги» деган эдилар. Аммо дун'ёда му'жизалар бўлмаганидан, ижтимоий тараққиёт қонунчларини бекор қилиш Чеканинг қурби етадиган иш бўлмаганинидан, чет эллардаги «афкор умумия» нёилож ҳақиқатни э'тироф қилишга мажбур бўлди.

Коммунистлар партияси шундай қисқа бир вақт ичида бу моддий имкониятларни қандай сиёсат ёрдами блан вужудга келтирди?

Аввало мамлакатни саноатлашда қўлланилган совет сиёсати ёрдами блан вужудга келтирди.

Мамлакатни саноатлашнинг совет усули саноатлашнинг капиталистик үсулидан тамомила фарқ қиласди. Капиталистик мамлакатларда саноатлаш одатда енгил саноатдан бошланади. Оғир саноатдан кўра енгил саноат камроқ маблағ талаб этади, енгил саноатда капитал тез-тез айланиб туради, бунда фойда олиш оғир саноатдагидан кўра осонроқ бўлади. Шу сабабдан капиталистик мамлакатларда саноатлаш дастлаб енгил саноатдан бошланади. Орадан узок вақт ўтиб, енгил саноат фойда туплаб, бу фойдаларни бонкаларга кўйганидан кейин, факат шундан кейиб, оғир саноатга гал келади ва оғир саноатни ривожлантиридиган шароит вужудга келтириш учун енгил саноатда жамғарилган маблағлар секин-аста оғир саноатга кўчирила бошлайди. Аммо бунинг учун неча ўн йиллардан иборат узок муддат керак бўлади, бу муддат ўтгунча енгил саноатнинг ривожланишини кутиб туришга ва оғир саноатсиз харобликда яшамоқка тўғри келади. Албатта коммунистлар партияси бу йўлдан боролмас эди. Уруш якинлашиб келаётганини, оғир саноат бўлмаса, мамлакатни мудофаа қилиш иложи йўклигини, оғир саноатни ривожлантиришга дарҳол киришиш кераклигини, бу ишда кечикиб қолинса, ютқузилажагини партия билар эди. Партия, Лениннинг оғир саноат бўлмаса, мамлакатнинг мустақиллигини сақлаб қолиш мумкин эмас, оғир саноат бўлмаса, совет тузумининг ҳалок бўлиши мумкин, деган сўзларини эсда тутди. Шу сабабдан, мамлакатимизнинг коммунистлар партияси саноатлашнинг «одатдаги» йўлини рад этди ва мамлакатни саноатлаш ишини оғир саноатни ривожлантиришдан бошлади. Бу, жуда қийин, аммо бажариш мумкин бўлган бир иш эди. Саноат ва бонжаларнинг давлат ихтиёрига олингандиги бу ишда катта ёрдам берди. Бу чора тез маблағ тўплашга ва уни оғир саноатга кучиришга имкон берди.

Бусиз мамлакатимизни шундай қисқа бир муддатда саноатлашган мамлакатга айлантириш мумкин эмас эди. Бунга шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалигини колективлаш сиёсати ёрдами блан вужудга келтирди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги колоклигимизни тутатиш ва то-

вар ғалла, пахта ва шу сингариларни мамлакатга күпроқ бериш учун майда деҳкон хўжалигидан йирик хўжаликка жўчиш зарур эди, чунки фақат йирик хўжаликкина янги техникани ишлатаолади, агрономиянинг ютукларидан фойдаланиб, кўпроқ товар маҳсулоти бераолади. Аммо йирик хўжалик иккى хил бўлади: капиталистик хўжалик, колектив хўжалик. Коммунистлар партияси қишлоқ хўжалиги тараққиётининг капиталистик йўлидан бориши мумкин эмас эди, бунинг сабаби коммунистлар партияси бу йўлни тубдан мақул кўрмаганидангина эмас, бунинг яна бошқа сабаби ҳам борки, бу тараққиёт йўли жуда узоқ давом этадиган ва аввал деҳқонларнинг хонавайрон бўлишини, уларнинг багтракларга айланишини тақозо қиласидиган йўлдир. Шу сабабдан коммунистлар партияси қишлоқ хўжалигини колективлаш йўлига, деҳқон хўжаликларини колхозларга бирлаштириш асосида қишлоқ хўжалигини йириклаштириш йўлига жирди. Колективлаш усули тараққийни ниҳоятда жучайтирадиган бир усул бўлди. Деҳқонларнинг хонавайрон бўлишини тақозо қимлаганини учунгина эмас, балки айниқса, бирнече йил ичida бутун мамлакатда йирик колектив хўжаликлар тузишга имкон берганлиги учун, у тараққийни жуда жучайтирадиган усул бўлди. Йирик колектив хўжаликлар, янги тәхникани ишлатиб, агрономиянинг ҳамма ютукларида фойдаланиб, мамлакатта кўпроқ товар маҳсулоти бераоладилар.

Колективлаш сиёсати амалга оширилмаганида, қишлоқ хўжалигимизнинг асрлар буйи давом этган қолоқлигини шундай киска вакт ичida йўқотолмас өдик, бунга ҳеч шак-шубҳа йўқ.

Партия сиёсатига қаршилик қўрсатилмади, деб бўйлмайди. Ҳар бир янгиликдан ҳамиша юз угиручи жоҳил жишилар уён турсин, ҳатто партиянинг кўзга кўринган кўп аъзолари ҳам доим партияни орқага тортишга уриндилар ва партияни тараққиётнинг «одатдаги» капиталистик йўлига судраш учун ҳаркандақасига ҳаракат қилиб кўрдилар. Троцкийчилар ва ўнгларнинг партияга қарши ишлатган ҳархил найранглари, ҳукуматимизнинг ѝора ва тадбирларини амалга ошираслик йўлида килган бутун «ишлари» бир максадни қузатган эди, у ҳам бўлса партия сиёсатини бузиш ва саноатлаш ҳамда коллективлаш ишига тўсқинлик қилишдан иборат эди. Аммо партия ба'зи бировларнинг дўйларига, ба'зиларнинг дод-фар'ёдларига қўлук солмасдан ва ҳеч парво килмай, дадиллик блан олға бораверди. Партияниң қўрсатган хизмати шу бўлдики, колоқларга мослашмади, қўрқмай оқимга қарши бораверди ва етакчиликни сра қўлдан бермай ўзида сақлаб келди. Коммунистлар партияси шундай сабот ва матонат кўрсатмаса, мамлакатни саноатлаш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаш сиёсатини қаттиқ туриб ўтикаолмаган бўлур эди. Бунга шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Коммунистлар партияси шу йўл блан вужудга желтирилган моддий имкониятлардан ҳарбий ишлабчиқаришни ривожлантириш ва Кизил Армияни зарур бўлган куроллар блан таъминлаш учун тўғри фойдаланаолдими?

Фикримча, партия түғри фойдаланаолди, фойдаланганда ҳам, катта мұваффакият блан фойдаланди.

Урушнинг биринчи йилида саноат корхоналарининг шарқка күчрилиши урушга жеракли нарсалар ишлаб чықаришни авжлантириб юбориши мони'лик қилиди, шу биринчи йилни э'тиборга олмаганимизда, урушнинг қолган уч йили мобайнида партия шундай мұваффакияттарга эришди, бу мұваффакияттар фронтни етарлик миқдорда артилерия, пулемёт, милтиқ, аэроплан, танк, ўқ-дори блан та'минлаш блан бирга куч тұплашга ҳам имкон берди. Бунда қуролларимизнинг сифати немислар қуролининг сифатидан қолищмайдигина әмас, ҳатто умуман олганда уларницидан ҳам а'ло эканлиги ма'lум.

Бизнинг танк саноатимиз урушнинг сүнгги уң йили мобайнида ҳар йили ўрта ҳисоб блан 30 мингдан ортиқ танк, ўзиюрап түп ва бронемашиналар ишлаб чыкарғанлыги ма'lум. (Гулдурос қарсақлар).

Сүнгра, авиация саноатимизнинг шу давр ичиде ҳар йили 40 мингтacha аэроплан ишлаб чыкарғанлыги ма'lум. (Гулдурос қарсақлар). Артилерия саноатимиз шу давр ичиде қар йили 120 мингта етказиб турли калибрли түп (гулдурос қарсақлар), 450 мингтага етказиб құл пулемёти ва станокли пулемёттар (гулдурос қарсақлар); 3 миллиондан ортиқ мильтик (қарсақлар) ва 2 миллионга яқин автомат (қарсақлар) ишлаб чыкарғанлыги ҳам ма'lум.

Нихоят, миномёт саноатимизнинг 1942—1944 йиллар ичиде қар йили ўрта ҳисоб блан 100 мингга етказиб миномёт ишлабчиқарғанлыги ҳам ма'lум. (Гулдурос қарсақлар).

Албатта, шулар блан бир қаторда зарур микдорда түп ўқлари, хархил миналар, авиация бомбалари, милтиқ ва пулемёт ўқлари ҳам ишлаб чыкарылди.

Масалан, 1944 йилнинг ўзидагина 240 миллиондан ортиқ түп ўқи, бомба ва миналар (қарсақлар) ва 7 миллиард 400 миллион милтиқ ва пулемёт ўқи (гулдурос қарсақлар) ишлаб чыкарылғанлыги ма'lум.

Қизил Армияни яроғ-аслақа ва ўқ-дори блан та'минлаш сохасидеги ишлар умуман олганда шу ҳолда.

Күрасизки, бу ишлар биринчи жаҳон уруши даврида армиямизни яроғ-аслақа блан та'минлаш ишларидан тамомила ғарж қиласы. Биринчи жаҳон уруши вактида фронт доим түп ва снарядларга мұхтож эди, армия танксиз ва авиациясиз уруши килған эди, тұрақтауда уч солдатта бир милтиқ эди.

Қизил Армияни озік-овқат ва қиийим-кечак блан та'минлаш ишларига желганда шуни айтиш жераки, фронт бу жиҳатдан ҳечқандай танкислик күрмади, балки унда зарур запаслар қам бор эди. Бу қаммага ма'lум.

Урушдан олдинги давр ичиде ва уруш вактида мамлақатимиздеги коммунистлар ғартиясининг килған ишлари ана шулар.

Энди коммунистлар партиясининг яқин келажақда қиладиган ишларининг плаклари түғрисида бирнече оғиз сүз айтаман. Ма'лумки, бу ишлар янги бешйиллик планда жүрсатылған. Бу план яқин вақт ичида тасдиқланиши керак. Янги бешйиллик плannинг асосий вазифалары — мамлекатнинг зарап күрган районларини тиклаш, санаат ва қишлоқ хұжалигини урушдан илгариғи даражага еткәзиш ва сұнгра бу даражадан хийла ўзіб кетишдан иборат. Яқин орада карточка системаси бекор қилинади (гүлдурос, узоқ қарсақлар), бундан ташқари, құпчилик халқ истемоли учун керак булған молларни жүйелеп ишлаб чыкарыш, ҳамма мол нархларини тобора пасайтириб, меңнаткашларнинг моддий ахволини янада яхшилаш (гүлдурос, узоқ қарсақлар) ва фаннинг ўз жүчларини ривожлантириб жөборишига имкон берадиган (гүлдурос қарсақлар) турли илмий текшириш институтлари журилишини көнгайтиришга алохида әткебор берилади. (Қарсақлар).

Олимларимизга керагыча ёрдам берсақ, улар яқин вақт ичида чет эллардаги фан мұваффакиятларига әрнаптығына қолмай, ундан ҳам ўзіб кетаоладилар. Бунга менинг шубхам йўқ. (Узоқ қарсақлар).

Келажақда узоқ вақтта чамаланған планлар түғрисида гапирадиган бўлсақ, шуни айтиш керакки, партия халқ хұжалигини, санаотимизни, масалан, урушдан илгариғи даражадан уч ҳисса оширишимизга имкон берадиган килиб, янада жүчли равиша юксалтириш ниятидадир. Биз шунга әринемоғимиз керакки, санаотимиз ҳар йили 50 миллион тоннага етказиб чўян (узоқ қарсақлар), 60 миллион тоннага етказиб пўлат (узоқ қарсақлар), 500 миллион тоннага етказиб тошқўмир (узоқ қарсақлар), 60 миллион тоннага етказиб нефть чиқараолсинг. (Узоқ қарсақлар). Шундай килганимиздагина Ватанимиз ҳарқандай тасодифлардан амин бўлади, десак бўлади. (Гүлдурос қарсақлар). Бунинг учун яна уч бешйиллик лозим бўлса керак, бундан ортиқ бўлса ортиқки, лекин кам эмас. Аммо бу бажариб бўладиган иш ва биз буни бажармоғимиз лозим. (Гүлдурос қарсақлар).

Коммунистлар партиясининг яқин ўтмишда килган ишлари ва келажақда қиладиган ишларининг планлари ҳақидаги кисқача хисоботим шу. (Гүлдурос қарсақлар).

Энди қандай хукм чиқарсангиз, ўзингиз биласиз: партия нечоғлиллик түғри ишлаб жеди ва ишляпти (қарсақлар), бундан яхши ишласа, қўлидан келмасмиди (кулги ва қарсақлар), буни сиз айтинг.

Ғолибларни суд қилиши расм эмас, дейдилар (кулги, қарсақлар), уларни танқид қилмоқ ва текшироқ керак эмас, дейдилар. Бу нотўғри. Ғолибларни суд қилиш мүмкін ва суд қилиш керак (кулги ва қарсақлар), танқид қилиш ва текшириш мүмкін ва керак. Бунинг ишга ҳам, ғолибларнинг ўзларига ҳам фойдаси үл (кулги, қарсақлар): манманлик камроқ, камтарлық жўпроқ бўлади. (Кулги, қарсақлар). Мен сайлов кампаниясини сай-

ловчиларнинг хукумат төпасидағи партия бўлмиш коммунистлар партияси устидан қиласидан суди, деб ҳисоблайман. Сайлов татижалари эса сайловчиларнинг чиқарган ҳукуми бўлади. (Кулги, қарсаклар). Мамлақатимиздаги коммунистлар партияси танқиддан, төкширишдан қўрқса, қадр-жиймати қолмас эди. Коммунистлар партияси сайловчиларнинг ҳукмини қабул қилишга тайёр. (Гулдурос қарсаклар).

Сайлов курашида коммунистлар партияси ёғиз эмас. У сайловларда партиясизлар блан иттифок бўлиб, бир ёқадан бош чикаради. Ўтган вақтларда коммунистлар партиясизларга ва партиясизликка бирмунча ишончсизлик блан қарап эдилар. Бунинг сабаби шуки, сайловчилар олдида никобсиз ошкора гапиришни ўзларига зарарли деб билган турли буржуа турархонларни партиясизлик байроғи остига яширинар эдилар. Айвазлари шундай бўлган эди. Лекин энди ёбошқа замон. Хозир партиясизлар блан буржуазия ўртасида совет тузуми деган ғов бор. Партиясизлар блан коммунистларнинг ҳаммасини совет кишиларининг бир колективи қилиб бирлаштириб турган нарса ҳам шу ғовдир. Партиясизлар блан коммунистлар шу бир коллективда яшаб, ватанимизнинг қудратини мустахкамлаш учун бирга курашдилар, фронтларда ватанимизнинг ғозодлиги ва шон-шавкати учун бирга жанг килдилар ва қон тўқдилар. Мамлақатимиз душманларини енгизи учун курашдилар ва енгиги чиклilar. Булар ўртасидаги фарқ факат шуки, буларнинг бири партияда, бири партиядаги эмас. Аммо бу расмий фарқ. Партиялилар ҳам, партиясизлар ҳам умумий бир вазифани бажарадилар, муҳими шу. Шу сабабдан коммунистлар блан партиясизлар блоки табиий ва зарур ишdir. (Гулдурос, узоқ қарсаклар).

Рұксатингиз бўлса, сўзимнинг охирида Олий Совет депутатлигига менинг номзодимни қўйиб, менга билдирган ишончингиз учун ташаккур билдираман. (Тўхтамасдан узоқ давом қилган қарсаклар. Мажлисдагилар орасидан: «Ҳамма ғалабаларимизнинг бошлиғи улуғлашкарбосимиз ўртоқ Сталинга, ура!» деган овозлар чиқди). Қўрсатган ишончингизни бекор кетказмасликка астайдил ҳаракат қилишимга шубҳа қилмасангиз ҳам бўлади. (Ҳамма ўрнидан туради. Тўхтамасдан узоқ давом қилган ва гулдурос олқишига айланган қарсаклар. Залнинг қар томонидан «Яласин улуғ Сталин ура!», «Халқларнинг улуғ доҳийсига ура!», «Улуғ Сталинга шон-шарафлар бўлсин!», «Яласин умумхалқ номзоди ўртоқ Сталин!». «Барча ғалбаларимизнинг ижодчиси ўртоқ Сталинга шон-шарафлар бўлсин!» деган овозлар эшитлиб турди).

## БА'ЗИ ВАЗИФАЛАР ҲАҚИДА ИККИ ОҒИЗ ГАП

Тарихда мисли кўрилмаган даҳшатли уруш улуғ Совет халқининг тўла ва узил-кесил ғалабаси блан тамомланди. Қаҳрамон Қизил Армия Фарбда немис-фашист Германиясини. Шарқда япон империализмини тор-мор этди. Доҳий лашкарбоши Генералиссимус Сталиннинг шавкатли кўшинлари муқаддас ватанимизни немис-фашист босқинчилардан тозалади, разил фашист балогарларининг конли чангалида қийналган Европа халқларини қулликдан озод қилди. Совет халқининг шонли ва асл ўғиллари ўз қони блан башарият тақдирини, жаҳон маданияти тақдирини ҳал этди.

Ватанимизнинг ғалабалари ҳақиқатан муazzам, ҳақиқатан олам-шумул ва тарихларда мисли асло кўрилмаган ғалабалардир. Абадий бўлиб қоладиган порлоқ шону-шарафга, бу му'жизадор зафарга, бутун дунёни қойил қолдирган бу қудратга бизнинг мамлакатимизни буюк Сталиннинг салобатли даҳоси, азamat иродаси, қуёшдай барқ урган илҳоми мұяссар этди.

Совет ватанимиз янги, тинч ривоҷланиш даврига кирди. Лекин ҳарбир совет одами яхши билиши керакки, бу даврро ҳаракатланиш, талтайиш даври эмас. Тўрт йил давом этган даҳшатли урушнинг асосий оғирлиги гарчи ватанимизнинг елкасига тушган бўлсада, бизнинг мамлакатимиз урушдан яна мустаҳкамроқ, яна қудратлироқ бўлиб чиқди, аммо шуни унутмайликки, уруш мамлакатимизда чукур яралар қолдирди. Разил немис босқинчилар вактинча босиб олган совет районларида ваҳшиёна харобалар ясади, фашист газандалар, одамлик қиёғасини бутунлай йўқотган мал'унлар, қаҳрамон Қизил Армиянинг чўнг ва ғазабкор зарбалари остида қонга белан-б. Фарбга чекилар экан «тақир зоналар» тузишга интилди—ёқди, ийқди, шаҳар ва қишлоқларни кул тепаларга айлантириди. Урушни мислсиз тарихий зафар блан, лоямут шон-шараф блан тутатдик. Энди музaffer совет халқи олдиди яраларни катта ғайрат ва сабот блан даволаш вазифаси туради. Сталин бешийиллик плани мамлакат олдига бутун халқ хўжалигимизни тиклаш, унинг қудрат дарражасини урушдан аввалгига нисбатан яна юксалтириш, турмушни яна ҳам бадавлат, яна ҳам фаровон этиш каби улуғ вазифаларни

кўяди. Совет халқларининг доҳийси, бутоқ отаси Сталин 9 нчи февральда сайловчилар олдида сўзлаган тарихий нутқида ғалабалари мизнинг моҳиятини, уларнинг асли туб сабабларини доҳиёна очиб кўрсатиш блан бирга, ўзининг қудратли акли ва қуёшдай равшан назари блан ватанимизнинг муаззам тараққиёт йўлини ёритди. Қудратли мамлакатимиз янада қудратлироқ бўлади, гўзал Ватанимиз, баҳтиёр ҳаётимиз янада гўзалроқ, янада баҳтиёрок бўлади, маданиятимиз гигант ҳамлалар блан ўсади.

Совет Иттифоқининг ажралмас қисми бўлган бизнинг республика—Ўзбекистон олдида улуғвор перспективлар очилаётир. Қишлоқ хўжалиги, саноат, маданият олдида турган вазифалар ўз салобатлари блан ҳақиқатан шоён-ҳайратдирлар. Ўзбекистон — совет иттифоқининг асосий пахта кони. Пахта — мамлакатимизнинг қудратини белгилавчи асосий бойликлардан бири. Пахта улуғ Ватан урушида фашист босқинчилар бошига жаҳаннам ўтлари бўлиб қујолди. Тинч ҳаёт даврида бу «ер ипаги»нинг аҳамиятини ким билмайди! Республикамиз учун пахта — чиндан ҳам оқ олтин, ҳаёт ёмбиси, баҳт ва шон манбаидир. Ўзбек ҳалқи пахтачиликни мисли кўрилмаган даражада ривожлантириш учун, Сталин программасини амалга ошириш учун бутун ғайрати, иродаси, муҳаббати блан мардонавор бел боғлади. Шонли ўзбек пахтакорлари улуғ Сталиннинг илложми, ғамхўрлиги блан Ватан ва давлат олдида ўз тарихий бурчими бажаражак.

Октябрь революциясидан бурун ўзбек ҳалқи назаридага эртак ва хаёл қаби кўринган муаммолар бужун ҳақиқатнинг ҳақиқати бўйиб қолди. Поёнсиз чулларда қирғоқларга сиғмай тошган, ўз ўжар майлига берилиб ўйнаган жўшқун Аму дар'ё, энди совет одамларининг иродасига бўй суннажак, чўлларда ҳаётнинг гуллашига хизмат этажак. Якин келажакда Ильич чироғлари—электр қуёшчалари бутун Ўзбекистонни ёритажак. Янги саноат корхоналари ва бошқа улжан курулишлар ҳақида ғоят умумий равищда сўзласак, ҳатто уларнинг ёлғиз санаб чиқсан ҳам, мақола ортиқ даражада чўзилиб кетар эди.

Бу қурулишлар, яратишлар, ҳамлали силжишлар, ўзгаришлар даврида адабиёт ва сан'ат ҳаётдан, даврнинг талаб ва вазифаларидан узилиб қолиши мумкин эмас. Аксинча, адабиёт ва сан'атнинг жанговар вазифалари ниҳоят ошиди, уларнинг ҳаётда роль ва аҳамиятлари беҳад муҳумлашади, адабиёт ва сан'ат арбобларидан ғоят катта ижодий ғайрат, жасорат ва ўз ишида мас'улият талаб килинди. Совет адабиёти ва сан'ати ҳаёт блан чукур боғланган, томирлари блан ҳаётдан озиқланиши оркасида гуллавчи адабиёт ва сан'атdir. Совет адабиёти ва сан'ати совет ҳалқининг ҳаёти, журнаши, интилишлари блан ҳамоҳанг, ҳамнафас ва ҳамжондир. Ҳозирги ўзбек совет адабиётини революцияга кадар бўлган адабиётдан айниручи асосий хусусиятлардан бири—совет адабиётининг чукур ҳаётйлигига, курашчанлигига, та'сирчанлигига, ҳалқка хизмат учун тайёрлигидадир. Ўзбек совет адабиётининг тараққиёт йўлига кўташласак, борган сари инқилобий совет воқийлигини чукурроқ акс

этдиришга, жонли ҳаётга борган сари активроқ та'сир этишга интилганини кўрамиз. Бусиз унинг ўсиши ҳам имумкин эмасди. Айниқса Улуг Ватан уруши йилларида қалам фронтда ўқ ва наизадек хизмат қиёди. Фронт орқасида қалам совет одамларининг турекларида қаҳрамонлик, ватанпарварлик туйғуларини мавжлағтириди. Сан'атнинг турли жанр ва формалари ҳам айни мақсадаларга хизмат этди. Буқун тинч Қурулиш, яратиш даврида совет адабиётининг энг асосий вазифаларидан бири совет ҳалқининг буюк тарихий ғалабаларини, мамлакатимизнинг шон-шавкатини асрларга элтажак монументаль асарларда муҳурлашдир. Ғалаба байроғимизни Берлин тегасида жўтарган буюк Қизил Армиянинг—халоскор Сталин армиясининг мард асл жангворларининг, фронт қаҳрамонларининг ва фронт орқасида ҳарбир кийинчиликни енгиб, фидокорона меҳнати блан мӯжизалар яратган совет одамларининг образларини яратиш масаласи ҳар бир адабни, ҳарбир шоирни, ҳарбир драматургни ҳамиша ҳаяжонлантириши керак.

Ўзбек ҳалқи пахтачиликни мислсиз ривожлантириш учун мардан юриш бошлади. Адабиёт ҳалқимизнинг бу улуғвор тарихий қурашини куйланчи, уни янги ғалабаларга илҳомлантиручи чукур мазмунли асарлар бериши жерак. Яқиндагина имконсиз хаёл жаби түйилган проблемаларни буқун турмушга ошираётимиз. Енг шимарриб гигант инпоатлар қуришга киришаётимиз. Далаларда сув ҳайкириб оқажак, чўлларда ҳаёт яшияжак, қишлоқларга тоза нур киражак. Ватанда ҳаёт фаровон, жўзларда баҳт ҳандон. Энди адабиётдан нима талаб қилинади—ҳаётни самимий куйлаш ҳалос. Ше'рда, қўшуқда, достонда, пъесада, ҳикоя, повесть ва романда давримизнинг бой, чукур мазмуни ёрқин, гўзал образларда тажассумлансан.

Ҳалқ, ёзучилардан ҳаёт муаммоларини ҳал қилишига ёрдамлаштучи, унга ма'навий қувват беручи мазмундор жатта-жатта асарлар талаб қиласди. Ҳалқ, ёзучилардан: «Қачон китобингизни ўқиймиз?» деб сўрамоқда. Ҳалқнинг китоб дегани эса, мазза қилиб ўқила-диган, турмушни ҳалқоний кўрсатадиган бадий асардир.

Ўзбек совет адабиётида проза ҳали ҳам орқада қолаётир. Ҳаётнинг катта ва мураккаб ҳодисаларини кўрсатиша бадий проза катта имкониятларга ёга экани муҳаққақ. Прозани колок жанрдан олдинги, бақувват жанрлардан бирига зилантиришимиз керак. Бунинг учун талантли қалам арбобини, айниқса ёшларни бу жанрга жалб этишимиз, тарбиялашимиз лозим. Кучли прозасиз адабиётимизни жатта йўлга олиб чиқиши, давонлардан ошириш жуда қийин.

Драматургия соҳасида сўнгги 4—5 йил ичидаги хийла жонланиш, камолга интилиш сезилсада, фахрланишга лойик асарларга ҳали бой эмасмиз. Айниқса, совет воқийлигини кўрсатуви йирик, бадий жихатдан пишик драматик асарларга ўзят ташнамиз. Драматургияда замонамиз қаҳрамонининг образи учун курашайик!

Адабиёт ва сан'ат соҳасида вазифаларимиз кўп ва жуда актуаль ҳам мас'улиятли. Бу вазифаларнинг чинакам бажариш учун, юксалиш ~~у~~ илмий, марксистик, соғлом танқидга мухтоҷмиз. Танқид-

ни кучайтиришга зўр берайик. Адабиёт ва сан'атнинг ҳамма жанр ва формаларидан—шё'рдан, прозадан, драматургиядан, мусикидан —биринчи галда халтурани қувишимиз керак. Бу таъкидсиз бўлмайди.

Адабиёт ва сан'атимизни бутун иттифок ижодиёт майдонига олиб чиқишига юўпдан вакт етди. Бунинг учун, яна такрорлай, ҳам фикр, ҳам бадий форма жиҳатдан салмоқдор асарлар яратиш керак. Бадий салмоқдор асарни маданияти, ма'рифати салмоқдор бўлган ёзучи ва сан'аткор яратолади. Демак, ёзучи олдида ўқиш, ўрганиш, ўз билимини бойитиши ва чуқурлатиши масаласи туради. Ёзучиларимиз учун энг яхши мактаб—улуг рус халқининг бой адабиёти ва маданияти. Ёзучи учун бу ҳақиқатни тушинмаслик—орқада қолиш, демакдир.

Вазифалар, ишлар жуда кўп. Биз ба'зиларинигина айтиб ўтдик. Уруши муносабати блан вактинча тўхтаб қолган журнализми яна нашр этабошладик. Журнал биз айтиб ўтган маъсад ва вазифаларга хизмат киларажак. Улуг Сталин даврига сазовор адабиёт ва сан'ат яратиши учун бутун кучимизни ижодиётта багишлайлик.



Ёзучи-академик Faafur Fулом  
Сталин мүкөфоти лауреати



## ДЕБОЧА

(„Иосиф Сталин“ ше'рига кириш)

Тақдирин құйл блан яратур одам,  
Фойбдан келажак бахт бир афсона.  
Саодат инсоннинг ўз ҳунаридир,  
Тақдирнинг құдрати әмас баҳона.

Иигирманчи асрнинг наҳори эди,  
Үрис халқ тақдирга қүярди тамал.  
Құдратнинг боғида толе' ниҳоли  
Саодат япроғин ёзарди амал.

Одамлар Ленинни — сени сайлади,  
Жаҳоннинг боғиға боғбон қилиб.  
Одамзод асрнинг зўр қопқасига,  
Энг етуқ одамни посбон қилиб.

Бир бутун асрнинг танлагани, сиз,  
Йигирманчи аср — бу сиз демак, демак,  
Эндиғи минг ишлар шоҳроҳида  
Ёқилган бир маш'ал, бир маяк демак.

Халқ берган ваколат туғи блан сиз,  
Баҳор айёмида тошган ирмоқдек,  
Қуюнлар ораси ёнган чақмоқдек,  
Бешинчи йилларни келтиролдингиз.

Ивишиқ оламга ғулғула солди,  
Мушт бўлиб тугулган занжирли қўллар.  
Тож ила тахтларга зилзила солди,  
Сиз бошлаб йўл олган ғазабли қуллар,

Фафлат бешигида кўкка термилган,  
Мустамлака халқнинг қулбаччасидим,  
Фулом ака — қул ака манглайим ўпиб,  
Айтгандир: «Жигарим, бағрим, азизим!

Гарчанд бу карвонга биз етолмадик,  
Мерос умидларнинг хўжайини бўл!  
Шу улуғ издиҳом етакчинг бўлсин,  
Истиқбол тонгиннинг йўлидир—бу йўл.»

Бешигим тебратди улуғ истиқбол,  
Менга мураббий деб сизни сайлади.  
Мендай миллионларнинг олтин тақдирин  
Сизга — доҳийларим, сизга бойлади!

Одамзод асрининг чароги сизсиз,  
Одамнинг ҳуқуқин байроби сизсиз —  
Владимир Ильич Ульянов Ленин  
Иосиф Виссарионович Сталин.

## ЙИГИТЛАР ГА

(Кизил Қўшиннинг XXVII йилигига)

Йигитлар халқларнинг мақтави, кўрки,  
Наслнинг жавҳари, давлат таянчи.  
Юртнинг ободлиги, тўйлар сабаби,  
Элнинг гуркираши, файзи, қувончи.

Йигит омон бўлса, хавфу хатар йўқ;  
Қалқон бор, қал'a бут, қўрғон саломат!  
Қизлар кулкусида авжу даромад,  
Чоллар уйқусида жаннат, фароғат.

Йигитлик умрининг бир кўкламига  
Бир бутун замонни алишсанг арзир.  
Арзир ўз йигитинг қадами учун  
Замонлар кўкламлар бўлса мунтазир.

Бир йигит ҳижрони ба'зан отанинг  
Бағрини, дўстларим, доғ-доғ ўртар...  
Расо қоматингиз бизга асадур,  
Уфуринг, боғимиз бўлсин муаттар.

Сиз ахир, ўлимни юртдан қочириб,  
Ҳаётни пойидор қилган аскарсиз.  
Сиз ахир улуғ юрт иқболи учун  
Шаҳидсиз, ғозийсиз, зотсиз, нафарсиз!

Ла'нати галалар ердан суприлди,  
Муқаддас ва ҳалол қонингиз блан,  
Янги жаҳон учун асос қўйдингиз,  
Ўлимни билмаган жонингиз блан!

• Атомлар қуввати пок қалбингизда,  
Ва сиздан кутади тақдирин жаҳон!  
Жаҳон, замон, халқлар, ватан ва давлат  
Сизга таянади, сизсиз посибон!

*Ойбек*

## ҚУЁШ ҚОРАЙМАС

(Романдан бөб)

Тунги жангдаги тұпалонда Алитажант бошқа қүшни қисмга ара-  
лағып қолған әди. Эрталаб, қисқа, лекин ҳаддан ташқари шиддат-  
ли түкенишда бу қисм түзигач, у бирнечә еш, тажрибасыз, саросисима  
жангчилар блан ўзини ҳарёққа уриб қочди. Отишма узоқлашгач,  
улар йўлга чиқиб, қайтомонга юришни билмасдан, қанғиб юришар  
экан, ўрмон орқасидан, қора балодай ногиҳон душман самолёти ван-  
тиллаб чиқди. Алитажант товушни эшитиш бланоқ учди-да, тошкӯча-  
ни жесган кичкина, сement жўприк ичига илондай жилпажнглаб кириб  
кетди. Сув қуриган экан. Манглайнин ёпишқок лойга қўйди. Пу-  
лемёт очередлари ва ғазабланган йирткичнинг на'раси ҳавони ёрди.  
Алитажант ўкларнинг ғиз-ғизини, тошларнинг чақнашини эшилди.  
Хаммаёқ жим бўлганида, у жўприк кавагидан сурғилиб чиқди. Юзи-  
дан лойини сидириб, теваракка кўз югуртди. Тўрт жангчи ҳарёқда  
юмалаб, кимир этмай ётарди. Алитажант мурдаларни қалтираган  
қўллари блан кўтариб, четга, тоза ўтлар устига ётказиди. Кафтига  
бир сиқим тулроқ олди. «Бисмилло»ни уч марта ўқиди-да, тупроқ-  
ни суғлаб, еш, туйғун қозоқ жангчининг устига сочди. «Мусулмон  
боласи. Ҳам қабр, ҳам жаноза бу»—ўйлади ичидан...

Кивралиб, туманликда учган йўл устида одамлар ва отларнинг  
ўликлари, начақ маппиналар, ўқлар, снарядлар сочишган әди. Үзок-  
да, ўнг томонда тепаланиб чўвилган темирийўл орқасидан, тутун ва  
аланга жўтариларди—станцияда ёнғин. Алитажант сўл ёққа, экин-  
зоризер, тепалар, текисликлар блан товланган далага отилди. Ат-  
рофда ҳечким йўж. Қаердандир уфук орасидан, тўпларнинг на'раси,  
қбрин ғулдирагандек, булатли самога ёйилар, қулоққа гира-шира  
чатиларди. «Бас!—деди ичидан Алитажант.—Қутулдим ўтхонангдан!  
Отам аскармиди, онам боякиш мени олов гирдоғида қуйсин, деб  
тукқанмиди?» У бироздан кейин нағасини ростлади, саригиш сий-  
рак мўйлабини, одатича, тишлаб, осоийшта жетди. У энди ўзининг  
ҳаркандан кайд-куйддан озод сезди. Унинг ёлғиз бир орзуи бор  
ди: уй, оила ўчоги. Бу шундай кучли орзу эдики, Алитажант ўз

ҳаёлида. уни қийин, лекин имконли деб топди. Ҳатто, шу жетишича, пиёда уйга жұнашға ҳам жазм килди: қишлоқдан—қишлоқка, бекатдан—бекатга ўтади. Қимирлаган кир ошар, юрган оёққа йўл нима! Йұналишни суриштирасдан, юравериб, жечкурун тошсиз, ўнгқур-чўнкур кичик йўлга чиқди. Сал юрмай, йўл баландликка қўтарилиди. Алитажанг кичкина, ўтқур кўзлари блан атрофга қаради. Қаршида «Сигир қўйруқ» тепалик сиртида кичкина қишлоқ жойлашган, пастда жимгина сузилиб, анхор оқади. Уйлар бир-бирига мингашгандай зич. «Ширингина қишлоқ экан»—деб Алитажанг қадами тезлатди. Қияликнинг этагида, сувга яқин уйнинг эшигини тақирилатди. Эшик қия очилди. Алитажанг майин, сарик сочли, кичкинагина, яссыгина бурунли, қарашлари юмпок, жажжигина аёлни кўрди.

— Каердан? Нима қерак?—Ранги ўчиб сўради аёл.

— Менини кизил аскар. Кисм йўқ. Кўп юрдим. Чарчадим.—Бошини эгиб қаваб берди Алитажанг.

— Аёл теваракка қушбоқиши ташлаб, имлади: «Қир!»

Алитажанг қириши бланок, уй бекаси эшикни ёпиб, занжирилади:

— Кандай қилиб қишлоқка келдинг? Қечадан буён қишлоқ ла’нати немисларники. Қоронғу даҳлизда беканинг юзини яхши кўралмаса-да, овозидан унинг ҳаяжонини сезди ва айни замонда ачиниш хис килди Алитажанг.

— Бека, қайга бораман, ҳаммаёқда фриц... Чарчадим.

— Ҳаммасини тушунаман. Қийин замон. Чекиниши—дағшат. Қандай кунларга қолдик? Балонинг йўлини қачон тўсадилар!

— Хўжайка, жуда қийин. Сафсем иш ёмон. Машгинаси кўп, худонинг даласига сиямайди. Яна ҳарбиттаси—том баробар. Темирни ҳам, тошни ҳам ғажийди. Одам нима?—Бир ҳовуч суяк... Эй, тушинасанми, хўжайка.

Алам блан чуқур хўрсинган беканинг орқасидан Алитажанг хотага қирди. Деразалари кичик, шипи паст, лекин саҳни женг хона ўртасидаги оддий, ликилдок стол теварагида айланган олти-беш ёшли, сочлари оқ сарик, кўзлари жануб самосидай тиниқ зангори, юматоқкина ўғил бола ҳайрат блан бир зум тикилиб, фиддираксиз, пачак ўйинчиқ машиначасини столга, гўё қераксиз нарсадай, юматди-да, жиддий, салмоқланиб сўради:

— Папамдан келдингми? Хат қани?

Алитажанг аскар ўғлини юпатишига кириши:

— Папанг, молодец, немисни ураётубди. Хат ёзишга вакти йўқ. Сен ёз унга.

Қечадан буён уйга қамалган гўдакка эрмак топилган эди. Уруш, танж, самолёт ҳакида болаларча самимий қизиқиши блан саволлар ёғдирабошлаганда онаси ман' этди. «Володя, бас. Амакинг чарчаган». Алитажанг сув сўради. Аёл мис чойнакда илиқ сув желтириб, раҳмдиллик блан ичирди. Алитажанг каскасини олиб, столга кўйди, шинель этаги блан кир юзини, пешонасини артиб, столга ташланди-да, қўпол этиги блан полни тақирилатиб, оёқларини жотди:

«Раҳмат хўжайка, раҳмат. Қийин замон. Сенинг хўжайининг ҳам фронтдами?»

— Ҳа, ҳамма фронтда. На хат, на хабар бор.—Сокин жавоб берди аёл.—Чидашга тӯғри келади, бошқа илож йўқ. Энг катта ғамла'нати немис. Манов бола бўлмаса эди, мен ҳам аллақачон жетган бўлар эдим...

Алитажанг сарик мўйлабини беихтиёр чимтиб, аёл сўзларининг мағзини чаққандай кўзларини сал юмиб, бошини сал қимирлатгани ҳолда пинашқа жетар экан, бека столга нон ва сут келтирди, ошамоққа ундини. Алитажанг миннатдорлик туйғуси блан, кўзларини бекадан узмай ошар ва унинг саволларига дудукланиб, яримтариюмта жавоб берарди:

— Мен... Жуда узокдан. Узбек... Ҳамма ўзбеклар фронтда... Тўртта болам бор. Маржа ҳам бор. Сандек...

Овқатдан сўнг жангчи яхшилаб бир қекирди, уни бирдан уйку босиб келди. Иложи бўлса, ўзини полга ташласа-да, тошдек қотса. Лекин ийманиб, кўзларини уқалади, парда блан қопланган қичкина деразага, деворларга, жихозларга каради. Занжирига бир парча ғишт, бир катта калит боғланган оддий девор соатдан бошқа буюмлар жўзларига жира ҷалғиди. Занжирига жатта жуҳори сўтаси боғланган қишилек чойхонасидаги соат кўз олдига келди. Далада иш қизғинлашган палладарда салқин чойхонада кўж чойнингжайфи блан ҳангамага берилган одамларга чойхоначи Турдипучукнинг «Хой, яхшилар, дун'ёда соат деган нарса ҳам бор» деб кесатишини эслади. Шу аснода кўчадан отликлар чопиб ўтди. Салдан сўнг мотоциклет худди дераза остидан ўтгандек, кучли пат-пат блан кечди. Бека деразага аста келиб, парданинг бир чекасини қўтириб, кўчага караб қўйди. Болаларча қизиқиш блан эшикка юргурган Володяга онаси бармоғи блан таҳдид қилиб, кейин Алитажангга деди: «Ланнатилар қўпайиб қолди шекилли. Кеча кун оғганда бир тала мастлари қишилоққа нағма чалиб, шовқун-сурон блан жириб келди. Кўп одамлар, уйларини ташлаб, эрта бланоқ ўрмонга кошишган эди. Бир итни отиб ўлдиришди. Кизларга тегажаклик қилишди. Селсовет идорасини кўчага улоқтирипди. Магазинни талон қилишди, лекин уйларга киришмади. Кечқурун қўплари қаёkkадир йўқолди. Қолгандар бутун кечада овқат пишириб, автоматдан отиб чиқди. Овқатта чўққадац баттар ўч эмиш, немис. Бир жечада еган тухумларининг пўчоғи, бир қоп бўлади дейишади».

— Нафси бузук ҳайитда ўлади дейди ўзбеклар.—Ҳаракат блан кийналиб тушунтириди Алитажанг.—Хозир немиснинг ҳайити. Текин овқат. Кусганича ейди...

Дераза қандайдир илгаридак шартланган ўлчов блан тиқирлади. Бека эшикка юргурди. Алитажанг уйку босган, хоргин кўзларини калаб, қулоқ солди, даҳлизда бека оналарча кимнингдир жойиди: «Кайда тентирайсан? Хозир шундайки, ён бағрингдаги қўшинингга мўралашга ҳам ботинмайсан!» Ҳаёл ўтмай бир киз қирди. У ҳаяконли эди, унинг кўжимтири беретка остидан тоштак қўрқам, жинжалак тулкунли қўмрол соchlари жарийб бутун пешонасини қўплаган

эди, опоккина, тўлғунгина юзлари, хаяжон ва ташвишнинг жил-васини ифода өттарди. У, дастлаб Алитажангни ҳам қўрмагандай, эскигина, лекин тоза, тиззасига қадар етмагақ киска ентил култранг пальтосини ечиб, михга илди, береткасини комод устига ташладида, бармоқлари блан қўркам сочларини, одатича, беихтиёр тарадида, кейин уни қўз қири блан қузатган жангчига юмшоқ, лўпни, майин қўлини узатди ва бошдан оёқ унга разм солиб, столга ўтириди. Алитажанг қандайдир уялган, ийманган жаби, бошини куйи солди.

— Ўрток, жангчи, чекинамиз-а?—деди бирдан қиз. Алитажанг индамади, бошини ҳам қўтартмади. Лекин қимирлатиб қўйди.

Бу беканинг синглиси Надя эди. Онадан саккиз ёшда етим қолгач, ота ҳамавақт командировкаларда юрганда, опаси Надяни ўз бағрига олган эди. Надя пишик ва туйғун киёча эди. У ҳамма совет болалари жаби эркин, шўх, жасур бўлиб ўсди. Тўққиз ёшда бўйнида пионер галстути лоладай ёнди. Мактабда ҳархил қружокларда қатнашди, ўнтўрт ёнда қомсомолга кирди. Ҳархил вазифалари, керакли, кераксиз узун ва шовқунли мажлислари купайди. Дарсларда а'лочи бўлса ҳам, синфда унча-бунчага бўш келмайди-ган, олдинги толибалардан эди. У, ҳарқандай илм соҳасига кирса, яхши ғайрат, жиддий ҳаракат оркасида муваффақият қозонажагига қаттиқ ишонар эди. Лекин у ҳам ихтисос танлашда муайян карорга келаолмаганда: дам унинг хаёлини сан'ат оламининг сехри банд этар, дам юраги Москва ёки Ленинграддаги машқур илм муассасаларининг лабораторияларида улуғвор, жиддий, лекин содда—старышон хаёл ғалати қиликли юлимлар қўл остида ишлаш орзуси блан лим тўлар эди. Бу йил баҳорда ўнетти ёшда ўнинчи сингла ќўчган эди. Аммо қувончли ўкиш фасли кузда уларнинг мактаби битлики, маст немис солдатларига макон бўлди.

Бека синглиси жангчини танишитирди—қаердан, жим у, қандай кабул қилди уни, ваҳоқазо. Ниҳоят, секингина, шивирлагандек деди: Билмайман, бу ўзбекни қандай асраймиз. Тилни ҳам жуда ёмон билади. Уз частини топингга аклим етмайди.

— Ҳечкиси йўқ.—Қўлини силтиб деди Надя.—Хозирча яширамиз. Бизникилар жуда ўзоқлашиб кетган.—Оғир тўплар овози ҳам эшитилмайди. Лекин, жуда эҳтиёт бўлиш керак. Ла'натилар тинч ҳалқни осиш, уйларни ёндириш учун бирон баҳона қидирадилар. Ҳар қадамда одамларни синайдилар. Солдат автоматни ўқталади—пешинангга очередь узмакда. Аммо сен тинч тур, бармоғингни қимирлатма, қўзингни олайтирма. Шундагина кутиласан! Нахалларнинг худоси—темир кучи! Биз русларни тиз ҷўқтирумакчилар, куч блаи. Катта йўлдан ўтаётган тўп, танк, матина ва солдатларнинг сони беҳад, дейишади кўрганлар,—деди бека ҳўрсиниб.

— Бошинг айланиб кетади!—қистириб қўйди Алитажанг—тепникаси қаттиқ. Аммо солдати — довюрак эмас, темир қўрғоннинг оркасида туриб, шовқун солади.

— Аха, ҳамма шундай дейди,—деди бека.—Бизникин темир

нинг жучини англамаган, эканлар. Билмадим, ниманинг жучига ишонишган! Мужикнинг гавдасигами? Жаҳлитгами?

— Кўй, шундай бўни гапларни!—Ранжиб деди Надя,—бизда ҳам куч бор. Етмаганини ясайдилар.

— Заводлар қани?—Немис бомбалади, қолганига чанг уруши... — бека панжаси блан йиртқич ҳайвоннинг ўз овига чанг солишини ишора қилди-да, зарда блан куйиниб, ўрнидан турди.

— Гигантларимизнинг ҳаммаси кўчирилган. Улар ҳозир төмیرйўл рельсларида, узоқка Шарққа югуратиши мумкин, блан деди Надя.

— Маруся, кел, биз ўртоқ жангчини яширайлик—деди Надя жилмайиб.—Хар он фрицлар эшигимизни тақирлатишлари мумкин, қаерга?

— Даҳлиздаги подволчи?

— Жуда зах. Нафас олиш қийин.

— Яна бир қамчилиги шуки,—деди ингичка сарғич қошлигини чимириб бека—йўталса, қисирса кулокқа чалиниши мумкин..

Алитажанг бужмайган бешонасини қашиб, ўз ичидаги ўйлади,—бу бечора аёлларга дардисар бўлиб нима қиласман? Замоннинг оғирлиги ҳам буларга етиб ортади. Мен туфайли яна фришнинг ғазабига йўлиқмасинлар... Опа-сингил жиддий гаплашиб туришар экан, Алитажанг бирдан уларнинг ёнига келди. Хар иккисининг елкасини қоқиб, миннатдорлик блан мурожаат этди:

— Спасиба, хороший человек ви. Беспокойся ненадо. Чуть-чуть темно—я уйду.

— Йўқ, биз сени одамхўрлар қўлига тупшишингни истамаймиз. Қандай мусибат бўлса, бирга қўрамиз,—деди бека.

— Совет жангчиси—кўзимизнинг қорачуғи,—деди меҳр ва ёшлик ҳарорати блан Надя.—Ўзингни ёт сезма, ўртоқ ўзбек, куёшли ўлкамизнинг жангчиси!—Алитажангни қўлтиклиб, Надя ҳавлига чиқди. Ҷоғроқ ҳаёли икки баланд тахта девор блан ўралган эди. Қолган томонида қамич томли, эски оғил ва омборхоналар қаторлашган эди. Қиз, энг четдаги яримхароба саройнинг эшигини очиб, Алитажангни киргизди. Ҳархил тақир-туқир ва уюм-уюм пичан орқасидаги ҳужрани кўрсатди у. Шу вактда тўшак қўтариб, бека келди. Үзи аввал ҳужрага кириб, ерга қалин пичан ёйди, устига тўшакни солди. Алитажанг учун бу ўрин пардек юмшоқ туюлди. Аёллар: «Бемалол дам ол, хабар олиб турамиз» деб, эшикларни ёпиб чиқишиди. Алитажанг зим-зие қоронғуда, пардек юмшоқ туюлан тўшакка чўзилиш бланоқ, уйкуга кетди...

Бу оқшом, гарчи теварак тинч бўлса ҳам, жечагидан жўра қўркунчлироқ, эзучанроқ туюлар эди. Бека ўзини овутини учун бирон бекорчи юмуш кидирад, Надя эса жеросин лампани стол ўтасига ўйиб, хомуш ва дилгир ўтиради. Қадим замон тарихига оид дарслар китобни гўё саводсиз киши ваарақлагандай, ваарақлаб, яна ёпиб қўйди. Бошини фалокатли қунларнинг саволлари тикали төмир чамбар каби сиқиб олганди. Ўнинг юрагида қурқув эмас, хўр-

ланган она юртнинг дарди, мағрур совет одамининг орномуси мавжланарди.

— Менга шундай туюладики,—деб бошлади бека уйда куймаланиб,—гүё бутун киплоқда хаёт ўчган!

Шу вактда қайдандир, якындан автомат очереди жечани ёрди.

— Ана немис көлтирган музика!—Киноя блан деди кулок солиб Надя.

— Қуни-кушнилардан биронтаси ҳам эшикдан бош сукмайди-я. Надя индамади. Бироздан сўнг гүё ўз-ўзига савол бергандек сенигина деди: «Нега биз уларга ҳатто мўрадамаймиз ҳам?»

Ҳажикатан ҳаёт бирдан даҳшатли равишда ўзгарган эди. Қишлоққа немис кирганча бўлган ҳаёт бир туш каби кўринарди. Дуруст, уруп оғирликлари анво' мусибатлари—айриликлар, қаро хабарлар, майшат ташвишлари, тақликалар, ғаҳималар—кун сайин кишиларни қўпроқ эзмоқда әди. Лекин совет қонуни, мажкамаси борди, куйинчак, миришкор, гайратли бошлиқлар ўртада эди. Ёшлар ишга жетаётганда, ишдан қайтаркан, ёки анчийин окшомлари майдонда, колхоз клубида тўпланишиб қўшиқлар айтишарди. Кечалари қўлни аёллар бир-бирларини кига йиғилишиб, гурунг қилиптарди, бир пастда йиғидан кулгига, кулгидан йиғига ўтилар эди.

Ўлик сукунатда соатнинг «тик-тики» ёмғурли қаронги кунда кудди бошига томчилаган чаккадай, юракка совуқ ва ноҳуш, ҳатто маш'ум урилафди. Надя кўзларини соатга тижди: Тўрт ярим. Соат адашган. Кўпинча вактни қарийб тўғри белгилайдиган Надя бутун фикрини, сезгисини ишга солса ҳам, шу онда кун қачон корайганини эслайолмади. Стрелькани тўққизга миндириб, бирдан кўлини силтади: эрта ишга. йўкишга ёки мажлисга кечикишдан кўрқадими!

Бека обедга тайёрланган боршчини иситиб келди, овқатни ҳамиша соғлом иштаха, асбобларнинг шакир-шукри, кулги ва жонли сиз блан ошайдиган опа-синѓил кайфсиз ва иштаҳасиз емажка киришаркан, дераза аста тикирлади. Қандайдир таниш йўтал эшитилди. Надя сапчиб туриб, эшикни очди. Ҳарсиллаб Яшгинбобо кириб келди. Аёллар уни азиз мәҳмондай кувонч блан қарши олдилар. Яшгинбобо баланд бўйли, суюдор, ўсук кошлари, кам сокол, ингичка чўзиқ юзи серажин, жиддий, ростгўй чол эди. Уч ўғли армияда эди. Улардан оиласи ижиси шаҳарда яшарди, чол бўйдоқ—кенжаси ҳушчоқчи гарнист, тракторчи блан бирга киплоқда эди. Бу ҳам фронтга кетгач, киплоқда сўққабои қолганди. Якындан буён сельподада магазинда коровуллик килабошлаганди.

Бека чолга боршч қуиб, ғамхўрлик блан кистади:

— Ич, бобо, совумасин, қорнинг очдир.

Чол бармоклари ўқлоғидай узун, кумирчиникидай қора йилтираган қўли блан нон ушатиб, оғзига ташлади-да, боршчи хўрилатиб, ичиб, Надяга ўткур, ичига ботған қўзларини тикди ва бирдан дағал рәвишда деди:

— Нега сочингни қоракүл мўйнасида жингала килдинг? Яхши ёмас, Кийимни ҳам мумжин қадар эсқисини кийиш керак.

Надя даррав туппинди. Елкасини сал қисиб деди:

— Сочим ўзи шундай—табиий. Билмадим, бундан ортиқ яна қандай содда кийиниш керак. Нима колди энди, юзларимизга кўмир суртамизми?

— Бўлмасачи!—Қуюқ қошлигини чимириди чол.—Ҳаммаси ҳам зёлларга овчи итлар-да, На уят бор, на номус бор.

— Кечак эркин эдик, одам эдик, бугун қулдан баттар бўлдик. Ақлимга сифидиралмайман. Қачонгача, бобо? Наҳотки... айт, бобо, умидинг борми? — Йирик, порлоқ кўзларини ҳаяжон ва дард блан тикиб сўради бека.

— Мен сени бошқача хотин дердим... — тамшаниб, дағал, маҳоркадан сарғиш, кир мийифи остидан кулиб гапирди чол.—Етим бузоқдай мағрайсан...

— Ана ўхшатиш, уф, сенинг тилинг... — қошиқни тарелка четига уриб, бека деди:

— Бобо, умидинг борми? Бу қандай савол? — Салмоқланиб сокинлик блан давом этди чол — умидим кечагидан бугун бақувват, эртага яна бақувватроқ бўлади. Мен кўриб турибман бу ғолибларни! Йўқ, мен рус кишисига ишонаман. Унинг руҳи дўстга қўёшдай илиқ, душманга қишимиздай даҳшат, Рус ерини забт этадиган куч йўқ. Худога шукур, рус осмони шундай кенгки, бир тарафини қора булат босса, иккинчи тарафидан тарқалган бўрон саваб ҳайдайди... Ҳамиша шундай бўлган, ҳамиша.

— Айтганинг келсин! — деди бека енгил хўрсиниб.

— Шу сўзларинг учун, бобо, мен сени қиём блан меҳмон қиламан. — Ўрнидан шўх қизчадай сачраб турди Надя, — а-жо-йиб, хушбўй ва хушхўр...

— Қани, ол, ол, — деди чол кулиб,—аччиқ кунларда жилла қуриса оғзимиз ширин бўлсин.

Надя пиёланинг тагидай тарелкачаларга олча қиём солиб, бирини чолнинг олдига қўйди, кейин катта мис чойнакда шақиллаб қайнаган чой келтирди. Букунга оид бўлган ҳархил қизиқ мавзу'ларда гангир-гунгир суҳбат бошланди. Чол қиёмни бир стакан чой бланоқ тамомлаб, умрида учраган кулгили воқиалар, тасодифлар ҳақида, мароқли, жонли ҳикоя қиласетди. Ҳаммаёқ жимжит. Ора-сира узоқдан автомат очереди қисқа-қисқа янграб қўярди. Лекин эгачи-сингил буни эшитмагандек, унинг даҳшатини гўё унугтандек кулишар, чол блан ҳазиллашар эди. Чол бир замонлар, ёритилди, чиройли ва ғоят айёра лўли қизига ҳуштор бўлгани ва лўлилар кўч орқасидан узоқларга тентирағани тўғрисида сўйлардан, ногоҳ яқиндан автомат тарақлади. Сал ўтмай, бошқа ёқларда ҳам бое қўручилиарнинг тартарагидай, қисқа, узун очередълар зилабошлади. Бека беихтиёр равишда ўрнидан туриб кетди-да, янги оқарди.

— Партизанлар босганикан?—шод хўрсиниш блан деди Надя.

— Ҳанима йўқ, нотинчланманглар!—деди чол пинагини буз

май. — Бунда бир секрет бор. Қараб тур, ҳали пулемётдан ҳам отади...

— Күчини намойиш қымкычы да, қуриб кетгурлар. — деди қовини солиб бека.

— Ыйк, кечирасиз, ожизлигини күрсатаётир. — деди чол айёрча кулиб.

— Қандай? — Эгачи-сингил бирдан сўради.

— Немис қўрқаяпти!

— Қимдан? — Бека лабини буриштириди.

— Биздан! Сендан, мендан, Аниса холадан, белсиз кампир Матруша Криловналаң, анави чўлоқ Яковдан қўрқади... Ишонинг менга, тунда немис қуён бўлиб қолади, мен кёчаёқ синаганман. Шундай қимаса ҳам бўлмайди-да, ўриснинг товуғи немиснинг хўзини қочиради ахир!

— Сен жуда баланддан келаяпсан. Сўзда ботирлик осон, — деди бека қўлини силкиб.

— Нега сўэда? Мен қуруқ сўзниг душманиман. Аммо етти ўлчаб, бир кесиши керак. Чол, ўз бармоғидай йўғон ва узун қилиб ўралган махоркани тутишиб, қаттиқ аксириди-да, яна чала қолган айёра, чиройли лўли қиз можарасини бошлиди. Аёллар яна аввалигидек берилиб тинглашиди. Лекин ҳикоя энг қизиқ, кулунчли ерда узилди: кўчадан, нах дераза қаршисидан, маст қийқириқ ва немисча қўшиқ эшитилди. Ҳамма бир зум жим бўлди. «Ит ўйини, булғалашиб ўтади, кетади» деб шивирлади-да, чол сўзини давом этдирган эди — эшик ларза блан қаттиқ тақирилади, дераза остидан этикларнинг қўпол дукури эшитилди. Эгачи-сингил чўчиб ўрнидан туришиди ва изтироб, нафрат блан эшик томонга қарашди. Гўё совуқ қотгандай, шишиб-пишиб, пальтосини кийди. Чол махоркани сўриб, қалии тутун бурктириди, қолдигини полга ташлаб, этиги блан эзди.

— Киргиз уларни! — боими блан эшик томон ишорат қилди бекага.

Бирпастда уй ичи қўпол дукур, тер ва ичимлик ҳиди, пишириш ва қулоққа михдай қадаладиган ёт сўзлар блан тўлди. Немислар бешта эди, — автомат осган тўртта солдат ва бир ефрейтор. Новча, арриқ, ўнг юзида йилтираган доғи бор, ингичка узунчоқ бошли ефрейтор, олдин хонани айланиб, деворларга, буюмларга кўз юргутириб чиқди, кейин аёлларга, чолга совуқ, масқарали назар ташлади.

— Бу ким? — Немисча аксент блан, қийналиб русча сўради у, бекадан.

— Бу бизнинг қишлоқдан, қўшнимиз. Бу — сингилм, — сал ҳансирараб, лекин дадил жавоб берди бека.

— Эр бор? Қаерда у? — аёлнинг иродасини кесиши учун, кўзларини пичноқдай қадаб, сўради ефрейтор.

— Ҳамма каби фронтда у! — Жавоб берди бека кўзларини сал тушириб.

Нада столга суюниб, бошини сал қуян қилиб, сокин сарди.

Ҳар он сайин, құрқувнинг ма'носизлигини англар, дадиллашар, бутун вужудини қандайдыр табиий ғуур түлдираётганини сезар эди. Лекин солдатларнинг ҳаммаси күкимтири каскалари остидан күзларини ҳәесизча илиқиши блан унга тиккандек туулгани учун, қиз бошини сал орқага бурди. Ходадай қақайған новча ефрейтор, чолга бурилди ва бошдан-оёқ мароқ блан разм солди унга. Солдатларга қараб, чол түғрисида нимадир тайинлади. Улар хақолашди.

— Ҳозир кече, — деди ефрейтор ва қўл соатини чолга қўрсатди-да, давом этди. — Бунда нима қиласан? Уйинг бор, кампиринг бор, қизларни бизларга қўй. Ну, жўна! Тез!

Чол индамади. Фақат серажин, этсиз юзи бир зум асабий қийшайди, махоркадан кир — сарғиши дағал соқоли, мўйлаби титраб кетди. у, махорка қолдигини полга ташлаб, этиги блан эзди: «Хўш қизларим, хайрли кеч» деб эшик томонга кеккайиб, дадил юрди.

— Хайрли кеч, Яшкинбобо, бизга кириб тур, — орқасидан қичқирди Надя.

Ефрейтор столга ташланди. Столдаги идиш-оёкларга жирканини блан қаради. Бека даррав йиғиштириди ва клиёнкани латта блан илдам тозалади. Солдатлар автоматларини комод устига қўйиб, стулларни қалдирлатиб, қисирлатиб ўтирилдилар. Ефрейтор столда ётган «Қадимий замон тарихи» дарслигини қўпол, кир бармоқлари блан варақлади-да, бирнеча варақни шартта йиртиб олиб, гижимлаб, шинель чўнтағига суқди ва аскарча шахтам одим блан ташқарига отилди. Надянинг юзлари титраб кетди. Кошки китоб блан бу ваҳшийларнинг бошларига урилса! У тишларини қисиб, дезага суялганича қотди. Фазаб ва алам тўлқини халқумини бўғар эди. Опаси қўзларини ма'нодор қисиб қўйди-да, китобни олиб, буфет устига ташлади.

Кенг елкали катта сопол товоқдай беўх'шов юзли, паст жаги олдинга туртиб чиққан солдат консерва банкаларини оғзидан сўлагини оқизароқ, миришкорлик блан очиб ташлади, бошқалари столни нон, тухум, колбаса ва ҳархил ширинликлар блан тўлдирди. Овқатларнинг кўрининиши ва ҳидидан бетоқатлангандай, қўпол ботинкалари блан гурсиллатиб тепиниб, кафтларини ишқалайбошлидилар.

Мана ефрейтор китобни «исте'мол қилиб», ўшшайиб кирди. Новча, ариқ ва гувалабош ефрейтор бема'ни, аблакона гердайиш блан ўтириб, узун оёқларини чалиштириди. Бека довдираб, стакан, пишқоқ, вилька ва бошқа идиш-оёқларни бериш блан банд эди. Надя орқасини ўғирган ҳолда дераза ёнида қотган. Қизнинг оёқлари ожиз, фазабдан титрарди. Немислар асбобларни шақирлатиб, пишқириб, ичишга, ҳайвондек чайнашга бошлаганда у бошини ўйи солиб даҳлезга чиқди ва қоронғида туртиниб бурчакдаги эски яшикка ўзини ташлади. Бироздан кейин ёнига опаси келиб ўтириди. Бирқанча вақтгача улар жим қолишиди. Фақат бека гоҳо

бошини деворга аста уриб қўярди. Лекин уй ичидаги шовқун, дукур борган сари кучайди. Буфет ва комод очилгани эшилтилди.

— Хўжайнинг қўлаётирлар, безорилар! — Шивирлади дард блан бека.

— Ўйлама, таловчилардан яна нима кутар эдик? — Сокин деди Надя ва давом этди, — жангчидан хабар олмадикку. Очиққандир. Бояқиш, Содда одам, тил билмайди, йўл-йўруқ билмайди...

— Мен ҳали кетгандан кейин, бапуржа келтириб, тўйинтирмоқчи эдим. Энди мумкин эмас. Айт, муттаҳамлар тинтуб килмасмиканлар? Шуни ўйлаб ўтирган эдим Кўрқаман.

— Бу итлар ейди, ичади, қорниви шишириб ётади. Эрталаб жўнайди. Мен ҳали гапларидан чала-чулпа фаҳмладим — мактабда ўтган эдик-ку, менимча, ҳавфланишга ўрин йўқ.

Нимадир полга тушиб чил-чил бўлди. Қаҳҳаҳа портлади. Шу онда бирдан боланинг чинқириқ овози эшилтилди. Бека сакраб, туриб, хонага отилди. Кроватьда Володянинг ранги қум ўчган, кўзлари аллақандай қўрқунчли чақчайган эди. Она маҳкам бағрига босди, ўпти. Юмшоқ, сариқ соchlарини силади ва эркалаб сўз блан овутишга киришди. Стол атрофида чайқалиб, ичишган солдатлар з’тибор бермади. Ефрейтор маст кўзларини ҳандайдир ҳайвоний талаб блан бекадан узмади. Ҳатто бузуқларга хос ҳаракат блан ишора этиб, бекадан розилик ва’да кутди. Бека қалтираб, кескин тескари бурилди ва болани ётқизиб, унинг бошига энгашиб ўтириди. Кимнингдир чайқалиб, унга яқин келсанини сезди, юраги шув этиб, кимирлашга ҳоли қолмади. Бир зумдан сўнг қандайдир мойли ва қўпол қўллар унинг юзларини пайпаслади ва бошини юқори кўтарди. Бека гўё қотилнинг пичорини ўз бағрида сезган одамдек, жон ҳолатда сапчиб турди, титраган, қуриган лаблари блан секин деди.

— Уят эмасми? Сиз — командир яна! Сўрайман, мени тинч кўйинг, болани қўрқитманг.

Ефрейтор немисчалаб, ниманидир қичқирди: «Кровать керак, бўшат!» Бир қўли блан болага, бир қўли блан эшикка ишора қилиди. Шу онда югуриб Надя кирди: «Нима бўлди?»

Ефрейтор сал гандираклаб чекилди. Бека индамасдан боласини кўтарди-да, ҳансираб эшикка юраркан, «юр, тез чиқ!» деди. Надяга. Қиз соатга қараб, эшикка буриларкан, жуда ёш, бақувват, қорамтири соchlари эски пилоткасидан ошган текис, тоза юзида шилқимнинг рухи жилваланган, атидан, солдат шинели кийган студент илдамлик блан унинг йўлини тўсида ва қизарган кўзларини сузиб, жилмайиш блан дастурхонга да’ват этди. Надя, бепарвогина раҳмат, истамайман, деди. Солдат бирдан қўлларини ёйди ва ҳар орзусига осонгина бўйсундираверишга ишонган эски ошнаси блан учрашгандек ялтанглик блан деди:

— Баришна, бир минут биз блан ўтиринг. Сухбат қилишамиз ярим стаканинг ярмини ичинг. Биламиз, руслар яхши ичали. О, ҳаммаси ичади. Сизга француз виносини бераман, у жуда жакши

вино, қизларнинг юзини гулдек очади, юрагини яшнатади. Сўрайман, марҳамат...

Солдат қизнинг тирсагидан маҳкам ушлади.

— Йўқ, беҳуда овора бўлманг,— деди Надя, бутун иродаси блан ўзини сокин тутишга тиришиб,— бошим оғрияпти. Ҳозир ҳечнума истамайман. Қўйиб юборинг мени. Солдат қўймади, ўжарчасига қистаб, олдинга итарабошлади.

— Кучингизни менга кўрсатасизми? Фойдаси йўқ. Билинг, менда ҳам куч бор. Мен— одам! — бир силтаб тирсагини бўшатдида; даҳлизга югорди, уйда ҳаҳолашди. Қимдан қулишди — номалум. Стакан синиши, маст қийқириқ, дукур ва нафма садоси эши-тилди.

Даҳлиз қоронғу, зах, совуқ эди. Япчикни Володя банд этган. У, қуруқ таҳтада ётолмасдан финшийди. Бека пичирлаб, душманни қарғайди. Надя бурчакка тиқилиб, узоқ вақт тек ҳотди. Бутун ҳаёт бўш, бема'но туйилди. Опаси туртина-туртина гугурт қидирди. Тополмади. Челакка қоқилиб, сувни оғдарди, ниҳоят, шалоқ табуреткани топиб, деди: «Ма, ўтири. Мадордан кетмадингми?» Башларини совуқ деворга қўйган ҳолда, жунжайиб ўтиришар, уйга бош суқипга юраклари зир титрарди. Хона ичида шовқун ва қаҳқаҳа тинмасди.

Ҳорган, ожиз, руҳан эзилган Надя енгил пальтосига ўралиб, мудраб кетди. Лекин бирдан чўчиб, кўз очди. Қаршисида электр қўйл фонари қандайдир даҳшатли йиртқичнинг тунда ёнган қўзи-дай маш'ум боқар эди. Қиз бир зум энтикиб, қотиб қолди-да, қичқирди: «Ким бу?» Мудраган опаси ҳам талваса блан ўринидан чўчиб турди. Ҳўқиздай пишиллаган, немиснинг бадбўй нафаси Надянинг димогига урди. Солдат ўзини қизга ташлади. Қучоқлаб, судради тапқарига.

— Барышна, нимношкага гулай — маст чайқалиб, дўнгиллади.

— Сан ким? Солдатмисан? Ҳайвон бўлсанг, ўлдир, лекин таҳқиқир этма! — Солдатдан қизни айириб олишга тириши ҳансираబ бека. Солдат ботинкаси блан тепди. Бека, гўё ўнг оёғи ушалгандай, инграб йиқилди. Надя нафрат ва ғазаб блан солдатнинг чангалидан қутилишга уринди. — Солдат уни деворга миҳдай қоқиб, эзғилашга бошлаганда, қиз унинг бетига тупурди. Солдат жаҳл блан уни туртиб юборди. Надя даҳлиздаги қақир-куқир устига қу-лаб тушиди. «Ўрис чўчқа!» — Бақиридан солдат ва кўча эшигини очди. Шу вақтда ичкаридан гуруллашиб башқалар чиқди. Ҳамма-си шундай остона тагида ўтириди. Надя кафти блан бурнини ёпди. Немислар хонага кириб, кроватъларни полдиратишда-да, оғанапи-д. Эгачи-сингил даҳлизда бурчакка қисилиб, гўё кети йўқ каби чўзилган оғир кечанинг ёришини мижжа қоқмай, титроқ блан кутишиди.

Эрта блан эран-каран немислар уйни тарқ этишиди, Новча, ар-риқ, қуий жаги осилган ефрейтор эшикда жилмайиб, «яна кўриши-ни рози бўласан-а?» дегандай хира, бема'но, қизарган қўзларини бекага безориларча қисиб қўйди.

Аёлларнинг ранглари касалниридай ўчган эди. Энди улар ўзларини гўё бутунлай сиртмоқдан бўшаган каби, енгил сезсалар ҳам, кўзларида қўрқув ҳали равshan жилваланарди. Немисларнинг қораси ўчар-ўчмас, бека кўча эшигини қулфлаб олди. Хонага кириши блан думогига бадбўйлик урди — у бир қўли блан бурун катакларини қисиб, деразани очишга мажбур бўлди. Уй ичи ифлос ва ивирсиқ эди. Гўё бу уйда одамлар эмас, маймунлар тунаган! Бека то уйни саранжом қилгунча, лаби пичирлашдан тинмади — келгинди зўравонларни қарғади. Уйда ўтиришдан ҳазар этиб, кичкина оила даҳлизда нонушта қилди. Қейин, опасининг э'тироэзига қарамай, Надя ўз ўртоқжонларини кўриб келиш учун, эски тууски кийимларини кийиб, кўчага отилди. Бека ҳавлидаги эски саройни очди-да, ҳужрани тиқирлатди. Алитажанг йўталди-да, кўзларини үқалаб, ташқари чиқди: «Издирас». Бека ундан қандай ухлаганини сўради. Алитажанг кулиб жавоб берди: «Жуда яхши. Ҳозир уйғондим. Уйқу — роҳат. Қизиқ тушлар кўрдим...». Бека бир тарелкада қовурилган картошка, бир бўлак нон келтирди. Алитажанг олдин бет-қўлини обдон юди-да, пичандা чордона қуриб, нонушта қиласкан, бека энгашиб, сири ва ҳазин товуш блан тунги воқиани айтабошлиди. Буюк даҳшатларни кўрган Алитажанг лоқайд тинглади: «Ёв келди, бало келди», — деди у сокин. — Е бўйсун, ё ўл, деди немис. Баччағар жуда қора ёв. Ҳўжайка, сенга катта раҳмат. Сен жуда яхши хотин экансан. Лекин бугун кечаси кетайми?

— Қаерга? Немиснинг қўлига тушаман десанг, кетавер. Менга ташвиш ва қўрқинч озроқ бўлади.

Алитажанг хотинни синамрқ учун айтган эди. Катта йўлда ҳайдалиб кетаётган асиirlарни узоқдан кўргандан бўён, асиirlикдан ўлимни афзал билган эди. Беканинг самимияти учун ташаккур айтди. Қўлини кўксига қўйди. Бека унга эрининг эски кийимларини кийиши, бирон баҳтсиз ҳодиса рўй берганда, душманга уни, ўз эри каби кўрсатажагини кенгаш берди. Алитажанг бу хийладан рози, кула-кула қоронғи ҳужрага тикилди.



Ўзбекистон халқ артисти Мукаррама  
Турғынбоева—Сталин муроғоти лауреати.



## РАҚҚОСА

Бу қандай жозиба? Қандай латофат?  
 Ё чаман саҳнида түлғандими гул?  
 Ё хиром этдими эрам товуси?  
 Изоҳ эт! Тушинтир! Сұзла, э күнгил.

Еки талпиндими навбаҳор қуши?  
 Жилва күргазгали, парвоз этгали?  
 Ё кўқдан индими сан'ат музаси?  
 Менинг ҳаёлимни олиб кетгали?

Йўқ, гулда бунчалик латофат қайда?  
 Хузурида товус шарманда ва лол.  
 Э баҳор қушлари, силкитманг қанот.  
 Келмасин десангиз, кўнглига малол.

Сиз ундан ўрганинг парвоз этишни.  
 Жилвани, ишвани ундан ўрганинг.  
 Шаббода, ҳайратда қолганинг аниқ,  
 Чунки му'жизадир бу гал кўрганинг.

Му'жиза кўрсатди раққоса сенга,  
 Сурма қил кўзингга босган изини.  
 Хабар эт оламга, бир кўриб қўйсин,  
 Узбекнинг раққоса, ноёб қизини.

Унинг рақсларида қуш енгиллиги,  
 Шаббода ўшуклиги, гул ишваси бор.  
 Унинг одобида, унинг хулқида,  
 Инсоний камолот мавжуд, барқарор.

У олий сан'атнинг тенгсиз ошиғи,  
 Жўш урап, очилар ўйнаган сайин.  
 О, руҳни юксалтган ишвалар нозик...  
 Фамза, табассумлар ипакдай майнин...

Толмасин, синмасин, қудратга тўлсин,  
 Сан'ат осмонида ёзилган қанот!  
 Юксал ҳур ижоднинг чўққиларига,  
 Сенга мадад берар олий мукофот.

Мадҳинг блан янграр, кенг фазоларда,  
 Токи тирик экан, шоирнинг саси.  
 Яша, эй сан'атнинг сўлмас чечаги,  
 Яша, илҳомимнинг ўлмас музаси!

## ҚУШ ҚАНОТ

Гулсатангни асранди қизи қаймоқ бозорига борган эди, янги гап топиб келди:

— Аячи, Ойшабодомнинг қизи бирам ўйинчи бўлибики, одамнинг оғзи очилади.

Бирдан Гулсатангнинг кўз ўнгидаги етим қиз Мукаррама гавдalandи.

Отасиз Мукаррама етти ёшга тўлганда онасидан ҳам айрилди. Танноз, бойвичча Гулсатанг ёш Мукаррамани ўзига чўри қилиб олмоқчи эди. Лекин Мукарраманинг тоғаси уни ўз бағридан чиқаргиси келмади: «ўзимиз оч бўлсан, оч; тўқ бўлсан, тўқ бўлади» дега келган элчиларни қайтариб юборди. Гулсатанг пирига ҳад'я қилмоқчи бўлган чўри қиздан маҳрум бўлди.

Мукаррама саккиз ёшга кирди. Бу тенгги қизлар Скобелев (ҳозирги Фарғона) шаҳаридаги очилган қизлар мактабига кириб ўқий бошлади. Мукаррама ҳам ўртоқларига эргашиб бориб, совет мактабига кириб олди. Бу — 1921-нчи йилда эди. Тоғаси ҳам унинг ўқишига қаршилик кўрсатмади.

Мактабда ашула дарси бўлганда Мукаррама тинч ўтиромасди: ҳамма қизлар ўтириб ашула айтса, у, партанинг устига чиқиб олиб, ашула оҳангига мос ҳаракат блан оёқ-қўлини қимирлатиб ашула айтар, ўзича белини эгиб, қошларини силкиб, қизларни ўзига маҳлиёқ қиласди. Ўқитучи уни зўр блан партага ўтқазиб қўярди.

Бир куни мактабда сан'ат ҳаваскорлари тўғараги тузмоқчи бўлдилар. Чолғучилар бор, ашулачи қизлар анчагина. Энди ўйинчи керак. Ашула ўқитучиси Мукаррамани ўз олдига чақирди. «Мен дутор чаламан, сен ўйнайсан, хўбми?» — деди. Мукаррама ҳам, йўқ, демай, учига пахтадан пилик қилган сичқон думи қоқилларини орқасига ташлаб, узун қизил чит кўйлакни липпа қилиб ўйинга тайёрланди. Муаллим «Дилхирож»га чалди. Мукаррама беданадек йўргалаб, кичкина қўлларини ишком қилиб, ўйинга тушибди. Тўғарак а'золари хурсанд бўлишди. Муаллим дутор чалишни тўхтатиб.

— Уйинга таланти борга ўхшайди, оҳангни даррав илиб олади. ундан ўйинчи чиқади, — деди.

8-нчи март куни Мукаррама Турғунбоеваларнинг мактабида кечада ўтказилди. Қизларнинг оналари, маҳалла хотин-қизлари чақирилди. Шу куни Мукаррама «Дилхирож»га ва «Ас бўламан» га ўйнади. Унинг енгил ҳаракати, ҳархил муқом блан ўйнаши меҳмонларни хурсанд қилди. Лекин Мукаррама бошқа қизлар сингари қувнайолмади. Чунки ҳамма қизнинг онаси келгану, Мукарраманинг онаси йўқ. Бунга она бўлмиш тоғасининг хотини ҳам келмаган. Уни шунча юпатсалар ҳам, уйига ийғлагудек бўлиб борди. Ётганда бошини кўрпага буркаб, кўзи уйқуга кетгунча хиқиллаб ийғлади. Ҳафтафаҳм янгаси буни пайқамади, пайқаса ҳам парво қилмади.

Бу ҳафагачилик ҳам ҳалво экан, эртасига катта жанжал кўтарилиди. Янгаси қаймоқ бозорига бориб, Мукаррама ҳақида дувдув гап эшишиб келган эди. Кеча унинг ўйинини кўрганлар букун оғиз кўпиртириб, бозорни бошларига кўтарибтилар. Ҳар бурчакда пичир-пичир, ҳар дўкон олдида миш-меш гап. Мукарраманинг янгаси зўрга қочиб қутилибти. У, уйга келгандан кейин Мукаррамага қараб ўдағайлади:

— Энди сен, мактабга бораман, дегин, уриб оёғингни синдираман. Ун-үнбирга чиқиб, бўйинг чўзилиб қолди. Эртами-индиң эрга берса, эр эплайсан. Сенинг «яллачи» деган номингни эши-тишга тоқатим йўқ. Кўмилиб, уйда ўтири, бола боқ!

Мукарраманинг кўзлари пшёладай ўйнаб кетди. Бу гаплар баҳона бўлдию, у ўтириб, тоза ийғлади. Кучи кўзига етди. Уни мактабга юбормай қўйишиди. Ўртоқлари келди, юборишмади. Үқитчилар келди, юборишмади. Ахир шаҳар маорифидан бошлиқлар келиб, тоғаси блан гаплашиб, мактабга боришга розилик олдилар. Мукаррама яна қувнаб-қувнаб, мактабга бора бошлади. Узбек оёқ ўйинлари уни жуда қизиқтирас, шунча қаршилик бўлишига қарамай саҳнага чиқаберар эди. Айниқса, Педтехникумга ўтгандан кейин яна ҳам берилиб ўйнайбошлади. Бу ерда ҳаваскорлар тўғарагига кирди. Узбек классик ва ҳалқ ўйинларининг йўли ва руҳи блан таниши, янги-янги ўйинлар ўрганди. У ўзига шерик топди. Ҳалима Раҳимова блан бирга ўйнайдиган бўлди. Педтехникумда ўқучи Розия Каримова блан тез-тез учрашиб туришиди. Ҳар икки техникумнинг концертлари шун уч киз блан қизийдиган бўлди. Буларнинг ўзаро мусобақалари бошланди. Улар ўйиннинг нозик чизикларини эгаллаб, унга янги муқомлар кириладиган бўлиб қолдилар.

1929-нчи йил эди. Тамараҳоним ва Кори Ёқубов бошлиқ бир группа артистлар Фарғонага бориб, концерт қўйишиди. Техникум қизлари блан Мукаррама концертга борди. Унинг икки кўзи Тамараҳонимнинг ўйинларида бўлди. Тамараҳонимнинг ҳарбир ҳаракатини синчиклаб, текшириб ўтириди. У ўзининг ҳали жуда фўра

ўйнашини англади ва Тамарахоним каби актриса бўлиш орзусига тушиб қолди.

Ҳали концерт тамом бўлмаган эди, Мукаррама сакраб ўтирган еридан турди, ёнидаги ўртоғини ҳам судради. Иккиси астагина саҳнанинг орқасига ўтишди, олдин мўралаб-мўралаб туришди, кейин ичкарироқ киришди. Тамарахоним наебатдаги ўйинга мос жийимларни шошиб кияётган эди, буларга қиё ҳам боқмади. Мукаррама яна ҳам ичкарироқ кирди, кўзини Тамарахонимдан олмай тикилиб турди. Тамарахоним бир қараб қўйди, Мукаррама илжайди. Тамарахоним кийиниб бўлиб, Мукаррамага яқинлаши:

— Ха, қизча, келинг! — деди.

— Сизни кўргали келдим, — деди яна илжайиб Мукаррама. Ўртоги яқинлаши. Тамарахоним булар блан иссиқ кўришди: «Фарғонанинг қизлари шайтон бўлади. Саҳнага ҳам чиқиб олишипти» деди Тамарахоним Қори Ёқубовга қараб. Қори Ёқубов қизлардан сўради:

— Артистларни яхши кўрасизми?

— Ҳа, — деди Мукаррама бир шоҳ ташлаб.

— Сизларни ҳам артистликка олсак, майлими?

— Узи ҳали ҳам ўйинчи — деди Мукарраманинг ўртоги шошиб-пишиб. Тамарахоним блан Қори Ёқубов бир-бирларига қарашиб кўйиши. Эртасига техникумга боришга ва'да беришди. Шу куни Мукаррама севина-севина уйига кетди.

Орадан биркенча вақт ўтди. Мукаррама Турғунбоева Тамарахонимлар блан Самарқандга ўзбек давлат музикали драма театрига келди. У орзусига етди.

\* \* \*

Бир сурат кўрдим. Бор бўйича олинган. Узун, таги қизил, усти оқ ипакдан парча гулли қилиб тўқилган қалин латта бешбел камзул кийган. Камзулнинг энг учларидан тепкилил қора атлас кўйлакнинг енги сал кўриниб турибти. Бўйнида зебигардон, бўйинтумор, бошида латта дурра, унинг устидан тиллақош тақилган. Орқада қирқ кокил. Икки қўл бош устида ишком бўлган. Қўзлар қиё боқишида. Ажойиб бир туриш. Бу суратни бир рассом туширган бўлса, уста рассом экан, бутун сағатини шу жувонни тасвирлашга сарф қилиби, дер эдик, йўқ, бу сурат фотографияда олинган. Бу расм — Мукаррамахоним Турғунбоеванинг Москвадаги «Большой театр» саҳнасида турган чоғида олинган. Бу туриш сағаткорнинг моҳирлигини яққол кўрсатади.

Мукаррамахоним ўзбек рақсининг энг жонли ва энг нозик сағаткори бўлаолди. Ба'зан ўйноқи тойчадай йўрғаласа, ба'зан сувдек мавжланади. Ба'зан ёнга шоҳ ташласа, ба'зан орқага гажак бўлиб эгилади. Ба'зан қийғир бўйин блан парвоз қиласди. Кизларнинг дўппи тикиши, пахтакорнинг пахта териши, пилла-кашнинг ипак йигирицигача унинг тасвирида акс этади. У, чилдирмада «Садр»ни, Бухоронинг «Занг» ўйинини, сафоида «Ўйур»

ўйини, дуторда Фарғонанинг «Тановар»ни, «Баёт»ни моҳирлик блан бажаради.

Мукаррамахоним 1937-чи йилда Москвада бўлган ўзбек сан'атининг ўн кунлигига ўзининг бу ўйинлари ва «Гулсара» пъесасидаги бош ўйинлари блан Москва меҳнаткашларининг олқишига сазовор бўлди. Уларга ўзбек ўйин сан'атининг бутун нозиклиги блан кўрсатабилди Совет давлати унинг бу хизматларини тақдирлаб, улуф мукофот — «Меҳнат Қизил Байроқ» ордени блан мукофотлади. Шу йил Мукаррамахоним Узбекистон халқ артисти деган юқори унвонни олди. Бу ҳодиса уни ўз сан'ати соҳасида янги-янги илҳомларга етаклайди.

Бирор киши ўйинга тушса, одамлар: «Мукаррамахонининг ўйинидан бўлсин» дейдилар. Қаерда бўлмасин, Мукаррамахоним ижод қиласин «Тановар»ни талаб қиласидилар.

Энди оналар қизлари уч-тўрт ёшли бўлиши блан уларни ўйинга ўргатиб: «Қани қизим, бир ўйинга тушиб бергин, Мукаррамахонимдек қуш қанот бўлгин, зора-мора унингдек отоқли артистка бўлсанг» дейя ният қиласидиган бўлиб қолдилар.

Мукаррамахонимни халқ севади, унинг ўйинларини кўриш орзусида Узбек Давлат опера ва балет театрига қайта-қайта келадилар.

Мукаррамахоним Турғунбоева саҳна асарларидаги бош ўйинлардан ташқари шу асарлардаги характерли ролъларни ҳам усталик блан ижро этади. Унинг «Аршин мол олон»даги Зебо, Осиё ролъларини, «Резаворчи»даги Ҳовар, Фазилат ролъларини, «Ўртоқлар»даги Анорхонни, «Гулсара»даги том тепасида сақич чайнаб, тўйни тамоша қиласиди, Гулсаранинг ўртоғи ролини, «Фарҳод ва Ширин»даги Есумон кампир ролини кўрган тамошабин Мукаррамахонимнинг ҳаракатларини ҳечқачон кўз олдидан кетказаолмайди.

Мукаррахоним ўзбек балетларила бошি ролъларни ўйнашдан ташқари шу балетларни саҳнага қўйишда ҳам катта иш кўрсатди. У кўпроқ Узбекистон халқ артисти Уста Олим ва балетмайстер Бараповскийлар блан бирликда ишилади. «Пахта», «Шоҳида», «Гуландом», «Оқ билак» балетларида янги ўйинлар ижод қиласиди ўзи бош ролъларда ўйнади. Москвадаги яхудий давлат театрида қўйилган «Хамза» ясапидаги ўйинларни, «Бўрон» операсидаги ўйинларни саҳнага қўйди.

Мукаррамахоним рус балет класикасини ўқиди ва ўқимоқда. У, русларнинг машҳур балеринаси Уланованинг усталигини кўриб, ундан ўрганмоқда. У, «Боқча сарой фонтани» балетида Зарема ролини муваффақият блан ижро этди. У, балетни том ма'носи блан эгаллашга ва ўзбек балетини юксалтиришга ҳаракат қиласиди. Мукаррамахоним ёлғиз ўз сан'атини юксалтириш блангина қолмай ёш кадрларни тайёрлашда ҳам анча хизматлар қиласиди. Кўзга кўрининган ўйинчилардан: Валя Галанина, Галя Измаилова, Николаевна Шилкиналар унинг шогирдларидир.

Мукаррама Турғунбоева жамоатчи, камтар актрисадир. У

жамоат ишларини бажаришни, ҳаммавақт халқ ичидә бўлишни жуда севади. Ёзги иссиқ, қишиқи совуқ унинг баҳонаси эмас. Бутун халқ қурилишларида, фабрика-заводларда, колхоз-совхозларда, маҳалла клубларида — халқ талаб қилган ҳамма ерда бўлади. Халқни ўзининг ажойиб ўйинлари блан хурсанд қиласди. Катта Фарғона канали қурилиши пайтида муттасил ўша ерда бўлди, туни-куни халқнинг ма'навий озиғи, ўйин сан'ати блан халқни мамнун қилди. Бу иши учун давлатимиз уни «Шавкатли меҳнат учун» медали блан мукофотлади. Ўзбекистоннинг йигирма йиллик тўйида Мукаррамахоним «Меҳнатда ўrnak кўрсатгани учун» медали блан мукофотланди.

Бу йил Мукаррама Турғунбоева ва бутун ўзбек халқи учун катта қувончли кун бўлди. Мукаррама Турғунбоева Сталин мукофоти лауреати деган унвонга эга бўлди. Бу — унинг улуғ ватан уруши йилларида қилган хизматларини тақдирлаб берилган улуғ мукофотdir. Бу Сталин конституциясининг совет хотин-кизларига берган ҳуқуқининг яққол исботидир.

Мукаррама ўтмишда чўрилилка лойиқ кўрилган бир ятима эди. Уни Ленин-Сталин партияси, совет ҳокимияти чўрилилдан қутқарди.

У Совет халқининг сан'аткори, ўйинчиси бўлаолди. Сан'аткорлар учун энг фаҳрли ұлут унвонга эга бўлди.

## ЛЕНИННИНГ СУРАТИГА ҚАРАБ

Лениннинг кўзларида  
 Уфқаларнинг ҳусни бор,  
 Чашмада акс этгандай  
 Офтобнинг сурати.  
 Қарашида ёэилган  
 Забаржаддан бир дарбор,  
 Асрларнинг давомин  
 Ошар хаёл сурати.  
 Мен Ленинга қарасам,  
 Сталинни кўраман.  
 Мен Ленинни ўқийман  
 Сталин китобида.  
 Наслларнинг иқболи  
 Ўчмас нурдан баҳраманд,  
 Бу бир нурки сочилар  
 Зулматнинг жавобида.  
 Бир бехабар гўдак-дим,  
 Биз ундан ажраган йил,  
 Кечалари юлдузни  
 Санаш эди одатим,  
 Мен рус тилин ўқидим  
 Ўша чоғдан муттасил —  
 То менга аён бўлгай  
 Устозим — саодатим.  
 Суратига қарайман,  
 Чарчаган соатимда,  
 Ўтар хордиқ, келади  
 Учиб янга қофия,  
 — Салом, дейман, мададкор  
 Ше'римда, меҳнатимда,  
 Илал-абад миннатдор  
 Элдан сенга ҳадия.

У К У Н...

(Владимир Ильинич Ленин)

Хұллага ўралған кекса ўрмонлар  
Нечун инглашади, қандай мунги бор?  
Яңварь ташлаб ўтди замқарир қадам,  
Чинорлар бошида булат барқарор...

Улка бүйлаб у кеч қор еғди иуқул,  
Довуллар шиддаткор, шамоллар дайди.  
Қорлар, оловлардан очиб ойдин йұл,  
Мамлакат дам сайин силжимакдайди.

Езди қарри тарих сақиғасига —  
Тарихни титратған бир сүз ларзакор.  
Курра қулоқ солди, радио сасига —  
Оlam тинди, гүё, юракларда зор...

Заводлар кўксидан юксалди тутун,  
Шаҳарлар устида кезді ноласи.  
Ишчилар бўтадай бўзлади бутун,  
Паймона бўлгандай сабр пиёласи...

Йиғламас кўэларда кўринди ёшлар,  
Курра бундай вазмин кўрганми қайғу?  
Эгилди-эгилмас мағрӯр не бошлар.  
Топкін дар'ёларда тинди оқар сув...

Үз узун умрида бу кекса дун'ё,  
Шундай мусибатга бўлганникин дуч?  
Йўқ! Қалтираб тушди дун'ёлар гүё,  
Ерга ларза солди бу сўздаги куч...

Ленин вафот! Нечун оламда сукут?  
Нега шилдиралас, булоклар түрғун?  
Нега инсонлардан ўчди ранг ва қут?  
Нега<sup>4</sup> кўэларда ёш, чеҳралар сўлғун?

Нега ғамгив, нечун ёш тўкар фалак?  
Нега йиғлагандай бу чексиз дун'ё?  
Нега одам борки, югупар ҳалак?  
— Айрилик дардига бағрим мубтало...

Нега шовқинлайсиз, эй түқайзорлар?  
Оламда не даҳшат, ерда не бало?  
Нега увлашасиз, довуллар, не бор?  
— Айрилиқ дардига бағрим мубтало...

Нега ёш түқасан, мағрур одамзод,  
Нега ҳар юракда дариғ, вовайло?  
Нега бўғизларда бўғилмиш фар'ёд?  
— Айрилиқ дардига бағрим мубтало...

Нега ёш түқасан, мағрур одамзод.  
Нега жарангламас созларда наво?  
Нега бўғиздарда бўғилмини фар'ёд?  
— Айрилиқ дардига бағрим мубтало...

\* \* \*

Зал..., Кекса большевик, қарри сафдошлар,  
Бош қуий киришар Ильич ёнига.  
Эгилар-эгилмас у мағрур бошлар,  
Юрак тоб беролмас дўст ҳижронига.

Минбар сари юрди у шижаоткор,  
Тўлқун уриб келар қора соchlари.  
Сталин... кўзларда шаффоғ ёш қатор,  
Унга қадалади кўзларнинг бари.

У — сўзлар, тоғлардай вазмин ҳар сўзи,  
Денгизлардай теран, кундуздай аён.  
Асрларга татир ҳар гавҳар сўзи,  
Тинглар кенг мамлакат, тинглар кенг жаҳон...

Авлодлар номидан этди қасам'ёд.

\* \* \*

Ленин ўлган эмас... У — ҳаёт ҳали.  
Ленин ўлган эмас — у ёнимизда.  
Ленин ўлган эмас... Даврон сургали —  
У абадий яшар давронимизда.

Боягина улкан бекат тўрида,  
Броневик устида сўйлаган янглиқ,  
Боягина қалин ўрмон қўйнида —  
Оғир хаёлларни ўйлаган янглиқ...

Хам Дзержинскийга телефон қоқар.  
Бераҳм бўлгин, дер, ёвга даҳшат сол...  
Горькийга меҳрибон, мулоим боқар,  
Улуғлиқ олдида улуг Форъкий лол...

Ленин ўлган эмас... Ленин бор ҳали,  
У блан кўкаар, камол топар ер.  
У сафдошни чорлар ва дейди: бали.  
Қучар, пўлатдай бўл, эй Иосиф, дер...

Ленин ўлган эмас... Ленин — барҳаёт,  
Ленин — асрларнинг ўлмас фаҳридир.  
Ленин ўлган эмас... Ленин — ўлмас зот,  
Ленин — золимларга элим қаҳридир!

Ленин ўлган эмас... Ленин — барҳаёт.  
Ленин — доноликнинг тошқин наҳридир,  
Ленин ўлган эмас, у — мангалик от,  
Не наҳр, ақлнинг чексиз баҳридир...

Ленин — ҳар қадамда ўлкамизга ёр,  
Ҳар увоқ, ҳар улуғ зафарга сарвар.  
Ҳар увоқ, ҳар улуғ жангда Ленин бор,  
Ленин борки, бу эл баҳти муқаррар...

Жангларда, оташ ва дўзоҳ ичидা  
Ленин ҳар найзадор ёнида ҳозир.  
Ленин кучи яшар мардлар кучида,  
У ҳар шижоаткор ёнида ҳозир...

Бу эл яшар экан — яшайди Ленин,  
Ленин яшар экан — эл яшар омон,  
Лениндай илгари етаклар элин —  
Замонам Ленини — Сталин ҳамон...

## Б Е Ш И К

Фанижоннинг хотини туғмай-юриб-юриб бирданига «қўчкордай ўғил» туғиб берди.

Фанижон хотини ҳомиладор бўлганда ҳам, болани кўтариб юрганда ҳам, ой-куни яқинлашиб қолганда ҳам бунга қишлоқда ҳар куни, ҳар ерда бўлаётган ва бўладиган ҳодиса деб қараган эди. Броқ боланинг ер юзига тушуви унинг учун ҳеч қачон, ҳеч ерда кўрилмаган ва кўрилмайдиган ҳодиса бўлди. Назарида бутун қишлоқ кўпдан бери шу кунга мунтазир бўлиб, ҳозир фақат шу тўғрида гапираётгандай, ҳарбир суюнчи олиб келган ва ҳарбир «қуллуқ бўлсин» деган киши шуни тасдиқлаётгандай бўлар эди. У «дадаси» деган сўзни биринчи марта эшитганида бу сўз қаеринидир қитиқлади, қаеригадир иссиққина тегиб, бутун вужуди яйраб кетди.

Мана шу Фанижон шу ўғилчасига бешик олгани район марказига борди, кўзига энг чиройли кўринган бешикни олди ва отига ўнгариб қайтиб келар эди.

Йўл бўйидаги ариқлар афти бурушганича музлаб қолган, дараҳтлар чўнтоқ супургига ўхшайди. Ҳаво, куни бўйи зўр бериб лоақал тўрттагина қор ташламаганидан хуноб бўлгандаи қовоғи солиқ. Шунинг учун ҳали кун ботмагани ҳолда қош қорайган. Қисқаси кишининг баҳрини очадиган ҳеч нарса йўқ. Шундай бўлса ҳам Фанижон гашт қилиб, отнинг оёқ ташлаши ва сўлуқнинг шилқиллаши мақомига ашула айтиб борар эди:

Ҳай-ҳай менинг ёrimсан,  
Танимдаги жонимсан;  
Қоронғу кечаларда,  
Ендиран чироғимсан...

Оққовоқ қишлоғининг чиқаверишида йўл бўйида ўтирган кимдир қўлинин кўтариб, Фанижонга бир нима деди. Шу онда оралдан гуриллаб автомобиль келиб қолдию, Фанижон унинг нима деганини эшитмади. От автомобильдан ҳуркиб, ҳилла ергача сурисиди. Фанижон қайтиб келгани эриндию, кетаберди. Бирон килоети йўл босганидан кейин, шу яқин-ўртадан миљтиқ товуши киди. Тепаликдаги бақатеракдан гур этиб кўтарилган бир тўп

қарға «қағ-қүғ» деганича ҳар томонга учиб кетди. Қарғаларнинг қагиллаши Фанижонга совуқни ва йўл бўйида ўтириб қўлини кўтарган ҳалиги кишини эслатди. Ким экан у, шу совуқда кўчада ўтирган? Нега қўлини кўтардию, нима деди? Бемаҳалда йўлга чиқсан бирон йўловчи экану, «отингга мингаштириб ол» дедими-кан? Ундан бўлса, нега ўрнидан турмади?

Фанижон беихтиёр бир орқасига қарадио, яна йўлида давом этди. Бирон ашула бошламоқчи бўлган эди, йўл бўйида ўтирган киши сира назаридан кетмай, ҳеч нарса эсига келмади.

Нега йўл бўйида ўтирибди? «Мингаштириб ол» демоқчи бўлса, нега ўрнидан турмади? Ё касалмикин? Агар шундай бўлса, яхши иш бўлмади. Ҳали ҳам қайтиш керак. Бордию аскарликдан бўшаб келаётган бирон инвалид бўлса-чи?

Фанижон дарҳол отнинг бошини буриб орқага чопди. Ўша одам ўтирган жойни туスマл блан топди. Бу ерда ҳечким йўқ эди. Товуш чиқарди. Ҳечким жавоб бермади. Шу атрофни хўб қидирди. Тополмади. Негадир ўша одам, албатта инвалид, деган фикрга келди. Назарида у оқсоқланиб, қишлоққа кириб бораётгандай бўлди. От кўйиб қишлоққа кирди. Бир неча кишини тўхтатиб сўради. Ҳечким «мен» ёки «шундай одамни кўрдим» демас эди. Фанижон «пиёда жўнаган экану, кўрмабман» деган гумон блан орқага қайтди. Яқин икки километр ергача йўлнинг икки томони-ни синчиклаб кўздан кечириб, от чопди. Яна қайтди...

Шундай қилиб Фанижон уйига ярим кечаси келди, Унинг авзо-йи шундай эдикни, хотини қўлидаги рангдор бешикка ҳам қарамай:

— Вой, ўлай, нима бўлди? — деди.

— Ҳеч... чарчадим, — деди Фанижон, лекин бўлган воқиани хотинига айтгани уялди.

Бир уйқуни олиб турган хотини яна уйқуга кетди ҳамки, Фанижон киприк қоқмади. У, кўзини юмиши блан шинель кийган оқсок киши кўз олдига келар, рўпарасида қўлтиқтаёққа таяниб туриб, «ҳали шуми меҳр-оқибат» деяётгандай бўладар эди. Фанижон чилим чеккани туриб, токчадаги подносни тушуриб юборди. Хотини уйғонди.

— Ха, нима қилиб юрибсиз? Чироғни кўтарсангизчи!

— Тамаки қаерда?

— Нима қиласиз?

— Миниб бозорга бориб келаман! Тамакини нима қиласди киши? Чекади-да!

— Ҳа, мунча..., кечаси чилим чекадиган одатингиз йўқ эди, шунга сўрадим.

Хотин эрини ҳечқачон бундай кайфиятда кўрмагани, ундан сра дағал сўз эшитмагани учун кўнглига ғулғула тушди, ўрнидан туриб, ёнбошлади.

— Бирон жойингиз оғрияптими?

— Йўқ.

Фанижон чилим солиб чекди ва келиб чўзилди. Хотин унинг бошини силади.

— Бирав хафа қилдими?

— Йўқ.

Хотин бироз туриб яна сўради:

— Нега бемаҳалга қолдингиз?

— Йўлда иш чиқиб қолди.

— Нима иш? Нима бўлди? Айтинг, ўргилиб кетай... Менга айтмасангиз, кимга айтасиз...

Фанижон хотини жуда катта ташвишга қолганини пайқаб, гапнинг учини чиқарди.

— Келәётсам, йўл бўйида бирор ўтирган экан, қўлинни кўтариб, «жон ака, мени мингаштириб олинг» дегандай бўлди.

— Ким экан у?

— Ўрнидан турмади. Шундан гумон қилдимки, аскарликдан бўшаб келаётган бирон инвалидми... Инвалид эканлиги аниқ!

— Дарров мингаштириб олмадингизми?

— От, ҳарам ўлгур, сурис кетиб қолди. Қайтиб бориб, тополмадим. Чакирдим, ўёқ-буёқни қарадим. Отдан тушиб, ўтирган жойини қарамабман, шунга кўнглим ғаш бўлаётиди. Яраси ёмонроқ бўлса, кўнгли озиб, ўша ерда ётиб қолдими...

— Унчалик эмасдир... Аввали шуки, аскарликдан бўшаб келаётган киши йўл бўйида «ким ўтар экан» деб ўтирамайди, уларга от-ара ва, машина ҳамма вақт тайёр, ҳамма вақт топилади.

Хотин бу гапни Фанижонга тасалли бериш учун бошлаган эди, броқ унга тасалли беришдан бурунроқ ўзининг кўнглига ғашлик солди. Унинг назарида ўша одам ҳақиқатан инвалид бўлиб, яраси очилганлиги орқасида кўнгли озган, ҳозир ҳушига келиб, ариқ бўйида инқилаб ётгандай бўлди.

— Утирган жойини қарамадингизми?

— Қарадим, лекин отдан тушиб қараганим йўқ. Қоронғи эди.

— Вой, одам ҳам шунчалик беғам бўладими? Отдан тушиб пайпаслаб қарамайсизми! Энди нима бўлди

Фанижон ирғиб ўрнидан туриб кетди.

— Бориб келсаммикин?

— Шу вақтгача ётармиди?

— У-ку ётмас, бирор олиб кетар, лекин бу аҳволда биз ҳам ётломаймиз-да.

Фанижон даррав кийиниб чиқди ва бориб, колхоз отбоқори Насибалини уйғотди. Насибали маст уйқида ётган экан, малол келиб гаплашди.

— Қаёққа борасиз шу маҳалда?

Гапни чўзмаслик учун Фанижон ёлғон гапирди.

— Амакимнинг ўғли аскарликдан бўшаб келибди, шуни кўриб келаман.

Насибали даррав отхонага кириб, битта отни етаклаб чиқди.

— От мингани одам орқа-олдига қараб юради, — деди қоринги тортаётиди, — ҳали сал бўлмаса, автомобиль уриб кетаёзди.

— Қачон?

— Ҳаличи, ҳали! Оққовоқдан чиқаверишда!

— Құл күтартған сизмидингиз? Ү ерда нима қилиб ўтирган  
әдингиз?

— Арпага борган эдим.

— Э, саломат бўлинг! Бўлди, от керакмас!

Насибали ҳайрон бўлганича қолаберди. Фанижон югурганича  
уйига келди ва эшикдан шовқун солиб кирди.

— Насибали экан, Насибали!

Бола эмизиб ўтирган хотини беихтиёр. ўрнидан туриб:

— Вой, ўлсин! — деди.

Бир пастдан кейин эр-хотин можарани унитишиди. Фанижон  
бир қўллаб бешикни баланд кўтарди.

— Бу бешикни кўрдингми? Бешик олиш мана бундоқ бўлади.  
Туғиши сенгаю, бешик олишни менга чиқарган! — деди.

Эр-хотин хотиржам бўлиб уйқуга кетишиди.

И С Т А Р

Гул чоги, вафо булбули гулзорини истар,  
Гул ғунчалари қайрилиб, ул зорини истар.  
Гулшанни саҳар ҳоли топиб сайдаса булбул,  
Рашк ила тикан наштари, озорини истар.  
Сезгай юзидан ошигини, ёр эса ҳуш'ёр,  
Андоқки, табиб рамз ила беморини истар.  
Чин ишқ элининг шарти шудир: ҳажр тунида  
Ошиқ ёрини, ёри гирифторини истар.  
Тебранмаса дард бирла: демаслар шинаванда,  
Созанда эли топса муҳиб: торини истар.  
Дил тортмаса гар, ким bla кимнинг не иши бор,  
Хар кимнинг ҳуши, ўз дилида борини истар.  
Айб айламангиз, солса назар ҳаркима Собир,  
Кўпнинг ичидан ёри вафодорини истар.

---

ЧАРАС ҚИЛДИМ

Қачонким гул юзингни дилбаро кўрмак ҳавас қилдим.  
Чаманда андалибек ўзни мен соҳибнафас қилдим.  
Дединг: чин ошиқ ўлсанг, ўзгадан ишқингни тут пинҳон.  
Асийринг бўлдиму ишқингга кўнглимни қафас қилдим.  
Дединг: кўз юм бўлакдан, ўзгага ҳаргез назар солма,  
Бўлакка боқмадим, ҳаркимга майлим бўлса, бас қилдим.  
Дединг: боғингга кирсам, гул ўпар сочу этагимни.  
Иондим, гулни юлдим, рашқдан хор ила хас қилдим.  
Кезиб боғимда Собир ул чарас кўзлар хаёлида,  
Қорайди боқишимдан, бор узумларни чарас қилдим.

---

ЎҒЛИМГА

Жимжит, сокит кеча, ҳамма уйқида,  
Дараҳтлар мудрайди, тинч ётар қушлар,  
Аниқ эшитилар олинган нафас,  
Балки, кўрмакдадир ўғилчам тушлар.

Үпид ўғилчамнинг пешонасидан,  
Оқ, тиниқ, беғубор, иссиқ юзидан.  
Мулойим силадим азиз бошини,  
Яна сўриб ўпдим қора кўзидан.

Қараб тўялмайман сенга, ўғилчам,  
Белимнинг қуввати, кўзимнинг нури,  
Ёлғизим, опғогим, эркам, қундузим,  
Севинчим, баҳтимсан, қалбим суури.

Кечагина мен ҳам ёш бола эдим,  
Броқ туғилганимга отам пушаймон.  
Дерди у: «Бахтсизмиз, оч-яланғочмиз,  
Ўзинг асра худо, эй балогардон».

Қўз очиб кўрганим-мудҳиш бир гўлоҳ,  
Отам унда ишилар, эзилган, беҳол.  
Исларга беланган, гўрдан чиққандай.  
Ҳаёт шуми; ҳаёт! Дун'ё эди лөл?

Мерос бўлди менга оғир бир кулфат,  
Ёш жонимни эди қайғу изтироб.  
Ўйим бўлди гўлоҳ, тўшатим зах ер,  
Қайда бир шам чироғ, қаламу китоб.

Бойваччадан ердим даккию қалтак,  
«Гўлоҳчини қаранг, ўлгани яхши!  
Итга ташлагандай иргитарди нон,  
— «Ма, ол! Эй, гўрсўхта, ла'нати ваҳший».

Эсласам ўтмишни, тикка бўлур соч,  
Ўғлим, сен баҳтлисан, кўрмадинг азоб.  
Утмиш бир ҳикоя, сенга афсона,  
Шукурки-қолмади, бойвачча--кazzоб.

Сенга атаб солдим баланд, оқ уйлар,—  
Түгри, қаср эмас, лекин бемалол,  
Роҳат яшашингга бўлур бош пана,  
Ҳар гишида меҳнат, кучим бор ҳалол.

Шириң нафас олиб ухлар ўғилчам,  
Атлас кўрпа сузар унинг кўксига.  
Кроватъга сиғмай ётибди арслон,  
Кўринар Алломиши унинг аксида.

Душман ҳур ватанга босиб кирганда,  
Сени деб, ватан деб отландим, ўғлим,  
Момиқдай қўлларинг, чечакдай юзинг  
Сра сўлмасин деб шайландим, ўғлим.

Зах окопда ётиб қаардим кўкка,  
Ёғилар бомбалар сели ҳар галда,  
Хар лаҳза қаардим ўлимга тикка,  
Сен кўзим олдида берардинг далда.

Бахтинг бор экану қолдим саломат,  
Чўлоқланиб кирдим уйга тонг саҳар.  
«Адажоним!» дея қучдинг бўйнимни,  
Елдай учди ғамлар, ўпдим кеч, наҳор.

Халқимиз келтирди эркин баҳорни,  
Биз ёриғ дун'ёда баҳтли, ҳур инсон!  
Ору номусимиз бўлмади барбод,  
Бизга қулоқ солар жумлаи-жаҳон.

Ўғлим, ҳар нарса бор сенинг қўлингда—  
Эркинлик, ҳур ҳаёт, шарафли меҳнат.  
Қуёшдай истиқбол, илм дарбозаси,  
Ихтиёрингдадир боғи-ма'рифат.

Билки! Ёшлиқ пайти жуда қисқадир,  
Бир зумда ўтканин билмай қоласан!  
Ёшлиқ баҳор ели, дабдабали тўй,  
Тантанали кеча, сезмай қоласан.

Ёшлиқ пайтларини қўлингдан берма!  
Мендан мерос қолур мазмундор китоб,  
Шу шириң оталик, сра ғам ема!  
Чунки бор Сталин — нурли офтоб.

Мана тун ўтканин билмай қолдим мен,  
Ана кўргин, ёришиб келаётир тонг.  
Тур, ўғлим, турақол, чой, қаймоқ тайёр,  
Боргил мактабингга — ҳаёт чалди бонг.

Ш О И Р

(Ғ. Ғуломга)

Зарафшоннинг мавжларидай жилвадор  
Мисра'ларни ўқиганман, қонганман.  
Ше'ринг учун фахрланиб, баҳтиёр,  
Илҳомингда мен ҳам бирга ёнганман.  
Ҳимолойнинг тизмасидай бақувват,  
Қалқон каби мустаҳкам ва тешилмас  
Тўртликларга пайванд бўлган латофат  
Саодатли ҳаётдан олар нафас.  
Оппоқ тонгга уланади ҳар кеча,  
Булултарнинг оқарар зулмат ранги.  
Энг кичик заррадан Юпитергача  
Бутун олам сенда улуг ва янги.  
Марварид қизларнинг бўйнига безак,  
Уни бармоқларга тақиб бўлмайди.  
Сўз ма'нога ярашар гўё чечак,  
Шоир унинг ўз ўрнини ўйлади.  
Мисра'ларда акс этган—кўзлардаги ёш,  
Ешлигини излаб, тентиган чол ҳам,  
Ҳаттоқи осмонда порлаган қуёш:  
Юракларда уйғотар завқ, севинч, ғам...  
Турксибининг мақтовида бор ма'но,  
Кўканнинг ҳам достони жаҳон қадар.  
Фикр олмос қиррасидай мусаффо,  
Худди туркман гиламидай кўп дилбар.  
Базмларга коса даркор бўлгандай,  
Ижодинг дўст халқлар учун лозимдир.  
Чаманларда янгратабер пай-дарпай  
Турмуш, ёшлиқ каби гўзал созингни!  
Эшигнанда, ғурурлансин одамзод  
Ва йўқолсин юзлардаги ажинилар.  
Қанотини кўтариб еодан азод,  
Бошинг узра гир айлансан лочинлар!  
Ғалабалар айёмида, сен тўғда  
Саркардалар қаторида хурсандсан.  
Ҳаққинг бор; ёв мағлуб этилган ерда  
Ше'рияting блан хизмат қилгансан!

## ДҮСТЛАР СОҒЛИГИГА

Бахт-саодат йўлида роса  
Тоғ ошайлик, сувлар кечайлик.  
Қани, келинг, кўтариңг кося,  
Дўстлар соғлиғига ичайлик!

Омонлик ва тинч айём учун,  
Ше'рий нафас ва илҳом учун,  
Ҳур ватанда яхши ном учун,  
Дўстлар соғлиғига ичайлик!  
Севишганлар доғда қолмасин,  
Юраклардан завқ йўқолмасин,  
Орамизда ҳижрон бўлмасин,  
Дўстлар соғлиғига ичайлик!

Мисра'лардан жой олган, қувноқ,  
Кўнгли тоза, тонготардай оқ.  
Оғир кунда бизларга ўртоқ —  
Дўстлар соғлиғига ичайлик!  
Лабимиздан кетмасин кулки,  
Богимизга кирмасин тулки,  
Бизларга хос ва рост сўз шулки,  
Дўстлар соғлиғига ичайлик!

## МЕН СЕВАРДИМ

Маломатдан чиқмади бошим,  
Ишқи йўқ, деб та'на қилдилар.  
Ҳарбир дўстим, ҳарбир сафдошим  
Менинг юрагимни тилдилар.  
Қалби тош, деб атади бирор,  
Бирор менга қилди киноя.  
Чумолини фил билиб, дарров  
Дўстлар мендан айтди ҳикоя.  
Қизлар мени кўрганда, ҳайрон  
Қараб қолар эди юзимга.  
Аlam қиласар эди ва шу он,  
Ёш тўларди икки кўзимга.  
Мен севардим, фақат япирин,  
Дод солмадим бутун оламга.  
Кўнглимдаги муҳаббат сирин  
Айтмас эдим ҳарбир одамга.  
Маломатдан чиқмади бошим,  
Кимки, нима истаса, деди.  
Аммо севгим — нурли қуёшим  
Юрагимни ёритар эди!

Х А Ѕ Л Л А Р

Нечун оқшом каби сездирмай,  
Келасизу чулғайсиз ўйим.  
Гарчанд сиздан безганман ғоят,  
Күксингизга ташлайман ўзим.

Келасизу ақлимни олиб,  
Узоқ-узоқларга қочасиз.  
Дам жаннатга қилиб рўбарў,  
Дам дўзахга эшик очасиз.

Модомики ҳар кун кутаман,  
Сизни билиб ўзимга йўлдош —  
Жаннатингиз эсдан оғдирмас,  
Аламга ҳам топилар бардош.

Зотан сизсиз бўмбўшdir ҳаёт,  
Сизсиз юрак, тош блан тенгdir.  
Ҳатто иков зўрга жойлашган  
Хонам сизла осмондай кенгdir.

Оқшом ухлар ширин уйқуда,  
Юлдузларда жимиirlар ҳаёт,  
Сизчи, мени этасиз мафтун,  
Ўйим чулғаб елпийсиз қанот.

Чимён тоғларига чирмашиб  
Излашасиз бирга оҳуни.  
Оққуш каби енгил ва қўркам,  
Бирга кечиб ўтасиз сувни,

Ўша таниш ўникки булоқ,  
Табиатга тутар ойина.  
Мағрур бошин қорга ўраб төғ  
Акс этади—бир оппоқ сина.

Сиз тинглайсиз севги ва илҳом  
Ўйи бўлмиш қозоқ ўтовни.  
Ва эсимга ғолиб қўясиз,  
Ўзи эсдан чиқмас бировни.

Шунда сизга янги ном беріб,  
Хаяжонда атайман севги.  
Юксалтира бирдамда тоғдай  
Шу янги ҳис, шу янги сезги...

Маст назарда атрофга боқиб,  
Табиатда күраман чирой.  
Күн шу'ласин қамраб түлқинга  
Шұх күпіриб оқар салқин сой.

Тилла рангга кириб күринар,  
Узоқ йўлдан кўтарилиган чанг.  
Чўл чечагин тутқизар менга  
Қирғоқдаги асири харсанг.

(Сеҳиргарсиз, ғаддор хаёллар,  
Сеҳирингизда этасиз мафтун.  
Ийӯқса чўлда — қийғоч гулшанни,  
Тиканда — гул кўрмаклик нечун?)

Оқшом ғунча аatab кетганим,  
Хандон кулиб боқса эрталаб.  
Салқин кеча камол топдирган  
Кирғоқ мендан қилса шे'р талаб.

Шунда сизни чечакка ӯраб,  
Номингизни атайман илҳом.  
Мук тушаман ше'р машқига,  
Дейман, сизсиз юпанчим, дун'ем.

Парча қофоз, кичик бир қалам  
Иzlанишда ўтар ярим тун.  
Муҳаббат деб сарлавҳа қўйиб,  
Изтиробда ёнаман бутун.

\* \* \*

Нечун оқшом каби сездирмай,  
Келасизу чўлғайсиз бошим.  
Дам ўлдириб, дам кулдирасиз,  
Туни бўйи бўлиб йўлдошим.

АЗИЗ ПАХТАКОР

Оппоқ пахта битган серунум ерда,  
Озод меҳнат түр жадал блан  
Инсонни қайтадан күкартирганда,  
Хар минут сен ўзинг биз блан бирга.

*Ҳамид Олимжон*

I

Эсимда бор қириқбириңчи йил,  
Бағримга ўт тушған оловли кунлар!  
Диәрим күкіда қопқора тунлар,  
Эсимда бор қириқбириңчи йил.

Эсимда бор баҳту боғимни,  
Жаҳаннам айламоқ истаган жаллод.  
Ұлим либосида келиб ўлкамга,  
Мурдалардан қылди хирмонлар бун'ёд.

Тұлқинлар қаҳрини енгіб мардона,  
Кемани бошларди улуғ капитан.  
Жанглар оташида у йўлчи юлдуз —  
Зафарга кетарди бутун бир ватан.

II

Уруш борар эди қонли тус олиб,  
Ёмғур бўлиб ёнарди кўқдан кўрғошин.  
Кўрғошин ёғарди — ажал ханжари,  
Шарт кесиб ўтарди умрнинг ёшин.

Ажалга ажалдим, мен унда ҳар чоқ,  
Үт бўлиб ёнардим, жанг қиласар эдим.  
Ұлим мендан тўрт қадам йироқ —  
Туарди, мен унга ҳамла қиласардим.

Немис ўлим эди, мен эдим ҳаёт,  
(Менга қўл чўзарди бутун коинот).  
Мен адолат эдим, у эди — оғат,  
Мен саодат эдим, удир — касофат.

У блан қон кечиб, олишар әдим,  
Тупроққа беланиб, солишар әдим,  
Шу дамда сен келдинг, мададкор бўлиб,  
Мўл пахта — ўқ-дори, ғазабга тўлиб.

### III

Сен келдинг кўмакка, азиз пахтакор,  
Сен келдинг, душманга шиддатим ошди.  
Сен келдинг, кўпайди қудратим, қаҳрим,  
Душманга ғазабим яна тутошди.

Сен келдинг, танимга янги жон олиб,  
Сен келдинг, томримга янги қон олиб,  
Сен келдинг, снаряд, ўқ олиб менга,  
Сен келдинг, урушнинг авжи бошланди.

Сен келдинг, урушнинг авжи бошланди —  
Тўлқинлар беаёв оташ наҳрида.  
Тўплар ўқ отишдан лоларанг бўлди,  
Галаба келарди бомбанг қаҳрида.

Енгилиб ёв қочар, ҳужум беаёв,  
Ажаллар ёғилди унга пахтангдан.  
Қизиллар қўлида музaffer ялов  
Табриклар ва сўзлар ғолиб пахтангдан.

### IV

Онт ичдинг умрингни қўйиб ўртага  
Қиличдай қайрилиб майдонга келдинг.  
Доҳийга ёзилди исмингдан қасам,  
(Фалаба жангига илҳомчи бўлдинг)

Мардона онт ичдинг, азиз пахтакор,  
Меҳнат денгизига ташладинг ўзни.  
Қалбинга ҳукмрон бўлди бир орезу,  
Юздан сўзласин кузда тарозу.

Тер тўқдинг — қасамни бажармоқ учун,  
Асрлар даштида бошладинг ис'ён.  
Қасамнинг тошига қайралди ғайрат,  
Қудратинг қўриқда яратди туг'ён.

Юрагинг тоғ экан, ғайратинг булоқ,  
Меҳнат денгизида сен бўлдинг лочин.  
Үлкамиз пахта деб берганда буйруқ,  
Қудратинг пахта деб ёзи қулочин.

Меҳнатинг му'жиза яратди чўлда,  
Файратинг кўп эди дар'ёда сувдай.  
Файратинг, меҳнатинг, меҳринг сувидан,  
Ҳар ниҳол ўсарди, дилда орзудай.

Ғўзадай кўкарди сендаги ҳавас,  
Меҳнатинг боғини лолазор қилди.  
Ғўзалар қулф урди, унинг томрига,  
Ишқинг дар'ёсидан шарбат тўкилди.

Кетманинг яратди ҳосил булоғин,  
Файрат берди сенга доҳийнинг номи.  
Қасамни ёд этдинг — доҳийни кўрдинг,  
Ҳосилни кон қилган унинг илҳоми.

Нақадар баҳтлисан, азиз паҳтакор,  
Ғалаба тўйига шон блан келдинг.  
Қурултой ялови бўлди шуҳратинг,  
Ўлкам олқишига тўлдинг, кўмилдинг.

Розидир эл сендан, розидир доҳий,  
Шуҳрат китобида номинг сарлавҳа.  
Меҳнатинг туфайли янги боғ очдинг,  
Тарихнинг бетида сен ўчмас лавҳа.

Мен келдим душманни абадий янчиб,  
Шарафга тўлдириб умримни, йўлдош,  
Зафардан совғалар қилиб сен учун,  
Пахта деб кўкмакка келдим, тилакдош.

Кел энди бир бўлиб пахта экайлик,  
Гіахтазор яшнасин, пахта — шараф-шон.  
Ўлкамиз, пахта, дер, пахта, дер ўлка,  
Ўлка муҳаббати дилларда нишон.

М Е Н И Н Г Б У Р Ч И М

Күлда ушлаб әл яроғини,  
Мен сақлайман юрт тупроғини,  
Денгиз, осмон, бояғи-роғини,  
Мен ҳимоя этаман, албат!  
Бу менинг бурчимдир,  
Бу менинг бурчим!

Элга керак бол каби ҳаёт,  
Йигитликнинг ҳуснидир сабот.  
Мен фазода ёзаман қанот —  
Шудир ғоя... Етаман, албат!  
Бу менинг бурчимдир,  
Бу менинг бурчим!

Ватан ишқи дилда жам'ул-жам,  
Дентиз ўйнар агар мен сұзсам,  
Крейсерим—ёвға жағаннам...  
Фұртанамдан шум бўлар барбод...  
Бу менинг бурчимдир,  
Бу менинг бурчим!

Мен солдатман, устимда шинель,  
Халқ — меҳрибон, бақувватдир бел...  
Эй тентқурлар, кел, сағимга кел!  
Юрт олдида этай касам'ёд!  
Бу менинг бурчимдир,  
Бу менинг бурчим!

Уруш худосидир замбарак,  
Мен отганда гүмбурлаб фалак —  
Ғалабадан келтирди дарак!  
Мен ёнида турмасам, бўлмас!  
Бу менинг бурчимдир,  
Бу менинг бурчим!

Құш қанотим кишинар гар мисам,  
Елдай учар майдонга кирсам.  
Чавандозға қылғы, от ҳамдам,  
Юлибі-тәраб түгмасам, бўлмас!  
Бу менинг бурчимдир,  
Бу менинг бурчим!

Танк йўргалар... Мисоли аждағ.  
Хайбатидан душман саросар.  
Эл бошига тушганда хатар —  
Мен ролни бураман шунда...  
Бу менинг бурчимдир,  
Бу менинг бурчим!

Юрт постида мижжа қоқмайман,  
Эл баҳтини мудом ёқлайман.  
Жоним каби тинч ардоқлайман,  
Чегарамда — кундуз ва тунда,  
Бу менинг бурчимдир,  
Бу менинг бурчим!

М Е Н И Н Г С Е В Г И М

Қуёш каби мўйсафид, улур,  
Ҳечнарса йўқ мен билишимча.  
Бўлсин булут, бўлсин зўр тўфон,  
Нурин сочар одат бўйича.  
Зерикмайди фақат бир йўлдан  
Кечирса ҳам миллионлаб йилни,  
Шунинг учун одам ичра у,  
Топмиш шуҳрат, қиймат-қадрни...  
Наҳот одам севган ёрининг  
Йиллар ўтгац, ишқин тарк этса!  
Наҳот одам ўз онасининг,  
Улғайгандা, қадрин унутса!...  
Ватан! Менинг ишқ-муҳаббатим,  
Қуёш каби асло қаримас.  
Мен ҳэётман! Тэ ўлгунимча  
Юрак — осмонидан аримас!

У М Р И М

Сойдаги сув ўйх болалардек,  
Гоҳ югурар халлослаб, шошиб.  
Гоҳ дам олар чарчаб ўнгурда,  
Яна кетар кўпиреб, тошиб,  
Сув бўйига ўтирган қизга,  
Гоҳ гирдобдан халқалар ҳадя,  
Гоҳ кўпикдан маржонлар тақдим  
Этиб, шошар яна изига.  
Ока-ока, дайдилик қилиб,

Салобатли зўр дар'ё бўлар —  
Кучга тўлиб халқ тўлқинидай,  
Денгизларга бориб қўйилар,  
Гоҳ умрим ҳам дар'ё сингари,  
Тўлқунланар жанг гирдобида,  
Гоҳи тинчиб ором олар у,  
Осоишта ҳаёт боғида.  
Умрим оқин сувдек беғубор!  
Аммо эмас кўлмакдек бекадр.  
Уммонлар сингари соғ синасида  
Толе' инжулари лим-лим тўлиқдир,  
Қамолатга етган бу умр,  
Асло қайтмас сувдек изига,  
Жанглар тўлқинида можаро кечиб,  
Энди кирган баҳт дентизига.

*Туроб Тула*

## ҒАНИШЕРНИНГ ШУХРАТИ

Мирзачўлнинг оч бағрига юрганда Сирдар'ё.  
Үйлаганми эди шундай чамаллар яратишин.  
Бу минг йиллик чанқоқ-ташна, 'қақраб ётган саҳ-  
рода—  
Үйлаганми эди унинг поёнинг етишин.

Кимиirlаса қир ошаркан, Тўлқинланса — тоғу тош.  
Мана бу кун жаннат бўлмиш жазирама биёбон,  
Демак, ерда сув мавж уриб, нур сочса кўқдан қуёш,  
Шунда меҳнат яратаркан янги-янги хиёбон.

Ғанишернинг кетманига кўмаклашди сув, қуёш,  
Унинг ҳарби ҳам зарбига тоғлар келтирди имой.  
Йўлдошлари чумолидай тинчимайин кўшди бош,  
Баҳору ёз, тўкни куз ҳам ўрмалади корвон.

Тенг келомас меҳнатига дар'ёларнинг мавжи ҳам,  
Қора қишининг изғирини, баҳор ва куз жаласи.  
Тенглашолмас сур'атига бўронларнинг авжи ҳам,  
Мирзачўлнинг шамоли ҳам, қуюнларнинг галаси.

Ҳаммасини енгиб ўтар, енгиб ўтдӣ неча бор,  
Ғўзаларнинг парвариши баракали қўлида,  
Оппоқ олтин блан тўлди Мирзачўли беғубор,  
Табиатнинг ўжарлиги бош эгмишdir Йўлида.

Бежиз эмас-шер лақаби, Мирзачўлнинг шеридир.  
Донгғи ҳар тил, ҳар қаламда, ҳар чолғуда достон.  
Пахтадаги шабнам эмас, Ғанишернинг териур,  
Бу йил унинг мартабаси баланд! Ҳаммага аён!

Л Е Н И Н Г Р А Д

Салом, Ленинград, азамат шаҳар,  
Салом, эй музaffer Шимол пойтахти,  
Мен зиёрат этгали келдим,  
Олис бир ўлкадан йўл босиб саҳар,  
Сени кўриш эди шоирнинг аҳди.

Нева бўйларида юраман буқун,  
Шимол шаббодаси юзга урилар.  
Кўчалари бесон, бесаноқ —  
Қаҳрамон халқ ишлар тер тўкиб тун-кун,  
У менга қадрдон ошно кўринар.

Менинг республикам Ўзбекистондир,  
Үёқда серқуёш, илиқ тонг отар.  
Юрагимиз нақадар яқин,  
Шунингчун узоқ йўл бизга осондир:  
Орамизда улуф Москва ётар.

Мен сени севаман, тупроғинг азиз,  
Сен учун жон берди ўзбек ва қозоқ,  
Сенинг-чун тўкилди муқаддас қонлар,  
Бу оғир фожия унитилмас тез,  
Тарих жилдларида қолажак мутлоқ.

Мен сени севаман қадимий шаҳар,  
Ше'рият диёри, Пушкин ватани.  
Мен Шарқда яшайман, лекин  
Ўйлайман, куйлайман ҳар сафар,  
Ер юзига достон қиласман сани.

## САЛОМ, УЗБЕКИСТОН

Амудай қайнадим, яйради таним,  
Қўллаб, ордоқлаган меҳр қучоги.  
Муқаддас юртимсан — толе' гулшаним,  
Юрагим ўтисан, кўзим қарори.

Ватаннинг яшнаган гулбахорисан,  
Бу — кураш, зафаринг, камолинг демак.  
Қуёшга маконсан, баҳорга чаман,  
Ернинг сайқалисан — иқболинг демак.

Меҳнатчан халқингга дун'ёлар қойил,  
Меҳнатнинг ўзи ҳам тўлуқ ғууррга.  
Сталин плани — баҳтинг зийнаси  
Оппоқ олтин танинг чўмилар нурга.

Тўрт йил аввал бизни жангга жўнатдинг,  
Бердинг қўлимиизга қилич ва қалқон.  
Жанговар айёмлар, даҳшатли дамлар,  
Мардона кўзлардан кетмадинг бир он.

Нусрат блан қайтдим, нурлатиб жаҳон,  
Кўрдим порлоқ, авжда халқим армони.  
(Давлатинг барқарор бир қўёшсимон)  
Беҳуда оқмапти шаҳидлар қони.

Тоғларинг уйимнинг деворларидаӣ,  
Кўкрак суюгимдай яқин, уствор.  
Боғларингдай гўзал, водиларингдай  
Хеч қайда кўрмадим ҳамиша баҳор.

Эсган елларингки, ипакдай юмшоқ,  
Ёрнинг қўлларидаӣ майин туйилар.  
Куйларинг завқимни қўзгатар ўйноқ  
Она алласидай ҳузур баҳш этар.

Кўринасан бунча гўзал ва азиз,  
Офтобинг равшандир, ойинг мунаvvар,  
Улуғ ишларингга, юксал ватаним,  
Содиқман, фидоман, сўнг дамга қадар.

Ф А Л А Б А Д А Қ И Қ А С И

Сүнги бор янгради түплар овози.  
Сүнги бор сайдади «Катюша» сози,  
Сүнги бор узилди снайпер ўқи,  
Сүнги бор бурқиди порохлар юки.  
Шу блан тугади уруш — зўр синов.  
Тан берди, тиз чўқди мағлуб келган ёв!  
Ва сўнгра жангчилар, уфуқдан қуёш —  
Чиққандай, окопдан кўтаришди бош.  
Бирининг юзида шонли табассум,  
Бирининг боқиши содда ва ма'сум.  
Бирининг кўзида чақмоқ ёлқини,  
Бирининг қалбидаги севинч тўлқини,  
Бирининг лаблари бўсага тайёр!  
Қувончли сезгилар икра неки бор,  
Хаммаси уларнинг руҳида яшар.  
Уларнинг руҳига ҳамроҳdir башар!  
Бир жангчи окопдан чиқдию сакраб,  
Милтиғин бағрига босиб, қучоқлаб.  
Ерини ўпкандай ўпди устма-уст  
Ва деди: — кўп яша, ғолиб чиқсан дўст!

ЧЕГАРАДАН ЎТГАНДА...

Жанг бўлган ерлардан ўтиб бораман,  
Менга кўпдан таниш бу баланд тоғлар.  
Гўристон, қирлардан ўтиб бораман.  
Марҳум дўстлар ёди юракни доғлар.  
Хандақлар, окоплар, тиканли симлар,  
Қонли курашларни эслатар ҳар он.  
Иироқдан чироқлар' ўзига имлар,  
Деган каби: бўлгин қошимда меҳмон,  
Йўқ, мен кетмоқдаман Россия томон,  
Шунинг учун узун тунларим бедор.  
Софиндим... қалбимда ишқӣ бор ҳамон,  
Азиз халқим блан кўришай дидор.  
Кўп ерларни кўрдим йигит ёшимдан,  
Аммо сенга тенгин топмадим бирор!  
Ортда қолди Карпат чўққиси шу дам,  
Қаршимда диёrim бўлди намоён,  
Салом, э чегарам, э нури дийдам!  
Тупроғингни суртдим кўзимга шу он.  
Салом, водийлардан оқучи сувлар,  
Сизлар учун бўлди кўзларим хумор.  
Салом, ўрмонларда юрган оҳулар,  
Сизга қайтдим, ёвни этиб тору-мор.  
Саломимни олиб учгил, э шамол.  
Тингласин элатлар, йироқ-йироқлар.  
Тингласин диёrim, Жануб ва Шимол.  
Тингласин анҳорлар, кўллар, булоқлар.  
Эй она диёrim, шунчалик кенгсан,  
Аммо қувончимга бу гал келдинг тор.  
Фақат сенинг ўзинг осмонга тенгсан,  
Куррага нур сочар қуёшинг ҳам бор,  
Салом, э Москвам, салом Кремль,  
Салом, э Сталин, улуғ қўмондон!  
Сен томон толпинар қуш каби кўнглим,  
Сенга қойил букун жумлаи-жаҳон.

## ҚУЁШ ҲАМ ПАХТАКОР

Чиқди баҳор қуёши,  
Эй пахтакор, бўл бардам.  
Колхозингда, далангда,  
Қуёш мададкор ҳар дам.

Сенга ёрдамга қуёш  
Бериб ўз ихтиёрин,  
Агар керак бўлганда  
Эритар тоғнинг қорин.

Пахта учун чиқарар  
Сувларни булоғидан.  
Гар чиқмай қолса чигит,  
Тортади қулоғидан.

Тунда керак бўлса нур,  
Юборади ойини.  
Ой ҳам пахтазорингга  
Қўшар ўз чиройини.

Ғўзани парваришлар  
Сенинг блан баробар.  
Ҳар кун туриб эрталаб,  
Пахтазорга нур сочар.

Эй пахтакор, меҳнатда  
Чексиз садоқат кўрсат.  
Қуёшдай зўр вазифанг,  
Қўлдан берма ҳеч фурсат.

## ФОЛИБ САНЖАР

(Романънъ парча)

## I.

Кўп ўтмай, Санжарбек отрядида тинчлик бузилди. Аллақаёқдан бир чолар етиб келиши бланоқ, Кудратбий Қизил қўшинга таслим бўлармиш, уруш тамом бўлармиш. Санжарбекни Кудрат маслаҳатга чакирипти, деган овозатар таржалаб кетди.

Кечаси, шамол ғувуллаб турган пайтда бир киши қўрага югуриб келиб:

— Курбонбек, ҳомандир сизни чакираётir, деб қичкирди.

Курбонбек қурол-ярогини тақиб, эшикка чиқди. Қаршидан эсган шамол уни сандирақлатар, қум-тупроқни юзига уради. Броқ Санжарбекнинг уйи иссиқ бўлиб, чорчўпда гулхон ёниб турарди. Санжар Курбонбекни ўтиришга тажлиф қилмай:

— Мен парвоначи<sup>1</sup> Кудратбий ҳуазурларига кетаётирман. Сиз хам мен блан бирга борасиз, — деди, — отингизни эгарлаб, керакли нарсаларни хозирланг.

Курбонбек энкайиб та'зим қилиб, ўз ҳавлисига жўнади.

Бундан кейин бўлган воқналар худди тушга ўхшарди. Тун қора пардасини ҳарёққа ёйган. Қаттиқ бўронда, дараҳтлар шохларини чайқатиб, шитирлайди, қамишлар шувиллаб, йўл устига йиқилади. Жала қўйиб туради. Яшин яшнаганда, олдинда ёмғурда кетаётган Санжарнинг гавдаси ёришиб кетади. Унинг ортидан Кудратбийнинг ноibi Зуфар ажойиб така-туркман оти устида боради. Учинчи киши Курбонбек. У, нима бўлаётганини яхши фаҳмламасдан, эсанкираб, теварак-атрофига аланглаб, ўнқир-чўнқир ва ботқоқ йўлнинг четларидаги буталарга диққат блан қарайди.

Олдинда даҳшат блан ғувиллаган овоз эшитилмоқда. Отлиқлар бўронни ёриб ўтган сари ҳалиги овоз қаттиқроқ эшитилади.

— Ўнг томонга қараб юринг, — деди Санжар, — шу ердан кечиб ўтса бўлади.

Яшин яшнаганда, кенг ва ҳайқириб оқаётган сарифиш дарёни мумкин эди. Тоғ оралигидан чиқиб келаётган дарё жаладан пириб тошиб, водий ўртасида Сурхондар'ёга қараб оқмоқда эди.

<sup>1</sup> Парвоначи—Бухорд амирлиг да бош қўмондонлик вазифаси.

— От блан сузуб ўтишга түгри келади. Қурбонбек, эхтиёт бўлинг!

Отлиқларнинг ғира-шира шарпалари қирғоқ бўйида йўргалаб борар эди. Милтиқ товуши эшитилмаса ҳам, унинг алангаси кўринди. Қурбонбек, Зуфарнинг от бўйнига шалпайиб йиқилиб тушганини кўрди. Санжарнинг қичқирган овози қоронгулиқ орасидан зўр-базўр эшитиларди:

— Қурбонбек, меним орқамдан келинг!

Кейин нима бўлганини пайқаш қийин бўлди. Сув тошқини Қурбонбекни аллақаёқка судради. Ухтин-ўхтин сув гирдоби уни ҳам, отини ҳам тортиб кетаётганга ўхшарди; ба’зи жойда от тошларга қоқилар, ба’зи жойда юмшоқ қумга ботар, кейин сув қуюни — иккавини яна четга итариб ташлар эди. Қурбонбек шалаббо бўлиб, ҳолсизланиб, сувдан чиқди ва отдан тушди. Шу ондаёқ Санжарнинг:

— Тирикмисиз, ўигит, — деган овозини эшилди.

— Тақсир, мен шу ерда.

— Кўриб турибман. Қаддингизни кўтараоласизми?

Қурбонбек ўтириб, бутунмикан, дегандек қилиб, бенхтиёр қўл-оёкларини ушлаб кўрди.

— Тезроқ бориш керак.

Қурбонбек инқиллаб, отига минди.

Шуни билиб кўйингки, сиз энди Қурбонбек эмассиз, — деди Санжар.

— Нима дедингиз, тақсир?

Қурбонбек қўрқиб кетди. Бошидан кечираётган воқиалар даҳшатли тушга ўхшаб кўринарди, бунинг устига, сиз Қурбонбек эмассиз, деганлари ортиқча. «Шу ла’нати дар’ёда чўмилиб чиқиб, эсимни йўқотиб қўйдимми?» деб ўйлар эди у.

— Сиз энди Қурбонбек эмас, Санжарбексиз, — деб сўзини давом этдириди Санжар, — ўзингизни илгари кўнгилли отрядга командир бўлган, ҳозир лашкари ислом Қўрбошиси томонга ўтган Санжарбек деб гумон қилинг. Тушиндингизми?

— Ҳа, — деб ғулдиради Қурбонбек, — тушиндим десам ҳам бўлади, тушинмадим десам ҳам.

— Ҳозир биз Қудратбийнинг олдига етиб борамиз. У мени танимайди... Сиз Санжарбек бўлиб. Қудратбий блан музокара бошлайсиз. У, совет ҳукуматига таслим бўламан, деса ҳам хўп денг, ҳужум қилиш учун одам сўраса ҳам хўп денг, нима деса кўнинг. Тушиндингизми?

Қурбонбек қўрқа-пуса, ба’зи нарсаларни сўраб олди. Айниқса Зуфар воқиаси уни безовта қиласарди.

— У бизнинг қароргоҳимизда қолди, деб айтинг... Мени Содик деб танитинг.

— Бундай қилишнинг нима кераги бор?

— Керак.

— Бу ҳавф-хатарли ишку?

— Рост, Құдратбийнинг соқоли шу қадар ўсиқки, уннинг соқолда сичқонлар болалаб кетган. Мушук олти ойдан бери үларни пойлаб, туталмай юриди. Негаки, құрбошининг мушти гурзи, тиши қайралған. Тағин бизни ҳам ямламасдан ютиб қўймасин. Еолдига бормай кочамизми?

— Йўғе, — деди Қурбонбек, — борамиз.

— Лекин Құдратбий алдаганимизни сезиб колса, Санжарніг ҳам сўяди, Содикни ҳам.

— Бўйнимизни пичоқча тутмаслик чорасини кўриш керак.

— Мана, гап бундоғ бўлади.

Тонг ёриди. Водийни ҳануз рутубатли парда қоплаб ётарди. Шамол тўхтади. Япасқигина девол тепасида Қурбонбек атрофига кўз ташлаб олди. Орқасига қайрилиб, узоқдаги бир даста отлик кишиларни кўргач, юраги бўшашиб кетди. Уларни Санжарга кўрсатди. У эса, қамчисини силкитиб, отини чу деди.

— Тўғри, иш ўнгидан келаётир.

— Кимdir, орқамиздан келмоқда.

— Қўявер, келаверсинлар.

— Ўҳӯ, улар жуда кўп-ку.

— Майли, улар қанча кўп бўлса, ёрдамчиларимиз шунча кўпаяди.

Оппоқ қор блан қопланған Ҳисор тоғи устида, шундаги жала блан ювилган кенг водийда порлоқ тонг жилваланди.

— Мана чинорлар ҳам кўриниб қолди, — деди Санжар, — дадил бўлинг, дўстим Санжар... Ҳозир Құдратбийнинг ўзини кўрасиз.

## I

Уларни кутиб туришган эди.

Кичик бир чорбоқдан отлиқ чиқиб, отига қамчи урди ва узоқдаги катта оғочларга қараб отини чоптириб кетди. Йўлнинг иккита томонида, деворларнинг орқасида, бузуқ-ёриқ уйларда олабайроқ чопон кийган йигитлар кўринди, милтиқларнинг учи ялтиради.

Катта ва гўзал бир боғда, баланд супа устида Құдратбий ўтиради, таланчилик, зўрлик ишларида қатнашучи шериклари, дўстлари уннинг атрофини қуршаган эдилар.

Санжарнинг олдида бораётган Қурбонбек суфага яқинлашиб, та'зим қилди, сўнgra қўлини баланд кўтариб, қўрбоши ҳақига узун дуо ўқиди. Ҳозирунлар «омин» дейишди. Бундай ҳурматга жаҳрия тариқасига мансуб бўлган улуғ зотларгина сазовор эдилар. Санжар (Қурбонбекни Санжар деб ўйлашмоқда эди) Құдратбийни бунчалик э'зоз-икром қиласди, деб ҳечким кутмаган эди. Шу сабабдан «омин» сўзи ҳамманинг оғзидан баробар чиқмади. Броқ Құдратбий хурсанд бўлиб, юзи ёришиб кетди ва фотиҳага кўл очишига шошилишди.

Советлардан «лашқари ислом» томонига қочиб ўтган ёш Санжарбек тўғрисида Құдратбийда шубҳа туғилган бўлғасда, бу ма-

росимдан сўнг шубҳага ўрин колмаслиги керак эди. Чунки «большевиклар» ва «қизил аскар»нинг бунчалик диндор бўлишини кутиш қийин эди.

Қариялар соқолини сийпаб, «Илойим дуойинг ижобат бўлсин» дейишдилар.

Қурбонбек виқорли қадамлар блан аста-секин босиб, супа ёнига келди. Қудратбий унга қўлини узатди.

Учрашув маросими тамом бўлди.

Ҳақиқий Санжар эса ўзини четга олди ва отряд бошлигининг ноиби ёки ад'ютантидай ўзини камтар тутди.

Аллақандай кўнгилчан бир чол уҳ тортиб, кўзларини осмонга қаратиб:

— Қандоғ савоб иш,— деб унга шивирлади.— Амирал му'минин Олимхон жанобларининг аркларида ҳам шундай дуолар ўқилярди. Ҳаммаси ёдимда.

Лекин Санжар унга қулоқ солмади. Қурбонбек блан Қудратбий ўртасидаги сухбат унинг диққатини жалб этган эди.

— Мен узок кутиб, дидорларига мушарраф бўлганим учун баҳтиёрман,— деди Қурбонбек.

Ихлос блан айтилган бу сўзлар қўрбошига кучли та'сир қилди, у сурилиб ёнидан унга жой берди, яқиндагина босмачиларни қийратган машҳур жангчи-сардорни диққат блан кўриб олишга уринди...

— Мен сизга қараб-қараб, ҳайронлар қоламан,— деб сўз бошлиди Қудратбий,— ёшгина бўлатуриб, кўпдан буён баҳту-нусрат қозониб келурсиз.

— Оллоҳ таолонинг иродаси шу экан, таксир,— деди Қурбонбек.

Улар ўртасида дин-диёнат устида сухбат бошланди.

Санжар оғзини очиб эснашдан ўзини аранг тутиб қолди (улуғлар жам' бўлган ерда эснаш — адабсизликдир), чарчашиб нималигини билмайдиган Қурбонбек эса, мўйлабни олдириш кераклиги тўғрисидаги ҳадис устида Қудратбий ва сўзга печан эшон блан мунозара бошлади... Шу ондаёқ, ҳеч мантиқий боғланиши бўлмагани ҳолда, улар мў'мин-мусулмонларнинг у дун'ёда кўрадиган азоб ва роҳатлари устида баҳс қиласланадилар.

Санжар, вақтнинг бекорга ўтиб кетаётгани ва ҳанузгача музокаралар бошланмаганини ўйлаб, аччиғланар эди. У ўрнидан турди ва супада бўш пиёла ва чойнаклар ўртасида ўтирган ва қўлини пахса қилиб, ўзининг аллақандай сўфиёна фикрларини тушинтираётган Қурбонбек ёнига келди. Қудрат эса кўк чойни кўп ичгани ва миясини ҳаддан ташқари қаттиқ ишлатгани учун терлаб-пишиб кетган эди. У ўз фикрини қувватлаш учун супага яқинлашган Санжарга мурожаат қилди:

— Сиздек муҳтарам зот сафарга отланса... Э!

Унинг қонга тўлган хунук кўзлари Санжарнинг башарасига тикилиб қолди. Қудратбий нима тўғрисида мунозара қилиб турга-

нини ҳам унитиб қўйди. У зўр бериб, бирнарсани эсига туширмоқчи бўларди: «Мен бу одамни қаерда ва қачон кўрганман?» деб ўйлар эди. Ҳар тасодифга тайёр турган Санжар совукконлилик блан қизиқсиниб қўрбошининг башарасига боқарди. Унинг ҳаяжонлангани ҳеч билинмас эди. Бамайлихотир тавози' блаш Қурбонбекка қараб:

— Тақсир, кун пешин бўлиб қолдику! — деди.

Қудратбий эса усталик блан юзига бепарволик ва мулоимлик ниқобини кийиб, кўнглидаги шубҳаларини унинг остига яширди.

Музокаралар бошланди.

Қудратбий Денав шаҳрининг жуда оддий планини олиб, таслим бўлиш маросими чоғида босмачи отрядларининг қаерларга қўйилишини Қурбонбекка батафсил тушинтириди.

Қудратбий маккорона кулиб:

— Мана бу ерда, бироз орқароқда ва ён томонда сизнинг отрядингиз туради, — деди, — орқада ва ён томонда... Термизга борадиган катта йўлда.

Қурбонбек бадгумон бўлиб:

— Нима сабабдан? — деб сўради.

— Сал нарироқча, мана бу жойдаги эски девор ёнига сиз йиғирмата йигит қўясиз. Сизда пулемёт борми? Нега деб сўрайсизми? Биз Сарижўй йўлини саклашимиз керак. Кечқурун шу йўлдан Зуфар ўз йигитларини шаҳарга бошлаб боради.

Қурбонбек, ҳеч нарсани англамасдан харитага боқарди. Унинг диний масалалардан кўра харитани ёмонроқ билгани кўриниб турарди. Лекин, ҳалигача супа ёнида турган Санжар кўз-кулоқ бўлиб турарди. Қурбонбек эса, тобора ўзини йўқотиб, тажрибали ас-карбоши ролини уддалалмай қолди.

Суҳбат бирнече соат чўзилди. Қудратбий ўз ҳузуридаги кишининг ҳарбий ишдан бехабарлиги тўғрисида бир холосага келиши лозим эди. Қўрбошининг ўрнида бўлган ҳарқандай одам юу фикрга келар эди. Броқ Бухоро сарой доираларининг тарбияси бу сарда ўзини кўрсатди. Қўрбоши ишлатган ўтакетган ҳилакорлик, маккорлик ҳозир унинг ўзига қарши бурилди. У ўз сухбатдошини уста дипломат, деб ўйлаб, уни ҳурмат қилабошлади ва ўз фикрларини очишга қарор қилди:

— Бундай эҳтиёткорликнинг не кераги бор, деб ҳайрон қолмоқдамисиз? Гарчи сиз буни мендан оз билмасангиз-да, сизга буни уқтирайин. Руслар маккор. Улар ўз ва'даларидан айниб, бизга ҳурмат кўзи блан қарамай қўйишлари мумкин. У чоқда биз, — «лашқари ислом» — кучли эканимизни ва бёкорга мусулмонларнинг қонини тўкишни истамаганимиз учун, инсоф юзасидан қуроласлаҳамизни топшираётганимизни қурол орқали исбот қилишга тўғри келади.

Қурбонбек энди гапнинг тагига тушинди.

— Сиз шаҳарда большевикларга ҳужум қилмоқчимисиз? — деб сўради.

Маккорлик калавасида тамоман ўралиб қолган Қудратбий, Қўрбонбек яна риёкорлик қилаётир, деб ўйлади ва оғир хўрсиниб:

— Оллоҳнинг қарами зўр,—деб қўйди.

Суҳбат чоғида серсоқол зотлар — аскарсиз аскарбошилар, қал'асиз қал'a доругалари, катта-кичик амалдорлар. — чурқ этмай, гапга қулоқ солиб ўтирилар, ах'ён-ах'ёнда, афтидан, ма'қулла-ганикклари ва розиликларини билдириб, думоғдан товуш чиқариб қўярдилар.

Музокаralар тамом бўлгандан кейин, Қудратбий мушовирлари борлигини эсига олди. Тавози' блан ўтирган кишиларга даҳшатли қараб, кескин овоз блан:

— Донипманлар, сиз бунга нима дейсиз? — деб сўради.

Улар сўк ютгандай жим ўтирап әдилар. Қўрбоши ғазабланди:

— Бу нима демак? Ёқса, «яхши» денг, ёқмаса, «ёмон» денг. Кўнгилчан чол сўз бошлади:

— Бек жаноблари ўз фикрларини эшитдирмоқ учун бизни машваратга чорладилар. Биз нима дер эдик? Агар ёмон маслаҳат берсан, ғазаб айлаб, биримизнинг калламизни кестириб юбормоғингиз мумкин. Дўстларимизни йиғлатмаслик, душманларимизни шодлантирилмаслик учун, яхиси, бир сўз айтмаганимиз ма'қул. Хўжам, ўзингизнинг ақлингиз комил, фаҳму-фаросатингиз бекиёс турур...

У камол ҳурмат ва ихлос блан қўрбошига қаради.

Қудратбий бир неча минутгача ер остидан эзма чолга тикилиб қаради, сўнгра пешонасини буриштириди...

Кўнгил ёриб, Қурбонбекка секин товуш блан сўзлайбошлади.

— Душманларимизнинг адабини бериб қўймоқ керак. Теваракатроғимдаги одамлар бир-бирларига қарши иervo қилиб, йўлдан адашиб, итоат ипини узаётган маҳалда бу мақсадга қандай эришиб бўлади? Худога минг қатла шукрким, давлатим эгасиз қолгани йўқ, дастим ҳали узун.

Жуда тўкин овқатдан сўнг, Қурбонбек блан Санжар қайтиб кетиш учун тайёрланабошлиганинда, Қудратбий бирдан Зуфарни ёдига олди.

— Ноибимиз соғ-саломатми?

Дарғазаб Тўпалон сувининг қирғоғида, яшин яшнаган чоқда рўй берган манзара бир он ичиди Қурбонбекнинг кўз олдида жопланди.

— Шукур, тинч... у кишидан хотиржам' бўлинг.

— Нима сабабдан у сиз блан бирга келмади?

— Тошқин сувдан кечиб ўтмоқ хатарли бўлгани сабабли эҳтиёт юзасидан сувнинг нариги бетида қолдилар.

Қудратбий бирпас жим қолди, сўнгра қўли блан оғзини беркитиб эснади.

— Сиз қоронғида яна ла'нати Тўпалондан кечиб ўтмоқчими-сиз? Тунаб колинг. Ҳа демай палов пишиб қолади. Биҳи солгаи, қўзи гўшти солган палов. Меним карманали ошпазим зоти чоҳо-валарининг сарбийда ишлар эди. Қулинг ўргилсан ошпаз.

қозонда беш пут гурунчдан тасмадай палов тайёрлайди, гурунчи дона-дона бўлиб туради. Сизларни қўйиб юбормайман.

Иzzat-журмат жойида эди.

Отлар чинор остида эгарланган ҳолда тураг эди. Қуёш Бойсун тоғи орқасига ботди, қўрбоши эса, меҳмонларни кетарга қўймай, қолинг, деб қистар эди. Унинг товушидан аччиғлангани билинмас эди, отларнинг жилавидан ушлаб турган сайисларнинг бетидан сабр ва зерикиш аломатлари кўриниб турагди, имомлар ва Қудратбийнинг дўстлари сертакаллуф эдилар, — броқ шунга қарамай, Қурбонбек блан Санжар нобоб бир ҳол рўй берганини, букун кетиш үларга мусассар бўлмаслигини англадилар.

Қудратбий макр-хийлада устун чиқди.

Санжар имо қилди, Қурбонбек қўй қовуштириб, янги бошқа гилам ёйилган бояги супага қараб юрди.

Қўрбоши кайфланиб кетди.

Қурбонбек қайрилиб, орқасидан келаётган Санжарга:

— Содиқ, азизим, даррав отга мининг, — деди, — аскарларимга: «Бошлиғингиз Санжар дўстнимиз Қудратбий ҳузурларида меҳмон бўлиб қолдилар; бошлиғингиз бек блан бир тўшакда ёнма-ён ўтирибдилар ва роҳат-фарогатдалар» деб айтинг. Боринг.

Санжар шошмасдан-ҳовлиқмасдан, лекин эпчиллик блан отга минди ва «хайр» деб отини лўқиллатиб кетди.

Қудратбий бирдан бошини ўгириб, отнинг тақиллаган туёқ товушига қулоқ солди, броқ вақт энди ўтган эди. Унинг дўстлари, узоқлашиб бораётган отлиқнинг кетидан:

— Омон-эсон боринг, — деб қолишиди.

Қудратбий, ҳар икки томонига даричасиз уйлар тизилган тор кўчанинг олтинсимон-пушки рангли чангি орасидан узоқлашиб бораётган отлиқнинг қорасини кўрди. Қўрбоши бир сесканди. У кишини қайтариш керак эди, броқ қандай қилиб қайтариш мумкин? Хайр-ма'зурдан кейин уни зўрлик блан қайтариш — меҳмондўстликка хилоф нарса. Бу одатни бузиш керак эмас. Майли, кетаверсин.

Кечқурунги овқатдан кейин қўрбоши кескин овоз блан:

— Санжарбек, сиз тоғликсиз, — деди, — сез ҳечқачон таббод шамоли — безгак шамоли нима эканини билмассиз-а?

Қурбонбек сұҳбатнинг қаёққа бурилаётганини пайсалламай:

— Йўқ, мен буни эшитганим йўқ, деди.

— Қизилқўмда эсадиган таббод шамоли жуда даҳшатли бўлади.

Қурбонбек, ҳозир Қудратбий бирор ҳикоя бошлар, деб қулоқ солишга тайёрланди, юзида диққат аломати пайдо бўлди.

Броқ қўрбоши, нафасини ростлаб олгандан сўнгра:

— Ҳозир жўнаб кетган ноибингиз Бухороликми? деб сўради.

Қурбонбек бу ғалати саволдан нима натижа чиқиши тўғрисида ўш қолириб:

— ... афтидан, Шаҳрисабзлик бўйса керак, — деб чалғитди.

— Шаҳрисабзлик? Иўқ... бу одамнинг тилидан қизилқумлик экани белги бериб турибди.

... Санжар отини йўрғалатганича, Тўпалон суви водийсига кириб бормоқда эди. У орқасига бир нарсаннинг тидалганини сезгандай бўлар эди, душманлар назари остида кишида шундай сезги қўзғолади. Санжарга ҳарбир бута остидан, ҳарбир бузуқ девор орқасидан милтиқ чиқиб аста-секин унинг гарданига қаратилаётгандай сезиларди. Дарё бўйида ўз суворийларидан бир гурухини кўргандан кейин у тинчиди.

Санжар дар'ёнинг қирғогига етгандагина бир марта орқасига қараб олди. Атрофда ҳеч зоғ йўқлигига қаноат ҳосил қилгач, енгил хўрсинди ва қаттиқ овоз блан:

— Мана ахир сен блан қаерда учрашдик, Али-Мардон, — деб қўйди, — сичқон ўлгиси келса, мушук блан ўйнашади.

Унинг сўзлари дар'ёнинг шовқунида кўмилиб кетди.

### III.

Уша кечаси Денавда кўп одам ухламади. Чойхоналарда, ошпазликларда, карвонсаройларда даҳшатли қўноқларни кутиб олиш учун тайёргарлик кўрилар эди. Пичокларнинг тақиляган товуши эшитиларди; тажрибали ошпазлар майдада қилиб сабзи тўғрап, тўғралган сариқ сабзи патнусларга ўюлиб кетган эди. Сўйиладиган қўйлар аянчли товуш блан мағрар эдилар. Гулхонларнинг қизил шу'ласида янги чопилган ёғлиқ нимталар оқариб кўринарди. Юзларча кишини тўйғазиш ҳазил гап эмас.

Дуторлар чертилиб, якка товушли ашуулалар янграмоқда.

Ташландиқ боғлар, чойхоналарда, дар'ё қирғогида кишилар ташвишланиб сўзлашар эдилар.

Кўзга кўринмаган ашуулачиларнинг қўшиқлари эшитиларди.

Вакти ҳали келган ийӯ,

Ишлар кутади бизни.

Оламив ўчимиизни.

Э дўстлар, жўнглимиз тўқ,

Кошубанинг хонасида чироқ ёнар эди.

Ашуулачилар ва шубҳали ашуулалар тўғрисидаги гапга командир э'тибор бермади.

— Овга борамиз, — деди бирдан, — аzon пайтида ғоз отамиз

— Қудратбийнинг таслим бўлиш маросимини ташлаб-а?

— Биз парад вақтигача етиб келамиз.

Кошуба овга жўнаб кетди. Бутун кучини, бутун ғайратини эртаги кунга сақлаб туриш лозим бўлган бир пайтда жўнаб кетди.

Кичик бир отряд қурол-аслаҳани шиқирлатиб, шаҳарнинг катта-катта тошлар ётқизилган, ўнқир-чўнқир кўчаларидан, ёрик чойналар ёнидан от болтириб ўтиб кетди. Бу чойхоналарда коя толар блан ўралган водийларда яшайдиган тоғлиқлар баҳузур ичиб ўтирадилар.

Вақт алла маҳал бўлиб қолган, соқчилар иккинчи марта олмашинди, броқ ҳечким мижжа қоқмайди. Ташландиқ боғларда янграган қўшиқлар тоғлардан шовуллаб оқиб тушаётган ирмоқлар блан баслашгандай туйлади, тошларни ўйиб оқаётган шарқироқ сувлар уларга жўр бўлади.

Кошуба ўртадаги чойхонага от чоптириб келиб, ашулалар товуши, юзларча чойнак-пиёлаларнинг шиқирлаши, сувнинг шарилапши ва чинор япроқларининг шитирлашидан ҳосил бўлган товушни босиб тушадиган қаттиқ овоз блан қичқирди:

— Рулом!

Рулом салла-каллали,, серсоқол кишилар орасидан «лаббай» деб ўрнидан турди. Шлём остида унинг ўткир сариғиш кўзлари порлар эди. Бу семиз йигит, шолчалар, гиламлар устида ўтирган кишиларнинг орасидан чақонлик блан ўтиб, катнинг четига келди.

— Рулом, — деди Кошуба яна қаттиқроқ овоз блан, — мен овга кетаётирман.

Руломнинг башарасида ўтакетган ҳайрат аломати зоҳир бўлди. Кошуба эса ма'нодор қилиб:

— Тушиндингми? — деди, — овга кетмоқдаман. Соат ўнбирга ҳозир бўлинг.

У эски ҳарбий кишиларга хос бўлган маҳорат ва элчилик блан «честь» берди, отнинг жилавини силтаб, индамай чойхона олдидан жўнаб кетди.

Отряд яна икки-уч жойда шундай тўхтади. Ҳар ерда Кошуба аскарларига буйруқ бериб борар эди. Ҳамма жойда ҳам аскарлар халойиқ ўртасида ўтирган бўлар эдилар.

Отряд шаҳардан чиқиб, шағал ётқизилган чангли йўлдан сойга қараб йўл солди.

Ой кўтарили, туман парчалари қамишларнинг тепасига ила-киб, тоғларга кўтарилимоқда эди. Олдинда кўринган сув, эриган қўргошиндай, порлар эди. Тор уйнинг икки четида катта-катта буталар осмонга қараб бўйини чўзади.

Командир, ҳұштак чалиб ўйноқи бир вальсни куйлади ва дадиллик блан отрядни чангалзор ичига олиб кирди. Қамиш ва новдалардан ишланган девор ёнида бирдан отини тўхтатиб:

— Эй! — деб қичқирди Кошуба.

Шамол қамишларни қаттиқ шилдиратар эди.

Командир яна қаттиқроқ овоз блан — эй, эй! — деб қичқирди.

Тонг қоронғисида букчайган бир киши пайдо бўлди. Кошуба блан бу киши қисқача сўрашиб олди. Улар аллақандай дурагай тил блан сўзлашар ва бунга қарамай бир-бирларини яхши тушунар эдилар...

Кошуба ўз отрядига қайрилиб қаради:

— Яқин жойда бир кўл бор, — деди у, — унда бултурдан буён ор катта ғоз сузиб юради.

Ана эни отиш керак. Лекин ғоз сеҳрланган. Йўловчи командир парунга қараб отишади. Лекин ўқ тегизишаолмайди. Сиз ҳам ир тажриба қилиб киринг, мана бу киши сизни олиб боради. Сунн-

ра уларнинг орқасидан,—мен бу ерда қоламан,—деб қичқириди.—  
ғоз отинг, ўрдак отинг, истаган қушни отинг, лекин сизнинг кў-  
тарган шовқунингиз Денавда эшитилиб турсин.

#### IV.

Қуёш аста-секин Денав ботқоқликлари тепасига кўтарилади.  
Бадбўй сурранг буғ тўлқинлари қамишзорлардан кўтарилиб, таш-  
ландиқ боғларни, бузук-ёриқ деворларни кўк-сарифиши парда блан  
коплайди. Қуёш ботқоқликдан кўтарилиган туманлик блан анчагина  
олишади, жуда оз шу'лаларгина туман орасидан ёриб ўтади. Ни-  
ҳоят қуёш шаҳарнинг бурунги дабдабасига шоҳид бўлган эски бир  
мадрасанинг деворларини ёритади.

Бир гуруҳ отлиқ аскар, чанг-тўзон ичида, шоҳ-шаббаси бир-  
бирига қўшилиб кетган дараҳтлар остида индамасдан боради. Яқин-  
лашиб келаётган тонгнинг титроқ шу'лалари қуюқ япроқлар ора-  
сидан аранг ёриб ўтади.

Йўлдан кимнинг келаётганини пайқаб бўлмайди.

Сокин бир ҳовуз олдида, тахталари чириб кетган катнинг усти-  
да ўтириб, чопонига бурканиб, совуқда увишиб, мизғиган соқчи  
уларни лайсалламай қолди. Суворийлар тезлик блан катнинг атро-  
фини ўрадилар. Келганлардан икки-уч киши бир минутлик сароси-  
мадаң кейин, фичиллаган тахталар устидан юриб, чойхонанинг ка-  
лин қоғоз блан беркитилган, ёриқ даричасига яқинлашди.

Улардан кейин етиб келган отлиқ аскарлар шовқунсиз чойхона  
снига етиб келдилар ва шошиб-пишиб, ўнг ва сўл томонга ўтди-  
лар. Чойхонанинг орқасидаги отхонадан тақир-туқир овозлар эши-  
тилди, сўнгра жимиқиб қолди...

Чойхонанинг эшиги ланг очилди ва ичкарига Кошубанинг  
жангчилари киришди. Сўниб қолган чорчўп атрофида кўринини  
оддий деҳқонларга ўшаган кишилар ёнбошлаб чўзилиб ётар, ё  
ўтиришар эди. Броқ оқ намат қалпоқ ва учи қайрилган яхши этик  
босмачиларни усти юпун ва сарпойчан ҳисорлилардан ажратиб  
туради.

Комбриг Кошубанинг Санжардан олган ма'lумотига кўра, Қуд-  
ратбий шу чойхонага босмачиларнинг бош дастасини қўйган эди.  
Кутимаган бирор воқиа рўй берса, Денавдан чекиниш йўлини шу  
даста сақлаши лозим эди. Шаҳар атрофига бундай дасталардан  
бирнечаси қўйилган эди.

— Жим ўтираверинг! Товуш чиқарманг...

Босмачилар тўсатдан қўлга тушдилар. Уларнинг ба'зиси ўрни-  
дан сакраб туришга уринар, ба'зиси ҳечнарса тушинмай, кўзлари-  
ни жовдиратарди. Қора мийқали олифта ёш босмачи устунга суюн-  
гани ҳолда чойхонага бостириб кирган кишиларга чорасиз ғазаб  
блан боқар эди.

Жалолов:

— Товуш чиқарма! — деб уни огоҳлантириди.

Қора миийқли йигитнинг жовдираған күзлари ялтираб турган самоварнинг орқасидаги эшикчага тикилди. Афтидан, йигит орадаги масофани күзи блан ўлчар эди.

Жалолов барвасталик блан:

— Бекорга овора бўлманг, — деди, сўнгра:

— Кираверинг, — деб қичқирди.

Самоварнинг орқасидаги даричалардан, эшикдан чойхонага жангчилар бостириб кирдилар. Улар муваффақият қозонишларига шуқадар ишонган эдиларки, ҳатто елкаларидаги карабинларини кўлга олмаган эдилар.

— Қуролларингизни мана бу ерга қўйинг, — деб бўйруқ берди мўйлабсиз бўлим командири. — Тезроқ бўлинг. Бизнинг вактимиз йўқ... Йўқ, йўқ! Пичоқларингни ҳам.

Кўп вақт ўтмай, чойхона ичида шовқин тўқтади. Қоғоз орқали ўтган сарифиши нур, аввалгидай ҳовуз устига тушар, сув эса туман орасидан ялтираб кўринарди.

Соқчи кат устига баҳузур ўтириб, милтиғини гиззасига қўйди. Тун қоронгисида бошидаги оқ қалпоғи оқариб кўринарди.

Шарқда уфуқ оқарабошлади. Дараҳтлар орасидан тоғ чўққилиари сал қизариб кўринади. Хўроллар қичқирди.

Иўл устида анчагина отлиқ аскар дастаси кўринди. Олдинда отчоптириб кетаётган отлиқ аскарлардан бири отини тўхтатмай, ўршидан турган соқчига:

— Ҳорманг, самоварчи, — деди.

— Оқ иўл бўлсин!

— Иўллар қалай?

— Иўлингиз очиқ...

— Хуш'ёр бўлинг!

Юзларча отлиқ аскарлар юган-жабдуқларини шиқирлатиб, тўхтамай, чойхона ёнидан ўтиб кетди. Катта ариқдан кечиб ўтариб, отларни сугоришиди ва қинғир-қийшиқ кўчалардан Денавнинг ўртасидаги майдонга қараб юришиди.

Сўнги отлиқ аскар муйилишдан ўтгандан кейин, Жалолов чойхонадан чиқди. Чойхона ичидаги турган аллакимга:

— Эшикча маҳкам ёпилди, — деб қўйди.

Шаҳар майдонидан ноғораларнинг ритмикали овози эшитиларди: так-така, так-тум! Така-така, так, тум! Так, тум, так, тум!

Карнай-сурнай овозлари, қуёшнинг шабнамдан ҳўл бўлган дарахт япроқларига, тўзонли йўлга, ҳовузнинг кўмкук сувларига тушган тарғил-қизил нурларини табриклагандай бўлар эдилар.

Жалолов:

— Бошланди, — деб қўйди. У отига миниб, майдонга от чоптириб кетди.

Босмачилар учун шарм-номус, халқ учун шон-шараф бўлган бошланди. Қудратбий Қизил Қўшунга таслим бўлишини таклиф ған чиқида нимани кўзлаган бўлмасин, воқиа каёққа қараб бу-

рилмасин, ҳамма учун бу кун «лашкари ислом»нинг омади кетабошлаган кун экани очиқ-равшан эди. Улар ҳали жанг қилишлари, бир бурчакдан келиб ўлдириб кетишлари, таланчилик қилишлари, водийлар ва тоғларда қутирган ҳайвондай изғиб, орқаларида қонли излар қолдириб юришлари мумкин эди, — броқ мунтазам равишда кураш олиб бориш улар учун энди тамом бўлган.

Қўрбоши Қудратбий ғолибларнинг карамига сифиниб, таслим бўлди.

У ўзининг отлиқ аскарларини майдонга тизди, қизил палос ёйилган катниг ёнида улар қингир-қийшиқ тизилиб, саф тортилар. Тартибга ўргатилмаган отлар олдинга чиқиб кетар, орқага тисланар, бир-бирлари ила тишлашар, турган жойларида айланар эдилар. Сафлар аралашиб кетар ва майдон ўртасида салла, чопон кийган соқолли кишилар чайқалиб турарди. Қурол-аслаҳалар шикирлар, узангилар бир-бирига илакишиб қолар, юганлар чалкашарди...

Ҳаммаёқни шовқун-сурон босган. Отлар пишқирап, кишинар, карнайлар ҳайқирап, сурнайлар қулоқларни битказар эди. Майдонга кирадиган йўллар, кўчалар тамошабинлар блан тўлган, улар милиционерлар орасидан ёриб ўтишга интилар, дарвешлар, қаландарлар оллоҳга бўлган сўфиёна ишқларини баланд овоз блан зикр килар, ора-сра «лоилоҳа иллолло, ҳақ дўст, ё олло» деб қичқирадилар. Пиёда, отлиқ одамлар орасида баркашларда ширинлик сотучи фурушандалар, мешкобчилар, нонвойлар югуриб юришарди.

Улар қичқиришиб, шовқин-суронни кучайтиришарди.

- Муздек сув! Оби худой!
- Ширмой нонлар! Иссиқ нон!
- Обаки дандон, лаблари хандон!
- Муздек сув!

Болалар сёёқ остида ўрмалашиб, отларни, кумуш жабдуқларни, қилич-қинларнинг нақшини, барқут камарларни тамоша қилишар ва қонхўрлиги блан ма’лум бўлган бирар қўрбошини қўллари блан кўрсатиб, унинг қилган ишлари тўғрисида барада гапиришар эди.

— Фозил. Анави қора мийиқли Фозил Оқтепага ўт қўйган эди.  
— Манави зар чопон кийган Сардорбек Ҳунар қозисининг болачасини ўлдирирган.

— Мана буниси Сарпулда хотинларни осган.  
Уч кунгача олақарғалар уларнинг кўзини ўйиб еган эди.  
— Анови сўйлоқ полвон болаларни ўлдирган. Жур, қочамиз.  
— Нега! Ҳозир унинг соқолини қириб ташлайдилар. Қўлга тушганлар.

Босмачилар болаларни писанд қилмас эдилар. Ўзларининг ёввойи отлари устида мағруона кеккайиб ўтирган бу кишилар калтак еб, асир тушаётган ўғриларга сра ўхшамас эдилар. Улар шарни босиб олган ва талашга ҳозирлангаётган ғолибларни кибирли эдилар.

Улар ёни-верларига қараб аланглар, усти халойиқ блан лиқ түлгап томларга қарашиб, бир-бирлари блан пичирлашиб, илжайшарди. Уларнинг хандалари заҳарли эди.

Оқсоқолли, қарри дехқонлар бош чайқашиб, хўрсинишарди. Улар, бошидан оёғигача қуролланган шунча босмачини Денавда ўз уй-жойлари ёнида биринчи марта кўрмоқда эдилар. Шу сабабдан уларнинг юраклари увишиб, ташвишланмоқда эдилар. Оламон ичидаги мишиш гаплар юрарди, ба'зилар ёnlаридағи кишиларнинг орасидан аста-секин ўтиб, майдондан чиқиб кетмоқда эдилар.

Фақат Кошубагина хечнарса сезмас эди. Ўз ноиблари блан бирга халқнинг орасидан ўтар экан, сердиқат ва ҳаяжонли чеҳраларга сокин боқар эди. Таниш бир одамни кўрса, у блан имлашиб саломлашарди. Хисор водийсида Кошубанинг таниш-билиши кўп эди.

Командир кат устига чиқди ва зотли така-туркман бўз оти устидаги ўтирган Қудратбий блан юзлашди. Машҳур қўрбошининг гўштдор юмалоқ юзи лоқайд ва бепарво эди. Кўкарган қовоқлари кўзларини беркитиб турарди, Бухоро юлдузлари блан безалган дуҳобо камзул остида кўкраги дам-бадам кўтарилиб турарди. Броқ унинг бурун катақлари керилган эди. Кошуба Қудратбийнинг ачиғланнаётганини пайқади.

Кошуба, қўрбоши қачон кўзини очар экан, деб индамасдан Қудратбийга қараб турди. Ҳатто Кошуба ўз орқасидан Жалоловнинг:

— Шаҳар бетинч. Болали хотинлар боғларга қочиб кетмоқдалар.— деган товушини эшитганда ҳам қўрбошидан кўзини айрмади ва орқасига қайрилиб боқмади.

Кошуба сабрсиз, аммо билинار-билинмас қўл ҳаракати блан Жалоловни жим туришга мажбур қилди ва сиполик блан:

— Бошлайлик, — деди.

Бу сўзни ёлғиз ёни-веридаги кишилар эшитган бўлсалар-да, бутун майдон бирдан жимжит бўлиб қолди. Факат отлар пишқириб, бу жимжитликни бузар эдилар.

Қудратбий эринибгина қовоқларини кўтарди ва кат устидаги туртан командирларга, совет ҳукумати намояндайларига ташвиш блан қаради. Кошубанинг кўзларига тикка қарамаслик учун олабайроқ тўнли кишилар блан тўлган мадрасаси томига кўз югуртириди ва билинар-билинмас илжайди.

Сўнгра қўлларини фотиҳага кўтариб, қаттиқ овоз блан дуо ўқиди. Барча қўрбошилар ва навкарлар унинг кетидан «омин» дейишдилар. Босмачилар жанг бошлашдан бурун шундай қиладилар. Буни Кошуба ва унинг командирлари билар эдилар.

Қўрбоши кескин овоз блан рус тилида:

— Салом, — деди. Унинг лаблари истехҳзо блан қийшайди, — Салом, начальник!

Унинг товушида яшириб бўлмайдиган заҳарханда бор эди. Кўданинг ростлаб, бошини кўтарди ва сонига қамчисининг сопилини

Командирлардан бири:

— Ёмон аломат, — деди, — салом алайкум демади.

— Салом, парвоначи жаноблари!

Құрбоши ўнгу сүлиға ғурур блан гердайиб назар ташлади ва муҳурдорига имлади, у эса оҳиста ва шошмасдан гапирди:

— Биз донишмандлар блан машварат айтиб, Денав шаҳрига қадам ранжида қымызқа қарор бердик. Яқиндагина оллоҳнинг содиқ мулозимлари бўлмиш улуғ Денав беклари ҳукм сурган ерларни зиёрат қилгали келдик.

Кошуба индамагани учун муҳурдор сўзини давом эттири:

— Биз, пайғамбарга мункир бўлган ва ўзини «большеник» деб атаган лашкарбошилар ила эркин музокара бошламоқ учун биз блан бирга юзбошиларимиз, ясавулларимиз, амалдорларимиз ва лашкарларимиз ҳам келдилар. Босмачилар елкаларидағи милтиқларини сабрсизлик блан тўғрилаётганликларини Кошуба бошини ўтирасдан кўзининг қири блан кўрди. У қўлидаги соатга қаради, соат беш минути кам ўникки эди. Кошуба муҳурдорнинг якнасақ овозига э'тибор бермай, зўр бериб бир нарсанни кутарди. Соатнинг катта стрелькаси ўникки рақамининг устига келганда, узоқдан бир тартибда кетма-кет беш марта отилган милтиқ овози аниқ эши-тилди. Милтиқ товуши Терmez ўйлидан эшитиларди. Командирнинг юзига соя солиб турган ташвиш-андуҳ аломати йўқолди. У ошкоро равиша кулди ва бошини ўгириб, мадрасага қаради.

Қудратбий милтиқ овозини эшитдими, йўқми, буни айтиш қийин эди, лекин сесканиб, у ҳам мадрасага қаради. Шамолда аста ҳил-пираган улуғвор қизил совет байроби мадраса устига тикилди.

— Смирно!

Бу команда шундоғ омиона товуш блан берилган эди, эгар устида бўлган ҳамма босмачилар беихтиёр қадларини ростладилар ва ҳатто отлар ҳам қотиб қолди. Совет командирлари «честь» бердилар.

Мадраса пештоқи остидан «Интернациональ»нинг тантанали овози янграр эди.

Қўрбоши нохушланиб, лабини тишлади, пепионасини тириштирди. Қўнғир соқолли ясавулни олдига чақириб, ундан бир нарсанни сўради, у эса майдондан чиқиб кетадиган йўлга қараб, ҳайрат блан елкасини қисди.

Музика тўхтади. Кошуба ҳамма эштадиган қилиб, қаттиқ овоз блан гапирди. У бу жойларда ҳамма тушинадиган тожик тилида:

— Тақсир, совет ҳукумати номидан сўрайман, сиз яраш учун келдингизми, ёки уруш учун? — деб сўради. Ҳамма давомли бир сулиш олди, бу вақтда босмачилар ялт этиб бир-бирларига қараб, имлашиб олишди. Қудратбий баланд овоз блан жавоб берди.

— Бизнинг фикр ва ниятларимиз, қогозда дарж этилган бўлунга меним ва сардорларнинг муҳури босилган. Муҳурдор таклиф номани ўрислар сардорига топширинг.

— Йўқ, — деди Кошуба, — уни ўқиб беринг. Муҳурдор оттушиб, кат устига чиқди ва ўқийбошлади.

«Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим, тангри таолога ҳамд беҳад ва расулуллога санойи беадад... Йиллардирки биз лашкари ислом ўзимизга дам бермай, газот қилурмиз. Орамиздан кўплар шаҳид бўлиб, жонлари жаннатга кетди ва кўплар ғозий бўлиб, зафар топдилар. Ва лекин уруш фалокати, ҳарбий сафарбар ҳарожати мўмин-мусулмонларни вайрон қилмоқдадир. Шу сабабдан, оллоҳнинг иродаси бирла, қудрат ва шуҳрат топган сардорлар ила маслаҳатлашиб, Шўролар ҳукуматининг илтимос ва таклифларига қулоқ солмоққа ва Денав ҳокимининг пойитахтида Қизил Кўшун бирла лашкари ислом ўртасидаги ҳарбий ҳаракатларни тўхтатмоқ ва ярашмоқ тўғрисида музокара бошламоққа қарор бердик. Ҳою-ҳавас йўлидан кечиб, тавба ва тазарру' қилмоққа бел боғлаганларга оллоҳнинг раҳмати ёққай. Сиз Шўролар ҳукумати намояндаларининг таклиф қилғуси шартларингиз адл ва инсоф юзасидан бўлур, деб умид қилурмиз. Воллоҳу а'lam биссаноб!».

Муҳурдор Кудратбийнинг таклифномасини Кошубага та'зим блан топширди ва савлат блан катдан тушди.

— Ўртоқ начальник, эшитдиларми? — деб сўради Кудратбий. Унинг товушида киноя оҳангি сезиларди.

Муҳурдор отига миниб, Кудратбийнинг ёнига келди ва секин товуши блан:

— Чап томонингизга қаранг, — деди.

Сафни ёриб оломоннинг ичидан кулоҳ кийган бир дарвеш чиқди. Унинг кўзи Қўрбошининг кўзига тушгач, минфиллаб арабча бир жумла айтди.

Кудратбий гердайиб атрофига қаради.

Кошуба пинагини бузмай гўё ҳечнарсани сезмаган кишидай:

— Тақсир, — деди, — ҳозир мен Совет ҳукумати ҳамда Қизил Армия қўмандонлиги номидан ёзилган жавобни ўқиёнан.

— Яхши, биз тинглаймиз. — деди ғурур блан Кудратбий.

У эзарга яхшилаб ўтириб олди. У маросимни чўзишни истар эди. «Бу хотирали кун Ҳисорда ҳам, Кўҳистонда ҳам, Бухорода ҳам тилларда достон бўлсин, — деб ўйлар эди, — меним шуҳратим бутун Туркистонга ёйилсия. Бу хабар Панжга ва ўзининг содиқ мулозимларидан умидвор бўлган амир дам олиб ётган пойтахтга бориб етсин. Мен Кудратбийнинг ақли-заковати, қудрати ва макрихийласи оламга машҳур бўлгай. Мусулмонлар ҳурмат блан оғимга йиқилгайлар, душманлар ларзага келгай. Бирнечча дақиқагача бу аҳмоқ, соддадил «мужик ўруслар»нинг чиранишига йўл қўяй. Бироздан кейин майдонга тўпланган ҳалойиққа кўрмаган нарсасини кўрсатиб, эшитмаган нарсасини эшитдириб қўяман».

— Биз сўзингизни эшитишга тайёрмиз, — деди Кудратбий.

Босмачилар орасида билинар-билинмас ҳаракат бошланди.

— Командир, бирнечча сатр ҳат ёзилган катта қофозни очди ва овоз блан:

Отдаш тушувингизни сўраймау. — деди.

Босмачилар бироз шошиб қолдилар. Құдратбий оғзини очиб, хайрат блан командирга қаради. Құрбоши, унинг сўзини яхши пайқамади шекиллик, Кошуба:

— Бу ҳужжатни ўриндан туриб тинглаш керак, — деб тушинтириди.

Құдратбий бироз тараддууддан кейин энкайди ва оғир гавдаси блан отдан тушди. Муҳурдор ва икки ясавул унинг олдига югуриб келишди. Парвоначи узун чопонининг этакларига ўралишиб, киличичинг қийматбаҳо қинини бир қўли блан ушлаб, зина блан катга чиқди. Катнинг четида қўлини қовуштириб турди, бошини баланд кўтариб, бепарволик блан:

— Тинглаймиз, — деди.

Ма'зур тутинг, тақсир. Отдан тушиш тўғрисида йигитларингизга буйруқ беринг.

Құдратбий ғазабланиб, титрок овоз блан:

— Нега? — деб сўради.

— Ҳурматсизлик бўлади, сиз тик турасиз, улар эса . . .

Құдратбий ясавул томонга энкайиб:

— Буйруқ беринг, — деди.

Командадан кейин навкарлар отдан тушдилар ва туртиниб-суртиниб, милиқларини шиқирлатиб, катга яқин келиб турдилар. Уларнинг юзи қизарган, жиддийлашган эди. Пўнғиллаганлари эшитиларди.

Жалолов Құдратининг ёнига келиб, иззат блан уни табриклади ва шивирлаб бир нарса деди.

Босмачининг юзи энг олдин қорайиб кетди ва бирдан ранги ўчди. Бошини ўғирмасдан мадрасанинг кўча томонга қараган равогига кўз юргутириди. У аҳволни кўриб, ичиди дуо ўқиди ёки сўқинди.

Мадрасанинг кўчага қараган томони меҳробга ўхшаган кичик ҳужрачалардан иборат эди ва уларнинг ҳарқайисининг ўймакор эшиккаси бор эди. Құдратбийга уларнинг ҳечбирида тамошабинлар қолмагандай ва ўнолтига ҳужрачанинг эшиги ланг очиқ бўлиб, уларнинг қопқора маш'ум оғзи майдонга ва босмачиларга тикилиб тургандай кўринди.

— Ман ўқийман, — деди Кошуба.

«Ҳисор, Бойсун аскарларининг қўмондонига, совет қўмондонлиги, қўрбоши Құдратбий, қўрбоши Содиқбий, қўрбоши Ҷўйлоқ нолвон, қўрбоши Лутфулла ва уларнинг йигитларининг таслимии түйидаги шартлар блан қабул қиласди.

1. Номлари айтилган қўрбоши ва навкарлар дарҳол ўз қуроллари ва ўқ-дориларини топширадилар.

2. Навкарлар Қизил Армияга қарши, Совет ҳукуматига қарши курол кўтармасликка тантанали ва'да берадилар.

3. Навкарлар уй-жойларига қайтиб, тинч меҳнат блан

4. Құрбонилар ўз истаклари бүйніча, ё ўз қишлоқларига бориб турадилар, ёки ұzlари танлаган жойға бориб истиқомат қиладилар.

5. Дәхқонларни талаган ва уларга жабр-ситам күрсатиша айбланғанларни халқнинг ҳукмiga топширадилар.

Босмачилар шов-шув күтартылар, қичқириқ товушлари эшилди. Кошуба олдинга қараб отлади ва Қудратбийдан сүради.

— Қудратбий, ман сиздан сүрайман: бу шартларга розимисиз?

Қудратбий құрбоши бошини қуи солиб, қошини чимириб турарди. Тулкининг күзинга үшаган күzlарин жовдирар, титраган құли блан қамчини қимирлатарди.

Сукунат ичида унинг қалтироқ овози эшилди:

— Ҳа, разимен.

— Акта мұхурингизни босинг.

Мұхурдор югуриб келди. Қудратбий ҳолсизланиб, құlinи иккі әнігі ташлади ва юзини үгірди.

Қудратбийнинг қонли жиноятларыда иштирок қылган шериклары: Сүйлоқ полвон, құрбоши Лутфулло, құрбоши Содиқбек каттағиқиши. Уларнинг ҳарқайсиси шойи белбоғдан ҳам'ёнчасини очиб, ундан кумуш мұхурни олар ва бармоқларига туфлаб, уни ҳұллар, сүнгра таслим бўлиш ҳақидаги акта мұхур босар эди. Құрбошлилар аланглаб, Қудратбийнинг ённега бориб турар эдилар. Жимгина бир-бирларига ва ўз бошлиқларига қараб-қараб қўйишарди. Улар, ҳали вакт ўтгани йўқ, белгиланған жойлардан да'ват овозлари эшитилиб қолади, деб ўйлар эдилар... Кулоҳ кийган дарвеш бир кўриниш бериб кетди-ку. Тўғри, ундан кейин ҳамма нарсанинг таппа-тахт экани, кўчалар, йўллар ишғол қилингани, дўстларнинг келиб етганидан дарак беручи бир ишора бўлиши керак эди. Броқ бундай сигнал кечикиб қолмоқда. Қудратбий тишини тишига қўйиб турарди.

Босмачиларнинг ясавуллари, юзбошилари ва бошқа майдада бошлиқлари ҳам кўнгилларидан шу фикрни ўтказмоқда эдилар. Улар тоқатсизланиб ва ғазаб блан қўлларидаги милтиқни қаттиқ сиқар, адоватлари кўзларидан балқиб турарди.

Лекин оддий босмачи нафарларининг кўрбошила-рининг «яраш қофози»га мұхур босганини кўриб, команда кутмасдан орқаларидаги милтиқларини олиб, қиличларини ешиб, уларни кат олдига тартибсизча уябошладилар. Ба'зиларининг юзида ташвииш, ба'зиларида ачиниш, аччиғланиш аломати зоҳир эди. Лекин кўпчилик бу ишни хурсандлик блан бажарар эди.

Сўл қўли синган найнов босмачи ўнг қўли блан тўдага милтигини иргитиб, индамай турган қўрбошилар олдидан ўтар экан, заҳарханда қилди:

— Оллоҳи акбар! Уруш тамом бўлди, — деди.

Ковоқлари осилган босмачиларга қараб:

Ҳай Санғардоқлилар, ҳай Учар, ҳай Ҳамид, ҳай Бақалоқ, ҳай Бўлинг. Агар ҳозир йўлга чиқсан, кун ботарга зўрга Сарига, бориб етамиз. Ҳа, бўлинг!

Кат ёнига бориб, у қурол топширучиларни күздан кечириб турған Кошубадан сұрады:

— Начальник, отларимизни олиб кетсак бўладими?

— Бўлади.

— Хай оғайнилар, — деб қичқирди Найнов, — отларимизнің ўзимизга берар эканлар, тезроқ бўлинг.

Навкарларга жон кирди, қурол топшириш иши тезлашди.

Кишилар бир-бирларини итариб-туртиб, ғалати манзарани тамошо қиласр эдилар. Ҳечким чурқ этмади, ҳарким бўлиб турган воқиаларнинг биттасини ҳам қолдирмай кўриб олишга интиларди... Оламон сир бой бермай турарди, чунки Қудратбийдан ҳали ҳам жуда қўрқар эди...

Майдондаги ғовур-ғувур товуши орасидан дукурлаган туёқ товуши эшитилди. Ён томондаги кўчадан дод-фар'ёд товуши келди. Қўрбошилар сесканиб кетдилар. Қудратбий ҳам бошини кўтарди.

— Иўл беринг. Иўл!

Оламон орасини бир отлик киши ёриб ўтмоқда эди. Киппилар оёқ ости булмаслик учун ўзларини четга олар эдилар.

Отлик кат олдинга бориб, ҳечкимга э'тибор бермай Кошубага караб қичқирди:

— Командир, хиенат! Ва ёнига караб жуда бесўнақай буқчайди.

Унинг бети, кўкраги, қўллари ҳали қотмаган қон блан доғланган. Бу кишининг хушчакчақ Ғулом эканини зўр-базўр билса бўлар эди.

Ўнларча қўл уни суюб олди ва катга чиқарди. Аллаким сувдонида сув узатди.

Ғулом орқасидан суюб турган командирларни итариб, қўлини қўрбошиларга бигиз қилди:

— Хиёнатчилар! Чаёнлар!

— Уларнинг оғизлари бол бўлса ҳам, юраклари заҳар экан Улар Денавни қуролли босмачилар блан ўраб олибитилар. Йўлларнинг ҳаммасига пичноқ, милтиқ, қилич блан қуролланган одамларини қўйган эканлар. Ҳамма чойхоналарда, кўп уйларда босмачилар ўтирап эканлар. Буларнинг макр-ҳийласини тамоша қилинг. Таслим бўлиш никоби остида улар Денавга ҳужум килиб, командирларни ўлдирмоқчи, қизил аскарларни сўймоқчи, совет одамларини ёндиromoқчи, шаҳарни талаб, аёл-қизларимизни зўртамоқчи эканлар, ла'натилар.

Фазабланган халқ ғовур-ғувур кўтарди. Дехқонлар:

— Жағобгарликка тортилсинлар! — деб қичқиришди. Майдон безовта арилар ини каби ғувиллар эди.

Саросимага тушган қўрбошилар ғалвасиз қуролсизлантирилгандан кейин ва майдондаги шов-шув бирмунча пасайгач, Кошуба Қудратга яқинлашди ва:

— Тақсир, шариатга мувофиқ ичган қасамини бузган кишиларга нима жазо берилади? — деб сұради.

Қудратбий командирга ўрайиб қаради. Унинг салобати.

каббурлиги қаёққа кетди? У бирдан қартаиіб. туси ўзгарди. Одамларнинг кўз олдида йўлбарс шағолга айланди.

Броқ қўрбоши отдан тушса ҳам, эгардан тушмас эди. Герда-йиб, улугсимон сўйлашга тиришарди:

— Сен ўрис, шариатни тушинасанми!

— Сўзинг хато. Мусулмонлар, мусулмон бўлмаганлар, диндор-лар, ғайридинлар, сўзимни тингланг. Қаломи-шарифнинг «Бақара» сурасида шу мазмун айтилган: «Ватанга муҳаббат мў’минларнинг хислатидир. Тузилган аҳдномаларни бузган, ҳалқнинг ҳур ва саодатли ҳаётига суни-қасд қилганларни қириб юбормоқ лозим». Мана шариат нима дейди! Имомлар, эшонлар, мударрисларни чақиринг, меним тўғри ва ё нотўғри сўзлаётганимни айтсинлар... Аҳдномани ким бузди? Парвоначи бузди. Ўз ватанини севмаган, унинг бошига фалокат келтирган, ҳалқни саодатдан маҳрум қилиб, тинч деҳқонларни ўлдирган ва уларнинг аёл-қизларининг номусини барбод қилган ким? Қудратбий ва унинг шериклари... Яна пайғамбар шундай деган эди: «Қасамни бузганларга қарши урушмай туриб бўладими?». Совет ҳалқи кеча-кундуз, ер устида ва ер остида, ўт ичида ва ҳавода қасамхўларгага, ҳамма бойларга, ватанга ҳиёнат қилганларга қарши уруш олиб боради. Кур’онда нотўғри, хато фикрлар кўп, лекин хоинлар ҳақидаги сўз тўғри... Биз уларни шафқатсиз иўқотамиз.

Босмачиларни қуршаб олган оломон кат олдига келиб тиқилди. Юзларча қарри ва ёшларнинг ҳаяжонли чеҳраси бир тўда қўрбушига тикилган эди. Командирнинг сўнги сўзи уни ма’куллаган шовқун-суронлар ичида кўмилиб кетди.

Қизил тилладўзи чопон кийган ёш ва бақувват қўрбоши Лут-фулло катдан оломон ичига отилади. Орадан кўз юмиб очгунча вақт ўтди. Тилладўзи чопонга ўралган гавда деҳқонлар қўлида типирчилади ва кучли тўлқин томонидан улоқтириб ташлангандек, катнинг тахтасига келиб урилди.

Қўрбошиларни олиб кетдилар.

Халқ анчагача тарқалмай турди. Янгидан карнай-сурнай чали-набошланди. Чойхонада баҳшилар Қизил Армиянинг шавкатли жангчилари ва ҳийлакор тулки Қудратбийни қўлга туширабилган шонли командир Кошуббек ҳақида шу ернинг ўзида тўқилган достонларини айтабошладилар. Самоварлар тутади, палов, сомса, кабоб ислари ҳаммаёқни босди.

Майдоннинг ўртасига қизиқчилар тушди. Қорни жуда катта, кўй юнгидан мўйлаб, соқол қилиб олган, бошига қозондай салла ўраган, юзига ун суртган қизиқчи олдинда борар эди.

Оломон ичида кулги, қийқириқ эшитилди.

— Дарҳадан келган қизиқчилар:

Чол ингичка товуш блан:

— Мен Бобой-деҳқонбой бўламан, — дёб қичкирди, — чоралар, мардикорлар келаверсин, менга ёлланиб ишланг.

Узун ва ариқ, чурук-чурук кийинган қизиқчи бойга та'зим қилди ва ишга ёлланмоқчи бўлди.

— Далада жиндак ишлайсан, — деб қичқирди бой, — атиги тонг отардан тун қоронғусигача ишлайсан. Ўйда ҳам озгина иш бор: атиги икки сажен ўтин ёрасан, ўттиз челак сув келтириб, йигирмата отимни сугорасан, қашлайсан, беш жуфт ҳўқизимга овқат берасан. Йигирмата эркак, йигирмата хотин кишидан иборат бўлган кичик оиласизга овқат тайёрлайсан. Биз ухлагани ётгандан кейин жиндак ўтирасан: юган тикасан. Яна бир арзимаган иш бор: довул қоқиб, чўқмор ушлаб, кечаси блан уйни қўруқлаб чиқасан. Ҳамма иш шу. Бекорчиликдан дангаса бўлиб қолмасанг, деб қўрқаман.

— Бой бобо, манку, ишдан қочмайман, лекин сиз қанча ҳақ берасиз?

— Тўйганингча егайсан. Албатта, биз блан бирга ўтириб емайсан. Ман овқатингга яраша масаллиқ бериб тураман. Бир ойда шунча масаллиқ оласанки, қорнинг маникидан ҳам катта бўлиб кетади: Сенга бир мисқол гурунч, бир мисқол гўшт, бир мисқол туз, бир пияла сув, бир томчи ёғ бериб тураман... Худога шукур қил, менинг саҳиyllигимга қойил бўл.

— Э моли мардимхўр, ноинсоф судхўр, — деб қичқирди батрак.

— А? Сан муттаҳам, ҳали сўқадиган бўлдингми? Қудратбийга чақаман!

— Қорнинг ёрилсин. Қудратбийнинг бийлиги тамом бўлди. Чилим қовоққа ўҳшатиб, миясининг бир чеккасидан тешик ясайдилар, вассалом!

— Сан ҳали ис'ён қилмоқчимисан?

Ёқалашиб қолиши. Бой қочди. Батрак узун қулочини ёйиб, бойнинг кетидан қувлаб қолди. Бойга етиб олиб, унинг қорнини ёрди. У бойнинг қорнидан латта-путта, салла, эски калош, пўстуннинг енги, синиқ чойнак, лаган, қозон ва бошқа нарсаларни олиб ташлар экан, халқ қотиб-қотиб куларди.

Кулгилар тўхтагандан кейин, қизиқчилар мовий Зарафшон бўйида, минг кўл ва довонли тоғ орасида, бўстонлар ичиди жойлашган Дарҳани мадҳ қилиб, қўшиқ айтдилар: Дарҳалилар шод ва беғам яшайдилар, унда бойлар ҳам йўқ, судхўрлар ҳам, унинг аҳолиси камбағал эсада, эркинтир. Шу сабабдан, қизлар хусили, йигитлар бақувват бўладилар. Дарҳалилар бутун ёз бўйи ям-яшил хушбўй тоғларнинг ёнбағирларидаидаларида ишлайдилар. Қўклам ва қишида эса қишлоқма-қишлоқ юриб, халқни хурсанд қиласидилар, чарчаган дехқонларнинг қўнглини очадилар.

Денав аҳолиси ярим тунгача маш'алалар ёқиб, хурсандчилик қилди. Халқ даҳшатли «лашкари ислом»нинг тор-мор қилиниши муносабати блан байрам қиласи эди.

М. ОСИМ.  
таржими

## ЭНДИ РАЙСНИНГ ЮЗИ ЁРИҚ

Колхоз раиси Холматака райком секретари кабинетидан ланж бўлиб чиқди. Қабулхонада ўтирганлар орасидан иргиб бир киши салом берган эди, индамади. Уйинда мот бўлиб, алам қилган кишидай ҳўмрайиб, йўлакка бурилди.

— «Сизда на ғайрат қолибди, на уқув» дейди-я, яна юзимга айтди. Ўзини билган одамга шунинг ўзи бас...

Холматака шу чоқ бирор еридан оғриқ сезгандек чийраниб, бошини кўтарди. Қамчин дастаси блан пешанасини қашиб, нималарнидир ўйлади. Қалин қошлари чимирилди. Юзи ўзгариб, кўзла-ри олайиб кетди.

— Шошма, Ражабов шундай дейишида ҳақлими? Ҳақиқатан ҳам мен шундай ғайратсиз бўлиб қолдимми? Йўқ! Нима, даламда пахта бор эдики, мен йигиб ололмадимми? «Сизда ҳали кўсак кўп, киришсангиш, қолган З процентингизни бемалол қоплашингиз мумкин» деб эўр бериб кишини енгади. Кошки эди, шундай бўлса.

Холматака бармоқлари блан икки чаккасини қаттиқ сиқиб, яна ўйланди ва бирдан «лаббай» дегандек иргиб ўрнидан турди. Шошиб эшикни очиб, кўчага чиқди. Қўча хира ойдин. Фир-фир эсаётган изғирин шабода унинг кўкрагидан итаргандай бўлди. У пальтосининг ёқасини кўтариб, ҳавога қаради. Осмонда сийрак булат оқмоқда. Диққат блан булатларнинг ҳаракатини кузатаётганда, юзига совуқ бир томчи тушди. Бу унинг а'зойи баданини музлатиб юборгандай бўлди. У илдам-илдам қадам босиб, рўпарадаги теракларга боғлиқ қатор отлардан бирини ечиб минди. Чапга бурилган отнинг бошини ўнгга қайириб, босиб уч-тўрт қамчи урди. От олдинги икки оёғини баланд кўтариб, калласини чайқади ва бир нафасда аллақайларга етди.

Холматака шу куни ўз қишлоғига ярим кечада кириб келди. У, кечаси ухламасдан тонг саҳардан одамларни далага чиқариб, бир кун ичиди қолган кўсакларни тамом йигиб олишга қарор қилди ва пасқам бир дарвоза тагига келиб тўхтади. Қамчин дастаси блан эшикни бир-икки бор қоқди, сўнг девордан бўйин чўзиб, таваига қаради. Ҳаммаёқ жимжит. Уй эшигига осиғлиқ қулифни оғиб, ҳайрон бўлди, «бу нимаси, нима бўлди бу Нурматовга? а-ча, аси блан шаҳарга тушиб кетганга ўҳшайди. Шундай танг да'я, партком-а, тавба...».

Холматака жиҳл блан отга қамчи уриб, уз эшигига келди. Эшикни узоқ тақиллатди. Ҳечким овоз бермади. Кўнглидан аллани-малар ўтиб, юраги шув этиб кетди. Девордан ошиб тушиб, эшикни очди. Шошиб уйига кирди. Дабдурустдан, томга ёйилган қонундек уй блан битта данг қотиб ухлаб ётган болаларга кўзи тушди. Унинг оёқ товушига болалар ўртасидан кампир уйғониб бош кўтарди.

— Ким?

— Мен, — деди Холматака таажжубланиб, болаларга разм солиб.

— Ожизлик қурсин, сенми, кел, ўғлим.

— Нима гап, булар ким, келинингиз қани?

— Вой ҳали сен билганинг йўқми? Ҳов анави Ражабов ўғлим Нурматов блан бирга келишиб, йиғин қилишиб, ҳаммани далага олиб чиқиб кетишди! Булар қўшниларнинг болалари, ёлғиз қолиб, мендан эртак эшилтгани чиқишган экан...

Кампир ҳали гапини тугатмасдан Холматака эшикка қараб югуради.

Дала, йигна йўқолса топилгудай ойдин. Холматака теримчиларни қидириб кетаётган эди, бирор чақириб қолди.

— Холматака, ҳо Холматака.

У жөвдираб орқасига қараган эди, катта йўлда отда келаётган Нурматов кўринди. У ҳижолат тортиб, Нурматовга яқинлашди.

— Ҳорманг, ўртоқ Нурматов! Ишни бошлаб юборибсиз, жуда хурсанд бўлдим. Мен, ишни эрта тонгдан бошлармиз, деб райкомдан Ражабовнинг ёнидан шунақаси оталиққа ўтган эдим,—деди. Эрта блан ҳашарга оталиқдан ҳам бирқанча одам чиқадиган бўлди. Ўртоқ Ражабов мендан тоза койигандирлар-а?

— Йўқ, ҳаммамиздан, бепарволигимииздан койидилар, — деди Нурматов оёқ остидан бир кўсакни олаётib. — Ҳақиқатан ҳам катта бепарволик қилган эканмиз.

— Секинроқ айтасизми, бепарволикки, ўтакетгани.

— Ҳа, яна ўртоқ Ражабов уйма-уй юриб, ўрилган фўзапояларда ҳам дунёни кўсак борлигини кўрсатиб, анча уялтирдилар. Хуллас катта хатога йўл қўйган эканмиз.

— Тўғри, — деди Холматака. Энди, ҳарқандай қилиб бўлмасин, шу доғни ювишимиз ва беш кун ичиди планни тўлғазиб, ҳижолатдан қутилишимиз керак.

Нурматов, тўғри, дегандек бошини қимирлатди. Улар хирмонга қараб юрдилар. Холматака теримчилар орасидан икки кишини чақириб, қаёққадир, жўнатди.

Эртаси... Кучли шамол блан қор учқунламоқда. Холматака бир ҳавлидан чикиб, иккинчи эшикка бурилаётган эди. Қўчанинг тўрида бир отлиқ кўринди. От жуда секин келар эди. Холматака унинг келишини кутиб турди. От яқинлашганда, икки қўли блан эгарнинг қошига тираниб, ўзини тутаолмай келаётган Ражабо кўринди. Ражабов аста бошини кўтариб, Холматакага қоради.

— Хүш, ишлар қалай, қанча қолди? — деди аста овоз блан Ражабов.

Холматака аллақандай бир вазиятда Ражабовга құл узатиб, деди:

— Бугун 99,7, әртага албатта 100 дан ошади.

Ражабов құл берди. Шунда Холматака құлғига лақча-чүр босылғандай бир чүчиб тушди.

— Үртоқ Ражабов, иситманғиз борку.

У Ражабовнинг «йўқ, кетавераман» деган хоҳишига қўймай, аста отдан туширди. Бир уйга олиб кириб етқизди. Кейин доктор келиб, даража қўйди.

— Иситманғиз баланд, жуда қаттиқ шамоллабсиз.

Доктор аллақаёқдан машина чақириб, Ражабовни районга олиб кетди.

Эртаси кечқурун Холматака бир рўмол анор кўтариб, Ражабовни кўргани борди. Ражабов анчадан кейин аста кўз очиб, Холматакага қаради. Бу қарашиб, Холматакага «ҳа, ишингиз нима бўлди?» дегандек туийлди. У ёнидан бир қоғоз олиб, Ражабовга кўрсатди.

— Юзу икки, эртага яна берамиз.

Ражабов илжайди. Холматака ҳам бенхтиёр қулди. Шундан кейин Ражабов анорга ишора қилиб, бир нима деди. Холматака шишиб анордан бирини сиқиб, пиёлани тўлгазиб узатди. Ражабов ичаётганида, Холматака коматини ростлади ва «банияти шифо» деб мўйлабини силаб, жойига ўтирди.

*М. Афзалов*

## ВАТАН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЯРАТИЛГАН ФОЛЬКЛОР АСАРЛАРИДАН НАМУНАЛАР

Узбек шоир, бахши ва бошқа ижодчилар урушнинг бошланган куниданоқ, Совет халқининг немис босқинчиларига қарши олиб борган уруши ва тезда душманни енгиши ҳақида куйладилар. Халқ ижодчилари ўз асарларида халқни ботирлик-қаҳрамонликка чақирилар, халқнинг душманга қарши нафрат ва ғазабини куяйтирилар.

Узбек халқ шоирларидан Ватан уруши темасида биринчи асар яратган халқ шоири Фозил Йўлдош ўғлидир.

Фозил Йўлдош ўғли жуда кўп ишқий ва қаҳрамонлик достонларини билади. Ватан уруши ва меҳнат фронтининг илфорлари ҳақида Ислом шоир ҳам Фозил Йўлдошдан қолишмади. Уруш йилларида Исломотанинг икки ше'рлар тўплами чиқди. «Жангнома», «Қаҳрамоннома». Ҳар икки асарида Ислом шоир улуғ Ватан уруши йилларида совет халқининг душман устидан тезда ғалаба козониши, совет Иттифоқининг қаҳрамонлари ва меҳнат фронтининг илфорлари ҳақида куйлади. Ислом шоир ҳозир «Зафарнома» асари устида ишламоқда. Бу асарда ҳам у ғолиб совет халқи ва унинг қаҳрамонлиги ҳақида куйлади.

Фозил Йўлдош ўзининг «Отанинг насиҳати» деган термасида биринчи марта фронтга кетаётган ўз ўғлига насиҳат қилади. Бу термани Фозил шоир 1941 йил 17 июльда айтган эди.

Чақиришиб сени армия, фарзандим,  
Сөғ бориб, саломат келгил, дилбандим.  
Сенга қўйган засиҳатим унитма!  
Мард ўғилсан, номардларча иш тутмай.  
Евни кўрсанг, шер сизгари юриш қил,  
Аваҳондай майдон ичра уруш қил.

Минг-минг душман бўлса, кетга чекизма,  
Минггин ўлдир, ўламан, деб ғам ема.  
Йўлбарсдаиҳа уруш қўлсанг, фарзандим,  
Розидирман, кўзим нури, дилбандим.  
Жангда қўйган мардларини синайман,  
Хайр энди, ўғлим, оқ йўл тилайман.

Бунда шоир миллион ота ўз ўғилларини фронтга натастандаги фикрларининг ғифодасини акс этдиради. нарса тёзда бошқа халқ ижодчилари томонидан айтилиб-куниб кетди.

Фозил шоирнинг бундан сўнг яратган, душманга қарши жангга бориш учун да'ват этган, кишини ғайратлантирадиган термаси «Эр йигитлар майдонга!» деб хитоб этиб айтган асаридир. Бу асар ҳам ҳалқ орасида катта агитация-пропаганда ролини ўйнади. У бадиий жиҳатдан кучли асардир.

Россияда золимларни йўқ қилган,  
Мехнаткашни озод қилган, тўқ қилган,  
СССР дай ҳур мамлакат бино қиб,  
Элни обод қиб, чўлни боғ қилгиз,  
Лениндай эрнинг хурмати учун,  
Сталиндай шернинг иззати учун,  
Эркинг учун отланабер майдонга,  
Совет ҳалки бўйин эгмас душманга!

Бу сатрлар блан бошланган ше'рида Фозил шоир совет ҳалқининг немис фашистларига қарши, Ватан озодлиги йўлида олиб борган урушининг моҳиятини ўзбек ҳалқига содда, тушинарли этиб англатади. Бу термасида Фозил шоир Ўзбек ҳалқининг ўтмушда яратган ҳалқ легендар қаҳрамонлари йўлидан боришга ундаиди. Фозил шоир бу термасининг охирида:

Фашист отли сонсиз қузғун уйилган,  
Беномуслар ҳур ватанга қўйилтан,  
Лочинларим, отлан! деган Сталин,  
Фашистни қўрмоққа буйруқ берилган.  
Гитлерни йўқ қилмоқ қирғини учун,  
Буюк Қўмандоннинг буйруғи учун,  
Мардлик учун отланабер майдонга,  
Шер ўғлисан, омон берма душманга,  
Сиёсиз блан борайинми, йигитлар,  
Оғир кунни солайинми шайтонга?—

деб қайнаб кетади.

Жанг бўлганда йигит жўшар,  
Дар'ёдайин қайнаб тошар,  
Ғайрат қилсант, душман шошар.  
Йигитга мардлик ярашар,  
Ҳур Ватандан фашистларни,  
Қувмаганин номард дерлар.  
Мардлик блан белни бойланг,  
Бу урушга талаб айлант,  
Ҳайбатнингдан титрасин ёв,  
Берлингача қувиб ҳайданг,  
Ватан учун шарин жондан,  
Кечмаганлар номард бўлсиз,  
Қасам шулдир, оғайилар,  
Ичмаганлар номард бўлсин!

Фозил шоир 1942 йил август ойидаёқ бу сатрлари блан ўзбек ҳалқини улуғ Ватан урушига отлантирган эди. Фозил Йўлдошли бу термасида «Берлингача қувиб ҳайданг!» деган бўлса, «Жаҳончинглагай» асарида совет ҳалқининг душман устидан алпта енгиги чиқиши ҳакида куйлади.

Ёшким етмиш икки, ўзим йигитман,  
Мардман, ёвга ташланучи бир ўтмаз.  
Менга ўхаша кекса баҳодирлар кўп.  
Жангга кирсак, душман бўлар талатўп.  
Бизни сақлаш учун йититлар жангда,  
Бизам тайёр Ватан учун майдонда.  
Эр йигитлар қилас оҳанг хуруши,  
Кўрсатамиш ёвга қириғин урушди.  
Иўлбарс каби ёвни тикка босамиш,  
Олдамчи тулқининг бошин кесамиш.  
Совет ҳалқи фэшистларни мажақлар,  
Сўнгра тарих бўлиб қолар бу гаплар.  
Кушлар ўйнаб, эркин учар ҳавода,  
Адолатли совет тургай дун'ёда.

Ислом шоир (Нарпай райони, Самарқанд облати) ҳам Улуғ Ватан уруши даврида бирнече термалар яратди. Бунинг асари ҳам совет ҳалқини душманга қарши жангга отландиришга, Ватан уруши қаҳрамонлари, Москва мудофааси, мамлакат ичкарисидаги меҳнат фронти илғорларини кўрсатишга бағишиланади.

Ислом шоирнинг кучли термаларидан бири «Жаҳон янчар гитлерчини беомон» ва «Яша эй, Москвам» ше'ридир. «Яша эй, Москвам» асарида у, немис босқинчиларнинг Москва ёнида тор-мор келтирилганлиги, «шаҳарлар полвони» бўлган Москванинг қаҳрамонларча мудофаа этилгани ҳақида кўйлайди.

Бўйи бастинг пўлатлардан ишланган,  
Мард фарзандлар ёвга қарши пешланган,  
Номард қулаб, қора ерни тиашлаган,  
Шаҳарлар полвони бўлган Москвам!  
Давлат қуши муссардир бошизгга,  
Душман хезлаб келачмайди қошингга,  
Эй, офарин, сенинг бу бардошингга,  
Шаҳарлар полвони бўлгаян Москвам!

«Жаҳон янчар гитлерчини беомон» ше'рида, душманга қарши ҳалқдаги нафрат, ғазабнинг бадиий ифодасини акс этдиради.

Қарақчили ким севади жаҳонда,  
Юзи қаро, эл олдиди шарманда,  
Хасрат ила охир ўлар армонда,  
Жаҳон янчар гитлерчини беомон.

Ҳақиқатан ўзбек ҳалқ шоирларининг айтганидек, Улуғ Ватан урушида Совет ҳалқи енгib чиқди. Совет давлати яна тинчлик сари қадам ташлади.

Ўзбек фольклорида энг кўп тарқалган оммавий жанрлардан бири ҳалқ ашула ва қўшиқларидир. Қўшиқларда ҳам Ватан уруши давридаги ҳаёт ўзининг бадиий аксини топди. Бу қўшиқларда ҳалқ, фронтта кетганиларни ботир ва қаҳрамон бўлиб қайтиб келишиларни орзу этади, душманга қарши ўтли нафрат-ғазаб билдиради. Бу қўшиқларда биз мамләжат ичкарисидаги ҳаётни ҳам куйлатликларини кўрамиз.

Улут Ватан уруши йилларида халқ ижодчилари томонидан яратилиб, айтилиб, күйланиб келган халқ ашула ва құшиқтардан бирнече намуналарни көлтирамиз.

1. Томга сепдам түрүнчни,  
Герман күлди урушни.  
Қимай үлсін урушши  
Биздан күрсін қиришни.
2. Ұсма кетар қош қолар,  
Сурма кетар күз қолар.  
Хафа бұлманг, спажон,  
Душман үлиб; дүст қолар.
3. Олма оқыб келади,  
Биҳи қалқыб келади,  
Фронт кетген ақамлар  
Орден тақыб келади.
4. Фаранг рүмөл ўрайман,  
Кирғозға қарайман,  
Армиядагы жонларнинг  
Иұлларига қарайман.
5. Шу укамнинг томига  
Шохча үтін қалашты,  
Шу укамның бўйига  
Қўшимоқ натан ярашган.
6. Баланд-баланд тепалар,  
Тепасидан ўйялсан.  
Эшиклардан кириб кел,  
Куйган жонимиз сўйинсин.
7. Фонарь устида фонарь,  
Фонарь ловиллаб ёнар.  
Герой ёрим кўзлари,  
Фонарьдан равшан ёнар.

(Айтучи: Хувайдада Жамолова)

8. Қўлимдаги кетманым,  
Евта қарши қиличдир,  
Бизнинг юртимиз кучи,  
Енгилмайдитан кучдир.
9. Мен ҳам тайёрман—ёвни  
Еримидан суришга,  
Келганини қақшатиб,  
Аямасдан уришга.
10. Үрдаклар қўлга тушди,  
Лайлаклар ғўлга тушди,  
Мана жўринг, ўртоқлар  
Душманлар қўлга тушди.
11. Силкінади мажнун тол,  
Шохларини этиб ол,  
Шуждай замонда сенам,  
Яхши иш кўрсатиб қол.
12. Фашист деган бизга ёв  
Иўлимиға бўлмиш ёв,  
Сра омон қололмас,  
Сочамиз унга олов.

13. Келсә атар оч бўри,  
Тайёрдир унинг гўри,  
Бизнинг кучга тенг келмас,  
Душманнинг хамма тури.
14. Чигит экдим еримга  
Хабар бердим ёримга,  
Аскәрликдан келаркан,  
Ерим пакта теримга.
15. Тол барги толим-толим,  
Меҳнатим — ширия болим,  
Меҳнатимнинг кетидан  
Кўлайди менинг молим.
16. Колхозиму жолхозим,  
Колхозимладир кўзим,  
Унга кўз тиккан ёвли,  
Отию ташлайман ўзим.
17. Ўйингзда қайлайман,  
Белга камар бойлайман,  
Душманни шартта отиб,  
Бир чуқурга жойлайман.
18. Сув келар гулдир-тулдир,  
Дўст бўлсанг, кўнглим тўлдир,  
Душманимни қамшатгин,  
Менинг мақсадим шулдир.
19. Шаршарадан тош келур,  
Ёв кўзидан ёш келур.  
Омон бўлгир қиличим,  
Юз ёвга бардош келур.
20. Бомбам мўлжалга етди,  
Бирдан ёрилаб кетди.  
Қочастган ёвларни,  
Ер блан яксон этди.

Айтучилар: *Мукаррамой Каримова, Сабохон Салиева, Каримота Косимовлар*.

Улуғ Ватан уруши ҳақида ижод этилган ашула, қўшиқ ва термалар жуда кўпdir. Буларни тезда тўплаш ва нашр этиш галдаги энг актуаль вазифаларимизданdir.

## АБДУЛЛА ҚАҲХОР НОВЕЛЛАЛАРИ

Ўзбекистон асрлардан бери, унинг шарқдаги қўшнилари каби, бошлича поэзия мамлакати бўлиб келди. Унинг поэзияси бой ва ванго-ранг эди. Бу ҳол совет Ўзбекистонининг адабий ривожига та'сир кўрсатмасдан қолмади ва поэзия анча вақтгача ўзбек совет адабиётининг етакчи жанри бўлиб қолди. Ўзбекистон халқининг ҳаёти кўпроқ поэзияда акс этиб келди.

Проза, поэзиядай, чуқур традицияларга эга эмасди. Хозирги замон типидаги ўзбек реалистик прозаси Октябрь Социалистик революциясидан сўнг туғилди. У асосан рус прозасининг фарзанди сифатида етишиб чиқди. Пушкин, Лермонтов, Тургенев, Л. Толстой, Чехов, Горький, А. Толстой, Шолохов ва бошқаларнинг прозасини ўз қаламлари блан таржима қилиш ўзбек прозачиларига кўп нарсаларни ўргатди. Лекин бу ҳолат, албатта, хозирги ўзбек прозасининг шарқ классик проза мероси блан ва ўзбек халқининг жуда бой оғзаки ижодиёти — фольклор блан боғлиқлигини инкор этмайди. «Бухоро жаллодларининг сұҳбати», «Одина», «Дохунда», «Қуллар», «Судхўрнинг ўлеми» сингари катта-катта прозаик асарлар автори, кекса адаб Садриддин Айнийнинг ижодиётида, унинг образ-тип яратиш усулларида, унинг асарларининг композицион тузилишида, тасвирлари орасидаги дидактик хulosаларда — шарқ прозаси традициялари яккол ва равшан кўринади. Кўп образларнинг эпизодиклиги, характерларни очишдаги бирмунча статиклик С. Айнийнинг реалистик проза яратиши ва уни жонли образлар блан бойитишига тўсқинлик қилмади.

Faфур Ғуломнинг сатирик ҳикоялари ва повестьлари фольклор, халқ юморининг ажойиб, ёрқин бўёқлари блан безатилди. Ҳатто ёзучи баъзан халқ ижодиётининг айrim эпизодларини ижодий қайта идрок этиб, уларни ўз асарларининг ичига органик кисм спафтида қўшиб юборади. У халққа хос юмор ва реаль-фантастик элементларни ҳам сақлаб қолади («Тирилиш», «Шум бола», «Ёдгор» ва бошқалар).

Аммо ўзбек совет прозаси тараққиётининг асосий ва катта чизиги рус ва Farbий Европа прозасини ўзлаштириш йўли блан борди. Ойбекнинг «Қутлук қон» ва «Навоий» ромонида, А. Қаҳҳорнинг «Сарб» ромони ва новеллаларида янги замон прозасининг

ютуқларини ижодий әгаллаш устун туради. Тугал образлар яратиш, характерларни уларнинг ривожланишида кўрсатиш, «типик характерни тиник шароитда» тасвиirlаш — бу асарларга хос хислатлардан муҳими бўлиб чиқади.

Шу равишча фақат совет воки'лиги шароитида уч адабий манба'нинг чирмашини натижасида майдонга келган ўзбек прозасининг шаклланишида рус классик ва ҳозирги замон прозаси мислиз ва бош рольни ўйнади. Шунинг учуноқ бу жанр ғоят ёш бўлишига қарамасдан, жуда тез ўсири ва ўзбек адабиётида пухта, маҳкам ўринни ишғол қилди, ҳатто Совет Иттифоқидаги катта прозаик традицияга эга бўлган бир қатор ҳалқлар прозаси дараҷасига кўтарилди. Ва бу ўзбек прозаиклари плеядаси ичиди рус прозасининг яққол та'сири жиҳатдан А. Қаҳҳор ўз новеллалари блан алоҳида ўрин тутади.

А. Қаҳҳор ўз ижодиётин иновелла (майда ҳикоя)лар ёзишдан бошлиди. У, ўзбек адабиётида новелла жанрини тараққий этди-ручилардан ҳисобланади. Унинг ҳикоялари «Оlam яшаради» тўпламида (1932 йилда) ва «Ҳикоялар» номли тўпламларида (1935, 1939 ва 1944 йилларда) босилиб чиққан.

## ДАСТЛАБКИ ҲИКОЯЛАР

А. Қаҳҳорнинг илк ҳикоялари бадий жиҳатдан етук эмасди. Айниқса қалдирғоч асарларидан бўлган «Оlam яшаради» ва «Йкки қоун» деган ҳикояларининг катта-катта нуқсонлари бор. Буларда сан'ат ўрнини публицистика ишғол қилган. Ёзучи ўз ғоясини бадий образларда кўрсатишдан кўра кўпроқ нақл қиласди. Чунончи «Оlam яшаради» ҳикоясини олайлик. Унда «ҳаракати, сўзи, кийими унинг катта маданий шаҳардан кеча ёки ўтган куни келганини кўрсатиб туручи» ёш йигит беш қиз ва бир кампир томонидан берилган саволларнинг барчасига жавоб бериб, уларнинг ҳаммасини хотинликка олмоқчи бўлади. Қизлар йигитга иккитадан савол бериб, учинчи муштарак саволларини энг кейин беришга қарор қиласдинлар. Йигит қизлар блан кампирнинг 12 та саволига тўри жавоб беради. Бу саволлар сиёсий мавзузларда бўлиб, йигит ўз жавобида кундалик сиёсат ҳақида уларга узундан-узоқ лекциялар ўқиди. масалан, қизлар йигитга шундай саволларни берадилар: «Нима учун биз бунча пахта экишга аҳамият берамиз?», «СССР нима учун миллатлар иттифоқига кирмайди?», «Нима учун муштумзўрни синф тарзида битириув керак?»; «Социализм динни сифдираоладими?»; «Қачон уруш бўлмайди, у кимга фойда, кимга зарар?»; «Колхозлаштириш тўғрисида турли иғволар бўлди. Шу иғволарнинг та'сири тўғрисида нима дейсиз?», «Уруш бўлса, биз енгамизми, енгиламизми?», «Уртоқ Сталиннинг олти шартини бирма-бир айтib беринг!» ва ҳоказолар.

Бу саволларга йигит томонидан берилга жавоб дарсхонадаги ўқунининг ўқитучи саволига берган жаబобидан фарқ қиласмайди в-

ҳикоя тўқимасига солинган улоқ-улоқ бир ямоқ бўлиб қолади. «Колхозни мустаҳкамлаш учун унда меҳнатни тўғри ташкил қилиб, иш байни сингдириш, зарборликни кучайтириш, социаль мусобақани йўлга қўйиш, колхозни ташкилий-хўжалик жиҳатдан ба-қувват қилиш блан бўлади. Қайси колхозчи айёрлик, ялқовлик қилса, у ўз душмани бўлган меҳнатсиз кун кўручиларнинг айни муддаосини қилган бўлади». «Бундан бўён саноатда ишли кучининг оқиб турувига чидаб туриб бўлмайди. Шу балодан қутилиш учун ишни янгила ташкил қилиш ва ишчилар составини бирқадар доимий қилув керак бўлади» кабилар.

Бу сатрларда на бадиий асарнинг тили ва на бадиий ифода бор.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ўртага ташланган саволлар ва уларга берилган жавобларнинг бир қисми ҳозирги кунда эскириб қолган, ҳатто ба'зи саволлар нотўғри изоҳ қилинган.

Ҳикояда талқин қилинишича, йигит беш қиз ва бир кампир томонидан берилган 12 саволнинг ҳаммасига тўғри жавоб беради.Faқат муштарак савол қолганда вазият қўққисдан ўзгаради. Қизларнинг она бошиси Maston қулиб дейди:

— Ҳаммамизнинг барча саволимизга тўла ва тўғри жавоб берган ҳисоблансангиз, қайси биримизни оласиз?

Йигитнинг оғиздан ўқдай отилиб чиқди:

— Ҳаммаларингизни... Шартимиз кимнинг саволига тўла жавоб берсан, ўшани эди... Ҳаммаларингни... Ҳечкимнинг саволи жавобсиз қолмади ахир...

Қизлар бирдан қулиб юборишиди.

— Ҳай-ҳай... Ҳатто энамдан ҳам қуруқ қолдингиз...

Қизларнинг биттаси ўнидан туриб, йигитнинг ёнига келди ва қўлинни пахса қилиб тушунтириди:

— Никоҳ-талоқ қонунини билмас экансиз. Битта эркакка — битта хотингина никоҳ қилинади. Сиз бешта қиз, битта кампирни бирдан оламан, дейсиз... Демак шу блан олти савол жавобсиз қолди.

Ҳикояда енгил табиатли ёш йигитнинг характеристи очилгандай бўлади. Faқат бекорчи урунни! Йигитнинг саволларга берган жавобидан унинг билимдонлиги, замонаси блан боғлиқлиги, сиёсатдан хабардорлиги, фаросати жойидалиги очиқ кўриниб туради. Буни ҳикоянинг хотимасида қизлар ҳам тан олишади. Қолоқ фикр туманларини тарқатиб, қизлар ва кампир онгини ёриштиргани учун унга миннатдорлик изҳор қилишади. «Энг охир сўз жиддийга қўчиб, Maston ҳамманинг тилидан йигитга ташаккур билдири ва кетишига қўзғалишди».

Демак, ҳикояни мароқли қилиш учунгина қўшилган унинг туғуни ва ешилиши сун'ий ва зўраки бўлиб қолади. Воқиани тугунгаш унинг ривожи ва тўқиниши учун хизмат қилмайди. Воқиани тозиши ва ешиш ясама қолип ролингина ўйнайди. Зотан шу ҳам өнгимаса, ҳикоя тўзғиб, парчаланиб кетади, уни боғловчи ип қолмайди. Чунки бутун ҳикоянинг ғояси ҳаётий лавҳани кўрсатиш.

воқиани ўстириш блан эмас, балки нақл блан, гап блан очилади. Ҳикоянинг ғояси қандайдир бир отиннинг «дунёдан икки юз ўтиз етти йил қолипти» деган галига зарба бериш учун йигит томонидан айтилган шу сўзларда очилади:

«Дунё миллион-миллион йиллар яшади, яна шундай яшайди. Аммо икки дунё бор. Бири кексайди. У ўша бувотин айтганча ҳам яшамайди. У капитализм дунёси. Иккинчи дунё—социализм. Биз шунга кириб бораётимиз. У энди яашаш учун туфилаётир. Бу дунё яшайди, яшаради».

Демак, «Оlam яшаради» ҳикоясининг бадий заифлиги шундаки, унинг ғояси бутун воқиадан табиий суратда келиб чиқмайди, балки йигитнинг саволларга берган жавобидан биттасида ифодаланади. Ҳикоянинг ечилиши унинг ғоясига ёт, бегона бўлиб қолади. Бошқа саволларнинг жавоблари ҳам на фикр, на композиция ва на сюжет жиҳатидан бу ғояга боғланмай, ўзича алоҳида алоҳида бўлиб қолади.

Муддаони гап блан очиш, нақлбозлик оз миқ'ёсда бўлсада. А. Қаҳҳорнинг дастлабки бирқанча ҳикоясида учрайди ва уларнинг бадий қимматини пасайтиради.

А. Қаҳҳорда бундай нақлчилик икки-уч ҳикоя блан барҳам тоғади. Аммо бадий асарга доғ соладиган қўпол тенденциячилик бирқанча вақт яна давом этди. «Рақиб» ҳикоясида эски фикр ва эски туйғунинг янги фикр ва янги туйғи блан тўқнашиши ота ва ўғил ўртасидаги зид муносабат орқали кўрсатилади. Ёшлар ўртасида «Луқмон ҳаким», ихлосмандлари ўртасида «Домла бува» лақабини олган кекса чол ифлос хонада ҳам табиблиқ, ҳам ямоқчилик қиласи. Унинг уйининг «кири» ташқариданоқ дарҳол кўзга ташланади. «Дарча жигарранг — қора. Эшик ҳам шундай. Аммо эшикнинг йўғон занжири на кирган кишининг даф'атан қўли тегадирган ери қасмоқ боғлаб кетган, ялтирайди». «Ўй кўндалангига иккига бўлинган: бир одам бўйидан пастида ямоқчилик асбоблари. Деволга бўйра қоқилиб, унга бигиз, белча, пичоқ, амбурча, болға, пардоз ёғочлари қадаб қўйилган. Токчаларда қолип, шон, эски маҳси, кавуш, чарм парчалари. Ерда кунда, резги, мих, сиранж, кичкина курсича. Буларнинг ҳаммаси бу уйга ўз йўлида ярашиқ. Одам бўйидан юқорида эса михларга сон-саноқсиз турли рангдаги ва турли катта-кичикликдаги халтачалар, қуритилган гиёхлар, яна буришган, тиришган алланарсалар осилган. Бу уйнинг пасти ямоқчилик, юқориси «Луқмон ҳаким»нинг дорихонаси эди».

А. Қаҳҳор, ҳали тавсифда сиқиқликка эришмаганидан қат'ий назар, характерли моментларни чизаолади. Негаки чол «эшикдан бирор келиб кирса, у кўз ойнагининг устидан қараб, аввал унинг қўлида бирон ямоқ бўлишидан ҳам кўра, рангига зеҳин солади. Чунки унга ямоқ ҳар куни битта бўлса ҳам, келиб туради. Аммо ундан шифо излаб турадиган бемор жуда кам». Мана шу чол бошқа шаҳарда беш йил докторликка ўқиб келган ўғли Мардошакул блан чиқишолмайди. Ота-ўғил можароси икки турли тарби-

нинг талошини ифодалайди. «Луқмон ҳаким» нафаси қайтиб, бурини пишқиргандан сўнг буниси Мардонақулга ортиқчалик қилди. Унинг дили оғриб, ўзининг букунгина келганини ҳам унитди». «Мардонақул табибликни соме'ларга, Ҳакимнинг ўзита ит ғажиган суюқдай қилиб кўрсатар эди... Чол бўлса, жўрттага унинг қитиғига теккандай, докторликни ёмонлаб ўтирас эди». Мардонақул та'тилни тугатиб, ўқишига кетар олдида чол уни «аҳмоқ» деб сўкади, зарда қилиб у блан хайирлашмайди. Мана хурофот блан тарбияланган ота блан янгича ўқиётган ўғил ўртасидаги муносабат. Бу муносабат янгилик блан ўрнини унга бўшатиб бериши лозим бўлган эскилик ўртасидаги тўқнашишни кўрсатади. Броқ ёзучи бу муносабатни бир ёқлама кўрсатади. Мардонақул семосида янги авлод образи тўлиқ гавдаланмайди. У ишда ўзини кўрсатмай, эскини тамоман инкор этиш, гап орқали та'сир кўрсатиш, вайзхонлик блан шуғулланади. У «Табибнинг доруси, доухоннинг тасаллиси вабодай қириб юборса ҳам, ҳаммасининг қисмати етган бўлади. Аммо вабо блан курапучи медицина қилмаган гуноҳи учун гуноҳкор бўлади» деб довруқ солади. Янги насл вакъили Мардонақул ис'ёнкордай чиқишига қарамай, зорланиш, шикоят блан қаноатланади. Унинг эски практикани бутунлай рад қилиши қийин меҳнатдан қочиш, оммадан узилиш даражасига олиб боради. У, маданиятни ёйиши тор доира блан чеклайди. Мардонақул тажрибасиз ўшларга хос қизғинлик блан ўртоқларига дейди: «Мен отамдай ўз асрини яшаб, товут унга маҳтал бўлиб турганларга меҳнат сарф қилгандан кўра, бошқа ўшларга қиласман... Ўшларни ҳам заҳарлаб, тарбиясини сермеҳнат қиласин учун қишлоқда бундай кишиларни қўл-оёқсиз қилиб, та'сирини мутлақо йўқотиш керак».

Мардонақул ўшларни қариларга бутунлай қарши қўяди. У ҳали одамзоднинг мураккаб кечинишлар блан ҳаёт қўйнида қайта тарбияланишини англаб етмайди. У билмайдики, Мардонақулнинг ўзи ҳам ўқишини битириб, ҳаёт қозонида қайнай бошлагач, «сермеҳнатли тарбия» йўлидан боришга мажбур бўлади. У тушунмайдики, у ўйлаган янги ҳаётни фақат ўзига ўхшаш бир тўда ўқимишли ўшлар блангина қуриб бўлмайди, отасига ўхшаш кишиларни онгли қилиш, уларни янги жамият тузишга хизмат қилиш йўлига буриш учун «ма'мурий чора»ларни ишлатиб бўлмайди.

Қўпол тенденциячилик, ҳаётни воқиаларга юзаки ёндашиш натижасида «Рақиб» ҳикоясида авторнинг яхши ниятлари ўз бадиий ифодасини топа билмади. Ужар, жоҳил, бадфе'л образи ва у яшаган мұхит детальларини характерлашда ёзучининг эришган маҳорати «Рақиб» ҳикоясининг умумий тўқилмасига биритирилган ўгай тана бўлиб қолди.

А. Қаҳдор илк ҳикояларида ёк тобора ҳаётни бадиий кўрсатиш «сир»ини англай бошлади. Нақлчилик элементларини камайтиради. У, ҳикоянинг ғоясини образлар нутқида алоҳида уқдириб бермасдац, асардаги аҳвол ва ҳаракатдан келтириб чиқарабошлай-

ди («Афлотун муҳаббати», «Гумроҳ», «Бошсиз одам», «Рўдапо», «Мастон» кабилар). Энди у нодонлик, билимсизлик, лапашанглик, енгилтаклик, қайсарлик ва эгоизмни жонли образлар орқали ечишга интилади. Бўшанглик ва гўллик «Бошсиз одам» ҳикоясида Фаҳриддин образида гавдаланди. Фаҳриддин ўлгидай лапашанг, хом, ношуд, Нисобувининг айтишича, «хотин олишга номуносиб» йигит. У бирорта мустақил сўз айтамайди ва ўзича иш қилолмайди. Бирор ҳарқандай зарур ишни сўрамасин, у «орқасига қараб туриб, ё «билмайман» дейди ёки «дадам билади» деб жавоб беради». У, отаси уста Абдураҳмонга тамоман суюниб қолган. Кунлардан бир кун отаси Фаҳриддинни туғиб ётган хотинини кўриш учун касалхонага юборади ва ўғлига икки сўм пул бериб, хотинига қандай муомала қилиш ҳакида унга гап ўргатади:

«Иўлдан майда-чўйда ол. Кирганингдан кейин аҳвол сўра, енгил бўлса, — ҳайрият, — дегин. — Сенинг йўқлигинг учун уйда турал-маётирман. Ёмон бўлар экан, — дегин». Аммо Фаҳриддин отасининг айтганларини ҳам ўринлатиб қилолмайди. Хотини Мехрини кўргали касалхонага боради. У блан Мехри ўртасида ўтган сўз, Фаҳриддиннинг ҳақиқатан хом йигитлигини, гўллигини кўрсатади:

«— Эй, ҳай!... Яхшимисан... Ҳай!

Мехри уйғонди ва секин:

— Келинг, — деди.

— Яхшимисан... Уйда сен йўқ, дадам қийналиб қолдилар. Дадам, бориб, кўриб келгин, дедилар.

— Кундан-кун баттар бўлган эдим... Олиб ташлашди... Нақ ўлаёздим.

— Ҳайрият.

— Кўрдим, боши йўқ.

— Майли, — деди Фаҳриддин чўзиб.

Кейин нимагадир, у кулагибоплади».

А. Қаҳҳор бу ҳикояда эскича урф ва маданиятсизликни қоралади. Бузуқ тарбиянинг оқибатини Фаҳриддин образида яққол қабартиб кўрсатади. «Аммамнинг бузоги» дейиладиган, ўтакетган ношуд, уқувсиз, лаванг йигитни ишонтиарли қилиб тасвирлаб беради.

Билимсизлик, «Афлотун муҳаббати»да калтафаҳм Фазилат обра-зида гавдалантирилди. Эгоист кассир Эгамберди Махсум шахсий манфаатини кўзда тутиб, ҳунук бир хотин — Фазилатойга муҳаббат изҳор қиласди. Бу хотин шу қадар ҳунук эдики, «агар ҳунуқликнинг вазни бўлса, идора хизматчиси Фазилатой унинг остида қолиб янчилар, суюклари ундай майдада бўлиб кетар эди». Бунинг устига у фақат «чала савод бўлганча ўқииди. Сўнгра саводсиз ёки чала саводлар орасида ўтириб ўқигани номус қилди. Юқори группага ярамади. Шундай қилиб унинг табиий нуқсига бу сун'ий ярашиқ бўлди». Махсум мана шу хотин учун «уч-тўрт кунниш'ичида аллақанча иш килиб ташлади. Ишдан бўшаб олди, ҳужрасидаги рўзгорини сотди. Кишилар блан бўлган олди-бердисини би-

тирди, ўзининг хизматини Фазилатга манзур қилди». Фазилат Махсумнинг соҳта ишқ-муҳаббатига учади. Махсум: «Фариштам,— деди эрталаб ноз-не'матлар блан безангандастурхон устида,— бу ердан кетиш керак. Бу ерларнинг одамлари фитна, бу ердаги кишилар баҳил, бирорнинг роҳатини кўролмайдиган халқ. Хоразм... Энди нимасини айтасиз. Мен уч йил юрдим. Мен илгари мол олиб борар эдим. Укам ҳозир катта ишда ишлайди. Борсак, уй-жой оламиз. Айтганимдай боғ оламиз. У ерда боғ жуда арzon. Бу ерда минг сўм оладиган боғларни у ерда икки юз сўмга оламиз. Дунёга келганга яраша бир арш қилиш керак». Махсумнинг бу гапларини шўрлик Фазилат самимий, чин деб ўйлади. Нима сабабли, Махсумнинг унга бўлган муомаласи бирданига ўзгариб қолганини тушунмайди. Пихини ёрган Махсум бу тулкиликни унинг ихтиёридаги 25 минг сўм ютуқ чиққан заёмни қўлга киритиш учун қилаётганини у билмайди. Унинг билимсизлиги, нодонлиги, ўринисиз ўзига бино қўйиши, хом хаёллар блан яшави бунга монилик қиласи. Уни бармоғига тақилган тилла узук, билагига такилган қўл соат «маст қиласи». У «ўзини афсоналардаги гўзал ва замонада мисли топилмас олимга, фозила ҳис қиласи эди». У «Хоразмга бориб, Ирам багининг эгаси бўлишдан ҳам йигит кишининг олиб қочишига, бир кечада йўқ бўлиб қолишига хурсанд» эди. Натижада у ўз хомлиги, бефаҳмлигининг қурбони бўлади.

Заёмни сотмаслик тўғрисидаги оддий ташвиқот нақадар содда, бадиий формада берилади. Билимсиз Фазилатой ва ичидан пишган, эгоист, манфаатпараст Махсум образлари нақадар жонли, инонтирали қилиниб чизилади.

Шу равишча А. Қаҳҳор ҳикоя сан'атини эгаллаб, образларни энда қоладиган характер босқичига кўтараборади. Киши характерининг заиф жиҳатларини тасвирлашда айниқса маҳорат қозонади.

## ЎТМИШ СОЛҚИТЛАРИНИ КЎРСАТИШ

А. Қаҳҳор ҳикоялари тематика этибори блан хилма-хил бўлиб, турмушнинг турли томонларини ўз ичига олади. Уларнинг бир қисми ўзбек меҳнаткашларининг буюк Октябрь Социалистик революциясидан аввалги турмушига оид айrim эпизодларни кўрсатишга бағишлиган («Бемор», «Ўғри», «Тамоша боғ», «Анор» каби). Бир қисми совет юртини севган, социалистик қурулишда актив курашган, бу курашда юқори ма'навий хислатларни эгаллаган одамларни тасвирлайди («Рўдап», «Мастон», «Яна ой қачон куяди», «Кўр кўзнинг очилиши» ва бошқалар). Лекин А. Қаҳҳор ҳикояларининг аксариси ўтмишнинг ҳозиргача яшаб келган чиркин салқитларини кўрсатади, эски руҳдаги одамлар, эски-одат ва хулқлар, зарарли ан'аналарни сатира остига олади,

эскиликка, онгдаги эскилик салқитларига қарши ўт очади. Совет шароитига юзаки равишда «ўзлашмоқчи» бўлган обивательлар, бетайин характерлар фош қилинади. Айрим ҳалол ишловчи совет кишиларининг ҳам заиф томонлари очилиб, кулги қилинади. Демак, А. Қаҳҳор ўз новеллаларида бошлича коммунизм биносини қуришга тўсқинлик қилган элементларни бадиий гавдалантириб беради. Ҳалқ манфаатини сотган миллатчилар, социалистик ҳаётимизнинг ривожига қаршилик кўрсатган мунофиқлар, зимдан совет давлати тадбирларига қарши курашган икки юзламачи, сотқин жосуслар, ишга тўсиқ бўлган қўрқоқлар, давлат ва ишлабчиқариш интизомини бузган ялқов, прогулчи ва пиянисталар, хурофот тарқатган бид'атчилар, содда кишиларни қон қақшатган текинхўр спекулянтларни танқид қиласди. Бундай кишиларнинг руҳий пучқоқлигини очиб ташлайди.

А. Қаҳҳор ҳар қадамда ўзини сездириб турган онгдаги эскилик (хусусий мулкчилик) салқитларини яққол кўрсатиб беради. Айрим одамларда эскилик салқитлари ўша одам ҳулқ-авторининг етакчи чизигига айланади ва уни социалистик ҳаёт учун зарарли киши қилиб қўяди. Бундай кишилар ўзларидаги камчиликни йўқотищни сра ўйламайдилар ва ўз қилгиликларини баттар кучайтадилар. Буларни А. Қаҳҳор қаттиқ фош қиласди, ўткир сатира остига олади. Майда буржуа стихиясини жаҳд блан тирилтишга интилган спекулянтлар, олиб сотарлар, кисабурлар шу жумлага кирадилар («Қанотсиз читтак» ҳикоясидаги Набигул, унинг акаси ва амакиси образлари, «Кийиз этикча»даги кисабур ва бозор олғирлари). Ёзучи улар ўралишган мұхитни ҳам яққол кўрсатади. Мана «Кийиз этикча» ҳикоясида чизилган бундай стихиянинг кинояли тасвири: «Чайков бозор. Бу ерда нималар йўқ. Милтиқдори, хинин, ханжар, тегчарим, кийим-кечак, электр симлари, турили совунлар, ҳалтачалар, деворий, қўл ва чўнтақ соатлари, лампочкалар, оёқ кийимлари, чироф ва унинг шишалари, юган, устара, кўз ойнак, чой... ҳисобига етиб бўлмайди... Фурашандалар бу молларни яшириб, битталаб чиқариб, сотиб ўтирадилар. Сўкишиш, қичқириш ва бошқа шовқинлардан вужудга келган ғовур ичиди чур-чур ҳуштак товуши, аллақаерда маст сўкинади. Кимдир, йиғлайди, нимадир синади. Бунинг устига фурашандаларга зеҳн солинганда, кишини ваҳима босади. Булар харидорлардан кўп... Булардан ҳарқайсиси, ювошроқ одам қўлига тушса, тириклай еб юборатургандай ва ғовур худди шуни осонлатиб, дод овозини қонун қулоғига эшитдирмаслик учундай туйлади».

Мана бу стихияга кўнишиб кетган кишиларнинг онгларида йирик ички конфликтлар рўй бермайди. Уларнинг зеҳнларида совет гражданининг бурчи блан хусусий мулкчилик тамойили курашмайди, эски ва янги туйфилар тўқнашмайди. Бундай шахслар конфликтни ташки бўлади. Улар совет қонунларига чап беришга, уларни четлаб ўтишга ҳаракат қиласдилар. Улар совет воқи'лиги ҳақиқати блан тўқнашганда чил-чил синадилар ва уларнинг ҳулқ

атворлари шунда фош бўлади («Мунофиқ» ҳикоясидаги Низомиддинов, «Қанотсиз читтак»даги Набигул кабилар).

А. Қаҳҳор вокиаларни жуда лўнда ва сиқиқ ифода қилишга ўрганади, ортиқча детальларга берилиб кетмасдан, муддаосини бадий равишда тасвир этаолади: «Ошиқ» ҳикоясида ҳаётнинг, киши турмушининг жуда кичик бир эпизоди олинади. Унда Бадалжоннинг номалум бир хотин блан танишиши, уни уйига олиб келиб, паспортини олдириб қўйиши тасвиранади. Броқ шу воқиа бланоқ Бадалжоннинг кимлигини, характеристини кишининг кўз ўнгидаги равшан гавдалантириб қўяди. Бадалжон анойи, бегам, фаросатсиз, бефаҳм одам. У узоқни ўйламайди, ўйлашни истамайди, турмушида кўрган-кечирган тажрибаларидан хулоса чиқараолмайди. У ёлғондаки муҳаббатга лақ этиб, даррав ишонақолади. Жосусга сотилган хотинга паспортини олдириб қўяди. Дўстини душмандан ажраталмайди, душманнинг маккорлигига фаҳми етмайди.

А. Қаҳҳор «чакана», «майда» өдамлар, «инсон резгилари»нинг асосий ҳислатини бир-икки чизиқ блан чизиб кўрсатишига, уларнинг пучқоқ, бема'ни руҳини очишга ўоят уста. Унинг қалами вики'ликни билиш, ўзини-ўзи таниб олиш туйғусидан маҳрум бўлган, эскича қарашлар миясига сингиб кетган, калта ўйловчи, ўжар кишилар психикасининг қоронги бурчакларида яшириниб ётган чиркин хусусиятларни кавлаб, бизга кўрсатаолади.

«Майиз емаган хотин» ҳикоясида Мулла Норқўзи ўз одати, хулқи, муомала ва қарашларининг разиллигини сра сезмайди. Ҳатто турмуш унинг кимлигини фош қилиб, «пўстагини қоққанд» ҳам у ўзиникини ма'қул қиласди, унинг ўз кўзи ўнгидаги турмуш томонидан улоқтириб ташланган гап-сўзларни ўжарлик блан қайтараверади. Бу новеллада, паранжисини ташлаган ўқучи ва ишлабчиқаришда ишловчи қиз-жуонларга қарши кўча-кўйларда ҳархил туҳматларни гапириб, вайсаб юрган Мулла Норқўзининг ва ўзини одатдан ташқари тақводор, уятчанг қилиб кўрсатган хотинининг ҳарбир гапи, ҳарбир ҳаракати индивидуаллаштирилган ва улар учун характерли қилиб берилган. Мулла Норқўзи доимо гузар ва самоварларда «панжасини ёзиб, ўзи билган очиқ аёлларни санаб чиқади» ва «аёл кишики эркакка қўл бериб сўрашдими, бас... Рўза тутган киши оғзини чайқаса, сув томонига кетмаса ҳамки, рўзаси очилади. Шу оғиз чайқашдан баҳра олади-да... Абдулҳакимнинг қизига уста Мавлоннинг ўғли бир ҳозор майиз берганини ўз кўзим блан кўрганман. Йўқ, тўғриси шу. Ҳаё борми шуларда» деб валдираб юради. Унинг гапидаги ҳарбир деталь унинг сергаплиги, ифвогарлиги, сохта «ҳаё»ларга ишониши, калта-фаҳмлиги ва қиссадан ҳисса чиқараолмаслигини очади.

Мулла Норқўзининг «етти қават парда ичидаги ўтирадиган» хотини эса ҳавлиниң устидан пастлаб учган аэропланни кўриб, гўё ўзини «номаҳрам»га кўрсатмаслик учун, «чарс беданадай патиллаб қочмоқчи бўлганида, юзини карнак гулининг поясига уриб ёлади». Шунингдек кичкина детальлар блан ёзучи Норқўзи хоти-

ғининг образини ҳам китобхоннинг кўз олдида гавдалантириб қўяди, персонажлар характерининг айрим типик хислатларини яккол жонли килиб очиб беради. Шу тирик характерларни кўрсатиш орқали хурофотларнинг чиркинлигини, хурофот пардаси остида қабиҳ ишлар, бузуқликлар яширганини фош қиласи. Негаки Норқўзининг хотини «фариштадай кўриниши», «номоз ўқиши», «рўза тутиши», «тўпифидан юқорисини оврат ҳисоблаб, жиякли иштон кийиши»га қарамай, барibir бузуқ бўлиб чиқади, эрининг кўз ўнгидаги «тутилиб», шармандаси чиқади, эрини ва ўзини алдаб юргани ҳаммага аён бўлади, эр-хотиннинг бутун тушунчалари соҳта, гап-сўзлари — ифво эканини исбот қиласи. Лекин шуниси қизиқки, бу воқиадан сўнг ҳам, қаттиқ ўсал бўлган Норқўзи сра айбига иқор бўлмайди, сирини бой бермай, сурбетлик блан ўшқириб, унга итоб қилучиларга ўдағайлаб: «Сен гапирма! Сенга ким қўйибdir гапиришни! Уста Валининг ўғлидағ бир ҳовуч майиз олганингни ўз кўзим блан кўрганман!..» дейди ва хотинининг беномуслигидан кўра, ёш қизнинг норасида ўғил бола қўлидан майиз олиб еганини «катта гуноҳ» деб билади.

А. Қаҳҳор, турмушимизда рўй берган янги-янги ютуқларни кўринига ҳаётий практикаси ва зеҳнияти торлиқ қилган иккинчи бир ўжар суб'ектни Боқимириза образида («Мирза» ҳикоясида) кўрсатади ва ютуқларни ахир ўшандай қолоқларга ҳам иқор қилдиради. Боқимириза Октябрь революциясидан аввал хусусий савдо шеркатларида миরзалик (котиблиқ) қилиб келган. Революциядан кейин саводсиз одамларга аризалар, дуойи-салом хатлари ёзиб бериш блан тирикчилик қиласи. Броқ Советлар ҳукумати даврида маданий жабҳада ҳам зўр муваффақиятларга эришилди, ҳалқ ёнпасига саводхон бўлабошлайди, ҳарбир оиласида ўқимишли киши топилиб туради. Замонамизнинг бу тенденцияси Боқимириза сингариларнинг белини синдириб, янчиб кетади. Улар қизғанч, кулгилни ҳолга тушиб қоладилар. «Мирза» ҳикоясида бу равшан акс этади. Новеллачи бу тушунчани ифодалаш учун яна ҳаётий деталь топабилди ва ҳарқайси детальни «қаҳрамон»нинг характерини очишга қаратди. Узоқни кўришга қурби етмайдиган, турмуш тажрибаси, малумоти тор доира блан чекланган Боқимириза ўз шаҳрида саводсизларга хат ёзиб бериш блан тирикчилик қилиш мумкин бўлмай қолганидан кейин, яна беобруй ва шарманда бўлади. У, эскича ҳаёт тарзини ўзгартиришни ўйламаганлиги ва «эски ҳаммом, эски тос» принципини дилига маҳкам тугиб олганлигидан, қаерга бормасин, ҳатто қариндош-танишлариникидан ҳам ўсал бўлиб, тарвузи қўлтиғидан тушиб, қайтади. Зотан давр жараёнини англай олмаган ўжарларнинг куни шундан нарига ўтмайди.

Ҳикоя бўёқли, содда, ихчам тил блан ёзилган. Унда ортиқча сўзлар ва эпизодлар йўқ. Фольклор эпизодидан фойдаланиб ёзилган бу ҳикоя композициясида ҳам ёзучининг ўзига хос оригинальлик кўринади: бутун ҳикоя Боқимиризанинг бошқа шаҳарга келиши бу ердан ўз шаҳарига кетиши қолипи ичига сифдирилган.

А. Қаҳҳор шахсларнинг характерли ҳислатларини топишга ва учтўрт штрих (чизиқ) блан, ёки «қаҳрамон»нинг нутқи, диалог блан унинг характерини чизишга жуда уста. «Мунофиқ» ҳикоясини олайлик. Унда лаганбардор Низомиддинов характеридаги хушомадгўйлик, ҳаркимга ўзини ёқтиришга интилиш ҳислати унинг ўзини тутишида, ҳаракатларида, имо ва ишораларида, нутқида, интонациясида очиқ кўрилади. У, «бир қучоқ материал блан минбарга чиқади», одамлар рўпарасида «энлик камарини маҳкам боғлаб» олади, ёлғон-яшиқ гапларни гапириб, бақамдай айниб туради. Гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга «лақ этиб» тушиб, оғиб туради. Бу ҳол унинг учун ғоят характерли ва типик бўлиб, айни соқда жуда индивидуаллаштирилганdir.

А. Қаҳҳор новеллалари маданиятни эгаллаш, маданий муомала ва маданий одатларни ўзлаштириш, характерни қайта тарбиялаш учун кишига катта ёрдам беради. Ёзучи, «Сан'аткор» ҳикоясида бироз «номи чиқиши» блан мағуруланиб, кеккайиб-кетган, шунинг натижасида ўз камчилигини, саводсизлигини сезиш туйғусини йўқотиб қўйган «ашулачи-сан'аткор»дан кулади. Ҳар қадамда «культурний»лигини пеш қилучи «дангрор» ашулачи «бўса» сўзининг ма'носини билмайди, уни «бўлса» сўзининг оғзаки талафузи блан аралаштириб юборади. Лекин тракторчининг ҳақли танқидига чидамай, аччиғланиб жиги-бийрони чиқади. Маданият саботли ва давомли меҳнат, ўз устида узоқ ишлаш, чуқур ўқиш ва ўрганиш блан қозонилажагини англамайди, маданият блан «ўйнашади», уни обивательларча юзаки тушунади.

Ўзини «нафис адабиёт муаллими» ҳисоблаган Боқијон Боқаев («Адабиёт муаллими» ҳикоясида) «ашулачи-сан'аткор»дан бир баҳ'я ҳам кам эмас. У, қайнинглиси — ўқучи қиз Ҳамиданинг саволига жавоб бераолмасдан, гапни чалғитади, тутириқсиз сўзлар блан қизнинг миясини гангитади. Ўзини «билимдон» санаб, қулоғига чатинган терминларни пойма-пой, пола-партиш ва янгилиш ишлатучи Боқаевнинг бутун гапларида саводсизлиги, малумотсизлиги кўзга ташланиб туради. Бу обивательни билим эмас, балки «сигирнинг канаси», «товуқнинг мояги», «эчкимарнинг ҳунуклиги», сўзларнинг ташқи жарангни (Боқаев оғзида ўз ма'носида ишлатилмайдиган практикум, минимум, максимум, Дётирднг, Стендинг, Шеллинг, Меринг, демпинг каби сўзлар) қизиқтиради. Ёзучи Боқаевни кучли юмор блан фош қиласди.

А. Қаҳҳор «Холис таклиф», «Қайгулар» ҳикояларида қиз-жуонларга нисбатан ўзини тутаолмайдиган, маданий, хушмуомилани билмайдиган, бебурд, субити йўқ йигитларни койибди.

## „СЕПСИЗ ҚИЗ“ – ҲАМЗА ТЕАТРИДА

Ҳамза номидаги Ленин орденли ўзбек академик драм театри сўнги бир ярим йил ичидаги рус классик драматургиясидан ижки пьесани саҳнага кўйди: бири—А. Н. Островскийнинг «Сепсиз киз»и, иккинчиси—М. Ю. Лермонтовнинг «Маскарад»и. Биз бу мақоламиизда «Сепсиз киз» устида тўхтамоқчимиз.

Рус классик драматургияси рус халқининг маʼнавий бойлик хазинасидир. Миллионларча тамонибонларни бу хазинадан воқиғ қилиш, юксак бадиий образлар орқали уларнинг фикри, туйғуси ва характерининг шакилланишига таʼсир қўрсатиш—бу жуда муҳим вазифа. Аммо, иккинчидан, рус классик драматургиясида рус халқининг бой ҳаёти жартарафлама, ҳаққоний ва чуқур реалистик равишда акс этганидан, театрларнинг ижодий коллективлари (режиссёrlар, артистлар, драматурглар, рассомлар) бу драматургия туфайли реализм методини янада мукаммалроқ ўзлаштираоладилар.

Ҳажикатан ҳам, рус классик драматургиясининг миллий республикаларда қўйилиши қардош халқлар маданиятининг юксалишига ижодий таʼсир қўрсатди. Ҳамза театри 1924 йилда, Вахтангов театри қошидаги студияда ўқиши давридаёт Гогольнинг «Ревизор»—ини саҳнага қўйган эди. Кейинчалик «Уйланиш», «Момоқалдироқ», «Егор Буличев» ва юқорида кўрсатилган иккита пьесани саҳнага кўйди. Театр бу асарларда акс этдирилган ҳаётни чуқур сувратда ўзлаштириши орқали ўз тажрибасини бойитди. Артистлар мураккаб образ яратиш усууларини мукаммалаштирилар. Артист бу образларни ўйнашга қаёд қилиши блан унинг олдида чигал муаммо гавдаланади. Агар бу муаммонинг асили моҳиятини топиб олмаса, уни ечиш кийин бўлади. Масалан, Островскийнинг «Момоқалдироқ» идаги Катерина фақат биринчи карашдагина равшан образга ўхшаб кўринади. «Зулмат салтанати»дан отилиб чиқишига интилучи хотинининг фожиали образида англаштилмайдиган ҳеч нарса йўққа ўхшайди. Лекин Катерина ролини ўйнаган артистлар хилма-хил—гоҳ юксак бадиий, тоҳ оддий образ яратганлар. Ҳаёт нақадар бой бўлса, бу образ ҳам ўшанча бойдир. Катеринани ўйновчи артист унинг мазмундор ва мураккаб ҳаётини уч соат давомида батамом берабилиши шартдир.

Рус классикларининг пьесаларидан ҳархил режиссёр ва актерлар ўз нуктани назарларидан муҳум, ва жеражли ҳисобланган моз-

ментларни топаоладилар. Агарда режиссёр ва актёрга пьесадан топган шу муҳум, асосий моменти я'ни унинг идеяси, фикрий йўналиш драматург ўйлаган идея ва фикрларга мос келса, театр қўзлаган мақсадига эришган бўлади. Тамошабин ўтмишнинг хакиқатан улуғ меросини идрок этган бўлади. Шундагина ўтмишдаги кишиларнинг идеялари ҳозирги замон кишилари учун қимматли бўлаолади. Ўтмишнинг яхши фазилатлари сингади, сатира ва комедия орқали танқид килинган жихатлари рад қилинади. Театр халқ учун керак, театр халққа ма'навий озиқ беради. Шунинг учун ўтмиш ҳаётни акс этдириш ғоят мас'улиятли ва фаҳрли вазифадир.

Шу жихатдан караганда Ҳамза номидаги театрнинг «Сепсиз қиз»ни танлашиб олишини тақдирлаш керак. Ёрини чин кўнгилдан ва самимий равишда севган, ундан ҳам шундай мухаббатни жуттан, брок баҳтили бўлиш түғрисидаги энг яхши ниятлари чил-чил синган сепсиз қизнинг фожиали ахволи—ҳаётий жихатдан мухим мавзӯ'дир. Талай танқидчи режиссёр ва актерлар Островский драматургиясини факат «Машнат тасвири»дан иборат, деб билганлар. Островскийнинг кўп пьесаларини кўйишда шу қараш традиция ҳолига кириб қолган эди. Лекин гўзал майший характеристика буюк драматург-мутафаккирнинг асосий мақсади эмас эди. Островскийнинг пьесаларида машнат тасвирини инсоннинг ҳаётидан ажратиб бўлмайди, аммо машний колорит идеяниң моҳиятини ташкил этмайди. Машнат на биринчи ва на иккинчи ўринда туради, у ҳарбир шахснинг узвий муҳум қисми ҳисобланади. Реалист Островский машнатнинг ўзини кўрсатиб қўяқолмай, балки машнат ва сермазмун машний атмосфера орқали иштироқ этучи шахсларнинг ҳаётини гавдалантириб қўяди.

Мана шунинг учун ҳаёт майший бўёклар блан тасвирланган пьесаларда театр кишилар ҳаётининг ички моҳиятини, драматург ўйлаганидай яққол ва инонтираси қилиб очабилмаса, одам ағсусланиб колади...

Ҳамза номли театрдаги «Сепсиз қиз»ни кўрайик.

Парда очилади, тамошобин Волга тепасидаги шаҳар табиатидан завкланмайди. Баланд-пастликлар жарликни эмас, ясама таҳта зиналарни эслатади. Уфуқдай кўринган Волга на ўзининг бениҳоят эни ва на ўрмонларининг кўркамлиги блан жишининг таб'ини очмайди. Тамошобин ҳаёлида Волга тепасидаги шаҳар тавдаланмайди. Актёrlар ва тамошобиннинг сукини жетирадиган улуғ рус дар'ёси манзараси жилваланмайди. Бундай шартли обстановкада актёrlарнинг ҳаққоний равинида яшаши қийин.

Лекин бизни бошқа нарса: асарни саҳнага қўючи режиссёр (Е. Г. Амонгов)нинг нияти ва бу ниятни актёrlар томонидан амалга оширилиши қизиқтиради. Қаҳрамон қиз Лариса (ЎзССР халқ артисти Сора Эшонтураева) нинг соқин фожиаси, Паратов (Хизмат кўрсатган артист Олим Хўжаев) нинг енгилтаклиқ, сурбетлик блан қиз қалбини эгаллаши, Қарандишев (Хизмат кўрсатган артист Наби Раҳимов) нинг мухаббат хукукини козониш учун

титраб-қақшаши, бу жукук блан ортиқча мактаниши ва ўз путурсизлиги учун бирордан ўч олиши—«Сепсиз киз»нинг қўйилишида режиссер томонидан содир бўлган бирқанча жамчиликларга қарамасдан, тамошобинга етиб боради.

Бу тамошода маъзу', ҳарактер, шахсларнинг фикрлари даги талай жиҳатлар ишланмаган. Режиссер образнинг атиги бир-икки ҳислатини, бир-икки фикрни, ҳарбир шахснинг бир-икки орзусини очиб беради, қаҳрамон киз образининг ҳарактеристкаси учун муҳим бўлган бирталай моментларни назаридан четда қолдиради. Пъесада катнашучи шахслар бир-икки ҳолатни намойиш қилиш блан образнинг бутун моҳиятини очадилар. Самимий ва садоқатли муҳаббат, соф туйғилар сепсиз қиз—Лариса Огудалованинг ҳар бир ўйи ва қадам ташлашини бошқарив туради. Сора Эшонтураева Лариса ролини ўйнаганда яхши тушунадики, Лариса Паратовни севади, аммо кунини дуруст ўтказиш учун Карандишевга тегиши, Паратовни тез унугиб юбориши керак, эҳтимол у қейинроқ Карандишевни севиб ҳам қолар. Мана Лариса—Эшонтураева Карандишев блан бирга Волга жирғифа пайдо бўлади, лекин унинг кўнгли Карандишевдан узоклиги сезилиб туради. Ларисанинг Карандишев блан ҳечкандай муштарақ туйғиси, муштарақ фикри йўқ. У севгисиз ҳаёт қуришга ўзини-ўзи мажбур этгандай бўлади. У соябонига суюниб, бир қуктага тикилган ҳолда узок вақт қимирамай ўтиради ва ўзича ҳаёл суради. Лариса то Паратов блан учрашганга қадар чала ҳушда бўлади. У куёв-Карандишевга ўз репликаси, карашлари блан очиқдан-очиқ киноясини билдиради. У факат бир нарсада кат'ий туради, у ҳам бўлса: бу ердан узокка жўнаб кетиш ва севгисиз турмушга жўнишиш.

Карандишев—Наби Раҳимов Лариса блан биринчи марта қўлтиқлашиб чиқишидабқ унга, келажак оиласининг зинати, деб қарайди. У кеккайган, мағрур ва ўзини ғолибдай хис қилади. У ҳечкимга бокмай, гавдасини тик тутиб юради. Ташки қўринишидаеқ Лариса блан Карандишев ўртасида зиддият сезилади. Лариса севгисиз ҳаёт қуришга мажбур бўлган. Ларисага келажақда эр бўладиган киши эса, кур, у ўзининг севилмаслигини кўрмайди ва ўрки-тагида йўқ муҳаббат блан фажрланади. У қалтафаҳм мирқурук одам, ҳеч хизмати бўлмагани ҳолда кеккяди, бир тийин блан дабдабали ҳаёт кечиришга интилади, бир тийиннинг кадрини миллионча деб тушинади. Брок буни қувлиқ, муғомбирлик блан килмайди, балки қўнгилдан, самимий равишда қилади. (Хатто меҳмонларни ҳам доғулисиз, соф юракдан арzon овқат, ярамас сигара, паст вино блан меҳмон қилади).

Лариса блан Карандишев бирга саҳнага чиқиштанди, тамошобин уларнинг бир-бирларидан нақадар узок эканликларини очиқ кўради. Лариса узоқка, Волгага тикилади, аммо унинг гўзаллигидан баҳра олмайди. Йўқ, у ҳаёл блан, орзу блан яшайди. Улар ёнма-ён турсалар ва ўтирасалар ҳам бир-бирларига тамоман бегона эдилар. Лекин Лариса ҳаётида Паратовни эслалиши блан жонлапиб кетади. Икки қўзи ёнади, сўзи эркинлашади, кони кизишади.

Унинг оғзидан чиқаётган гапларни бошқа Лариса галираётгандай бўлади. Унинг Паратов тўғрисидан айтган шоирона сўзлари, кўтарики мақтovларидан кейин Карандишев Ларисани олиш фикридан қайтиши, ундан воз жечиши керак эди. Тамошобин Карандишевдан кулади. У эса Ларисага караб, лабларини маҳкам қисиб, кизинг аччиқ гапларини потиб юборади. 'Лекин Лариса унга тегажак, «одамларнинг ўнгли» учун у блан муроса килажак, қалбида бўлса, доимо севиклиси Паратовни сақлаяжак.

Карандишев ва Ларисанинг келишидан бирнеча дақика аввал Волга бўйидаги ресторонда ёбой миллионер чол Кнуров блан савдогар Вася Вожеватов ўтиришган эди. Бу иккиси Ларисанинг опаси қизини Карандишевга беришга қарор берганига ҳайрон бўлишади (авторнинг ниятида). Режиссёр, нима учундир, бунга алохинда дикқат килмайди, бунга аҳамиятсиз нарсадай қарайди. Паратовнинг келиши учун тайёргарлик сезилмайди. Официант Иваннинг муҳум меҳмон Йканлигини билдирамайди. Ваҳоланки автор бу нуқтага жуда дикқат килади. Тўпдан салют берилади. Лариса Паратовнинг келишини англаб, Карандишевни уйга тортади. Пъесанинг бу муҳум сири спектакльда рангез, бўш инфодаланганди. Ваҳоланки Паратовнинг келиши Ларисанинг пиятини оғстма-уст килади. Карандишевнинг руҳига ташвиш солади, пароходни сотиб олиб, фойда килиш хаёли Воживатовни жонлантиради, Лариса тўғрисидаги орзусини жуда хуфия саклаган Кнуровнинг умидини оширади. Спектакльда бу вазият кўрсатилмайди ва хозириунлар учун уқадар аҳамияти бўлмаган миёна одам келгандай та'сир колдиради.

Паратов (хизмат кўрсатган артист Олим Хўжаев) кўлида палта ушлаган ҳолида, ғайрат блан, тез чиқиб келади. У тоза, чиройли, лекин оддий кийинган. Қаттиқ, доно-доно галиради, қаҳ-қаҳ уриб кулади, ўзини ҳаммадан баланд ва қудратлироқ ҳис қилади. Унинг шериклари—Кнуров ва Вожеватовнинг унга қандай қаратини билib бўлмайди. Паратов бир йилдан бери бу ерда бўлган эмас. У пароходини сотмоқчи. У Ларисанинг эрга тегишини эшитиб, аччиғланади. Брок бу ҳол шерикларини қизиктиримайди. Улар рольларини бўш ўйнайдилар.

Паратов ўзини Робинзон (хизмат кўрсатган артист Ш. Қаюмов) деб атаган, оролда оч ва яланғоч ҳолда топиб олинган, жамбағал актёрни кўнгил очиш учун бирга олиб юради. Актёр улоқ-куроқ кийинган (ва ташки киёфаси бланоқ қишини қулдиради. Ваҳоланки Паратовдай бой пароход сохиби унга ўз кийимини ечиб берган ва ўз хурсандчилиги учун уни ҳамроҳ қилган эди. Афсуски, спектакльда бу фикри қабартадиган ҳеч нишона йўқ.

Мана Харита Игнатьевна Огудалова—Ларисанинг онаси (халқ артисти Кузнецова)нинг уйи. У шу қадар савлатли, ҳашамлики, бу уйда яшавчи кизнинг «сепсизлиги», камбағаллиги сезилмайди. Даҳлиз ва жатта меҳмоноҳона, духоба компланган кресло, диван, гилам ва хоказолар. Демақ хизмат кўрсатган сэн'ат арбоби С. М. Миленинкинг фикрича, сепсиз киз ёбой, хурсанд яшайди. Лариса ва она-

сининг кимматбаҳо жийимлари ҳам Кнуровдан шул тилашгача пастлашган Оғудаловага ярашмайди. Унинг бирордан пул ундиришта «усталиги» ярамас одат, аммо бу комедиядан кўра кўпроқ трагизм, мухтожлик натижасидир. Ҳолбуки Харита Игнатьевна ҳар сафар Кнуров ва Паратовдан пул сўраш учун оғзини жуфтлаганда тамошбин ёпласига кулади.

Ларисанинг онаси ғайратли, дадил, уддабурон, пулга ўч хотин. У камбағал ва баҳтсиз оиласини мухтожликдан қутқазиш мақсадида ўз шарафига лойик ва нолойиқ ишларни килади. У кизини хийлага, принципиэзликка, фойдага караб иш қилишга ўргатмокчи булади. Куэнцованинг ижросида у ташки қўренишда манфур бойвичча эмас. Унинг ташки қиёфаси эмас, ички моҳияти тамошбинни дақшатга солади. У агар одамзоднинг туйғиси жаранглаган пуллар блан мустахкамланган бўлсагина, уни қадрлайди. У кизининг қишлоққа жўнашини ёқтиромайди. Ларисани та'на ва ҳақорат килади. Пул ҳиди чикса, у активлашади, жонланади, ҳатто сатанглик қилади. Пул топиш имконияти йўқолиши блан безавталанади, лекин шу ҳис ўлиши блан тинчб қолади.

Ларисачи? У меҳмонхонада янги жийимда юрса ҳам, аввалгидаи. Иккি қули солинган, лаблари пир-пир учади, қўзи йиғлашга тайёр. Ҳечнарса уни кизиктирмайди. Совғаларга жўз кирини ташламайди. Ўйнашини хоҳламасдан, оҳангни эшиитмасдан ўйнайберади. Онасига қурук ва локайд жавоб қайтаради, унинг ҳақоратига чидамай, у блан қаттиқ олишади. Эри блан ёшлигини қўмсагандай гаплашади. Ички, чукур фожиани, сожин ва чорасиз аламни ҳис килади. Шу алам ва ҳасрати блан қишлоққа жетиб, уни у ерда оз-оз ичига ютиб, кўмиб юбормокчи булади. Паратовнинг келишини сезиб, эрини тез бирга кетишта шоширади.

Паратов Ларисанинг кўришга тоқати-ток бўлади. Ҳаприқиб, уни жон деб жутиб олишга тайёр турган Харита Игнатьевнанинг уйига киради. Паратов у блан ўлишиб, креслода ёзилиб ўтиради. Ундан ўзини олиб қочган нариги хонадаги Ларисага эшитириш учун унинг онаси блан атайн қаттиқ-қаттиқ гапиришади. У ярим миллионлик сепи блан тегадиган киз тўғрисида сўзлайди ва шу ондаёқ Ларисага муштоқ бўлади. Аввал у тўғрисида ўсмокчилааб гап олади, сўнгра уни жўрмокка сшигади.

Кўпинча театрлафда Паратов образи алдоқчи ёвуз жишидай талкин килинди. Паратов ролини ўйнаган Олим Хўжаев уни хотинлар қалбини эгаллавчи, мажкор ёвуз килиб тасвирламайди. Унинг талкинича, Паратов бадавлат, чиройли, ғайратли, ташки ожихатдан яхши тарбияланган жемачи-бой; унда шараф, номус, қасам ва муҳаббат тўғрисидаги тушунчалар унинг савдогарчилик психологияси блан, бир минутли нафс ғалабасига эришиш орзузи блан чатишади. Бундай ғалабанинг бошқа одамга қаттиқ азоб беришни, фожиали оқибати блан унинг иши йўқ. Олим Хўжаев талкиниди. Паратов бирорнинг бактини ҳам бузади, ҳам бир он унга баҳт беради: Лариса (Эшонтураева) уни самимий севади. Унинг келишини, эпнитиб, ўзгариб қолади. Паратов буни билади, тушинади. Болика

бир мол-дун'ёли кизга унашилган Паратов—уни Лариса унитиб юборганидан қасрат қилади.

Паратов (Хўжаев) Лариса блан учрашгаңда, унинг туйғилари (мұхаббати)нинг маҳдудлиги сезилмайды. Унинг поймол қилинган туйғи ҳақидаги гапига Ларисанинг ишониши қийин, чунки у самимий бўлмаган, тумтороқли тақ. Паратовнинг шу дақиқада ҳам сепли бойвичча қизни унитмаслиги бу саҳнани соҳта қилиб қўяди. Шунинг учун воқианинг бундан жейинги ўсиши ғайри табиий бўлиб боради. Лариса Волгада саир қилишга кўнади, Паратовдан самимий севги сўзини эшлиши блан Карадишевдан кетишга қарор қилади. Паратов руҳидаги бу бир оли самимий, ички ҳаракат—драматик коллизиянинг ривожланишида жуда муҳум ҳисобланади.

Хўжаев—Паратов Карадишевга бўлган ракобатини ва ўзининг ундан устунлигини ажойиб эркин равишда намойиш қилади.

Назокатли, озода, чиройли, зakkий Паратов Карадишев танбижини тез даф' қилади. Бу миллионер камбағал қуёвни сурбетлик блан ҳақорат қилади. Карадишевнинг эски қуролларни йиғишини масхара қилади. Паратовнинг юриш-туриши ва қулишидан тамошобин унинг бошқаларга сўзини ўтказучи бой эканини ҳис қилади. Ташқи қиёфасида эса ҳечқандай салбий, дағал, ҳунук хислат кўринмаиди.

Паратовнинг Карадишевга нисбатан кистохона, қўпол муносабати ва адовать бу пардада на Харита Игнатьевнанинг ва на Ларисанинг энсасини қотирмайди. Булар ҳар икковлари Паратов блан Карандашев ўртасида бўлган қаттиқ даҳанаки жангнинг соқов гувоҳи бўладилар. Наби Раҳимов жаңжалга актив аралашмайди. У жўпроқ ўзини мудофаа қилади, Олим Хўжаев эса муҳолифини ўкситишда ғоят актив. Бу саҳна шундай ҳал қилингач, драманинг нима блан хотималаниши шу иккинчи пардадаёт бутуклай ма'lум бўлиб қолади. Чунки ҳозирданок кўзичоқ—Карадишевни арслон—Паратов мижиғлаб ташлади. Бундан ташқари Паратов бирорининг уйида қуёвни бундай қўпол сувратда «сикиб, сувини олиш»га жур'ат килмас эди. Бу саҳна ҳақиқатан жуда ўткур, аммо авторда бундан кўра қозикроқ беришган эди.

Шуни айтиш жеражки, Ларисанинг ўз севгисини изҳор қилиши торлари таранглашган шароитда (айрилик ва кўққисдан севгани висолини кўришни, кўнглига ёқмаган кишига тегиши ва рағбатли ёрининг қайтиб келиши шароитида) кечмайди. Лариса ҳамоқ бир хилда текис, шоппингдан, осойишта ҳаракат қилади, ихтироси сезилмайди. Лариса ҳам, Паратов ҳам қизғин ҳолатга бол сўзни гапириши мумкин эди. Сўзларда қат'ийлик жам, кўққисдан бир фикрга желиш йўқ. Лариса Паратовнинг бир йил дарақсиз кетиб колишини кечиргандай бўлади, «Севаман» сўзини этироф қилишдан чўчтийди. Бу саҳнада ихтирос эмас, балки уятчанлик шарла ташаб туради.

Учинчи пардада Карадишев ҳозирлаган ўқсиз зиёфатда Карадишев аянч, ҳолга тушади. Уни жаҳоратлаш очик, кескин тусга киради. Киноя найзаси бу блан ўткурлашмайди, балки ўтмасланади.

Карандишев ҳарқанча ақмөк бўлса-да, аччик кесатишиларни тез тушиниши керак эди. Робинзон бойлар улфатини қизиқчи сифатида хурсанд қиласа, Карандишев уларнинг курбони сифатида жайфлантиради.

Лариса ўқадар кизғин бўлмаган гапидан кейин Паратов блан кетишга рози бўлади. Алданиб, якка қолган Карандишев ўзини дуруст ҳис қиласи. Лекин артист мұхим бир моментни—Ларисага бўлган мухаббатни ифодалаб бермайди. Шунинг учун унинг Ларисадан маҳрум бўлиши, туйғиларининг таҳқирланиши ва ундан ўч олиш истаги заминсиз бўлиб қолади. Карапдишевнинг машхур монологини артист жуда жошли сўзлайди, унда чинакам фожиа оҳанглари янгериайди, лекин бунинг учун Карапдишевда асос йўқ, негаки у Ларисани севмайди. Карапдишев, гўё уни Лариса ёқтирғандай, ўзини маҳтаган вактда (я’ни у енгиб чиққандай кўрингандай) артист ўзини жуда жамтар тутади.. Башарти артист шунда ўзини юқори тутса, финалда ҳакоратланиш фожиаси—Карапдишевнинг алданиши, сафиллиги, тентаклациши жулироқ та’сир колдирган бўлар эди. Карапдишев тўппончани қўлига олиб, уйдан кочиб чиқиб жетади. У тўппончани ҳамманинг кўз олдида очикдан-очик олаверади. Бундай бўлгач, тамошобин тўртинчи пардада «фожиали» ажволни кутиши мумкин. Ҳолбуки автор ремаркада уни пайкамай олганини уқтиради. Тўртинчи парда декорацияси биринчидагининг худди ўзи. Лекин автор очик сувратда: «Ёзги ойдин жече» деб айтиб қўйган. Дараҳтларнинг япроқлари, улуғвор ва даҳшатли Волганинг суви ҳечқандай жайфият туғдирмайди.

Паратов Лариса блан сайдан кайтиб желгач, қалбида унга тисбатан мухаббат сезмайди. Фақат унга бирга бўлгани учун миннатдорлик билдириб, уйига кетипни тавсия қиласи. Хўжаев бу жўринишини инонтиарли қилиб ўйнайди. Ларисадан воз жечиш фикри, афтидан, саҳнанинг орқасида туғилган. Чунки Паратов Лариса блан чиқиб кетаётганида, унга бойвичча қиз унашилганини айтмоқчи бўлғандай, фикрга толган эди. У миллион сўм—сеп устида бош жотиради. Унингча ҳаётда—номус, севги, туйғи эмас, балки шул мухум; жинининг фазилатини шулнинг микдори белгилайди. Паратов ғрухида савдогарчилик майли уйғонади. Унашилган қиз узуги унинг бармоғига ҳарорат бермайди, вижданини қиздирмайди. У узукни Волгага отиб юбормайди. Узук—унинг иқболини хотирлатади.

Ларисанинг жўзи очилади. У умидларининг чил-чил бўлганини кўради. У ёрни кутган, унга инонтац, яна севган, фақат алданган... У, Паратовни виждонга карашга да’ват қиласи. Ҳайҳот! Паратов тўқис қиз сенідан воз кечаолмайди.

Бу саҳна спектакльда автор чизгандай равишан ёритилмайди. Паратовнинг Ларисага бўлган муносабати юхиригача етмай қолади. Паратовнинг ғрухида провардида нима қолади? Мухаббатми ёки бўшлик? Лариса Паратовнинг жўзига сўнги марта тикилганда нима кўрди? Бу саволларнинг жавоби коронги бўлиб қолади.

Паратов ва уни куршаганларга ма'лумки, Лариса ҳалок бўлаётир. Паратов тезроқ жўнашга ошикади. Вожеватов ёшлиқ дўсти Ларисага ёрдамга бир тийин пул, бир минут ვაқтини сарф қилгуси жемайди. Кнуров агар Лариса унга тегишга рози бўлсагина, «чиким» киммоқчи бўлади.

Лариса Карадишевнинг бахтсизлиги учун ўч олиш мақсадида ўқланган тўппончани этаги остига яширанини пайкамай: оламда севги йўқ, олтин излаш керак экан, деган фикрга майл кўрсатади.

Бу саҳнада Карадишев (Рахимов) нинг Ларисани қайтариш тўғрисида самимий ялиниб-ялбориши, севига касам ичиши юксак ифода блан берилади. У ийқилиб тиз чўкади, унинг камзули тугмалари ечилган, тепа соchlари тикка бўлган; жўзлари бир нуктага тикилган, ялбаручи қўллари Ларисага узатилган... Ҳаракат ва имолари жонли, ифодали, сўзлари қакиқатан иноарли. Ларисанинг жавоблари ҳам самимий ва кишини ерга киритиб юборадиган даражада ўткурдир. Унда ачиниш асари йўқ, чунки Карадишевга нисбатан унинг қалби бўум-бўш. Башарти бу фикри ўстирсақ, жамиятдаги риёкорликни фош қилучи ифодага қадар бориб етамиз; у Ларисанинг монологида унинг оғзидан чикади: «Ёлғон айтасиз. Мен мухаббатни излаб тополмадим, менга эрмак деб қараб келдилар ва қарамоқдалар!»... \*

Ларисанинг 'сўзлари ҳамма нарса пулга асосланган жамиятга нисбатан қақдир. У жамиятда яшаш Ларисадай соғ, самимий, кўнгулчан, мулоҳим руҳли одамга ғоят оғир. Бу темани, бу образни С. Эшонтураева шу таҳлитда уйнайди. Карадишев отгани учун, турмушдан қутъазгани учун унинг миннатдорлик билдириши ёрқин сувратда янграйди, чунки, гўё, энди баҳт тогтилгандай бўлади.

Режиссернинг Кнуров ва Вожеватов образларини яратган артистлар устидаги ишига таассуф билдириш керак. Кнуров бадавлат, жўпни кўрган, ёшини яшаган, олтирик одам—автор уни шундай характерлайди. Сайфи Алимов ижросида унинг факат бир ҳислати—ёшини яшаганлиги очилади. Бу артистнинг уйнашича, у бир текисда ҳаракат қилучи (монотон), тамоман тэмпераментсиз одам. Унинг образида бойлийк ғурури, давлатманд миллионернинг мустақиллиги кўринмайди. Авторга кўра, Кнуров Карадишевнинг Ларисага уйланишининг бузилиш фурсатини қўлдан бермаслиги, Ларисани ўз ҳарамига олинга, Парижга олиб жетишга интилиши керак. Ҳатто Карадишевнинг расvosини чиқариб, унинг уйланишига тўскинилик килиши керак. Бу жиҳатдан Кнуров—авторга жўра—активдир. Спектакльда эса у тамоман локайд, сокин, беташвиш одам, у ўзини ҳамма нарсадан четлаб туради. Нега унинг Лариса аталган совғаларга пул сарф қилаётгани ҳам нома'лум. Биринчи мардадаги Кнуровнинг—Вожеватов блан бўлган сұхбатини ҳам жиссёр ўринсиз тузган. 15 минутгача чўзиладиган бу сұхбатда Кнуров ва Вожеватов бутунлай бепарво, ҳатто мудрок босиб тиришади. Ҳечнарага қизиқинмасдан бапуржа гаплашишади.

Ваҳоланки гап Лариса, унинг характеристи, эрга тегиши, иложисиз аҳволи, жонона сепсиз қиздан бой ғодамнинг фойдаланиши мумкинлиги тўғрисида боради. Кнуровнинг иккинчи пардада Лариса нинг онаси хузурига келиши яна шу руҳда ҳал қилинади. Кнуров «эртаси» уникига киришга ва'да қилади, аммо шошади. Волга бўйида учрашгандан кейин ҳечнарса вақт ўтмасданоқ уникига кириб боради. Демак, Кнуров ичиде кечикиб қолмаслик учун ошиқади, тезроқ мақсаддага етишга шошилади. Брок иккинчи пардада тамошобин буни сезмайди. Кнуровнинг нимага келиши очик эмас. У ҳечнарсага интилмайди. Пъесанинг вокиаси бундай Кнуровсиз ҳам юришаолади. Сўнги пардада Кнуров ҳеч қизиқсинмасдан, хотиржамлик блан Ларисага ёрдам қилишини билдиради. Ваҳоланки Кнуров шу дақиқани жўпдан бери жутиб келган эди. Кнуровнинг ўйлашибича, Лариса энди уники бўлади, уни ўзи блан бирга Парижга олиб кетади. Лекин Сайфи Алимов сра шошмасдан, ҳовлиқмасдан Лариса блан бепарво ғаплашади, уни Лариса зериктиргандай туйилади. Кнуров муваффакиятсиз ўйнайди. Унинг пъесада роли йўқ. Демак, пъесанинг жуда муҳум қисми—барча нарсадан кучли бўлган олтин мавзу'и тушиб қолган. Ваҳоланки, Лариса сўнти дақиқагача соф муҳаббат йўлида буни рад қилиб келган эди. Бу режиссёргининг жиддий нуксонидир.

Вожеватов юбрози артист Жўраака ижросида автор ўйлагандай ўйналмайди. Островскийга қўра, foят бой фирманинг вакили, ёш йигит Вожеватов одамлар ичиде қизга (мазкўр ўринда Ларисага) совғага бир тийин сарф қилишни қўзи қиймайди. Брок иккинчи пардада Ларисанинг онаси унга Вася 500 сўмга арзидиган совға келтирганини сўзлаб, дейди: «У ўзи қизиқчи, буни у ҳазил бланми ё ростданни қилганини билиб бўлмайди». Мазкур спектакльда Вожеватовни билишнинг ҳожати йўқ. У ҳамма нарсани «ростдан» килаёттир.

У Ларисаникода кўп марта меҳмон бўлган, унинг ҳақидаги ҳамма тапларни, барча тафсилотларни билади, ҳамма нарсани қўздан кечириб, төкшириб юради. Албатта бунга у вақтини бекорга — эрмак учун сарф килган эмас. Ларисаникига меҳмоннга борганида унга ортиқча стакан шампанский қўйиб беради, қизларга ўкиш ман' қилинган китобларни унга элтиб беради, унга ашула ўргатади, Ларисанинг уйида бўлишни завқ деб билади. Униги бориш бесовға-чикимсиз бўлмайди, бунга Вожеватов хафа ҳам бўлмайди. Ларисанинг соддалигини, беғуборлигини мақтайди, чуқур севгундай бўлса, самимий қўнгил қўйишини уқтириб, Паратов мисолини келтиради. Лариса хафа булиб турганда қизини қулишга мажбур қилган онага аччиғланади.

Мана бунга қарамай, бизга нома'лум сабабларга биноан, Вожеватов Лариса ва унинг тақдиди устидан қулучи, ичи кора мазоҳчи ролини ўйнайбошлияди. Ажабо, шундай экан, пъесада Вожеватовнинг нима кераклиги бор? У нимага Ларисага совға юборади? Нимага унинг тўғрисида жўп гатиради? Нимага уникига-

тез-тез желиб туралди? Вожеватов бундай талқин қилинса, тамоман ортиқча бир шахс бўлиб қолади.

Албатта, бунда актер айбдор эмас. Островскийнинг пьесасида хечқайси шахс ортиқча эмас. Иштирок этучи шахслар биргалишиб боқиани ўстириб, ҳарқайсиси якка, муштарак воқиани ривожлантиришга ёрдам беради. Бундай талқин қилинганда Кнуров ва Вожеватов пьесадан четда қолади ва бирлашган-якка воқианинг аниқлигига халақит беради. Натижада традицион «уч севишучи» (Лариса, Карандишев ва Паратов) ни тасвирлаган пьеса ҳосил бўлади. Бу драматургнинг ниятига тўғри келмайди.

Шу тахлитда соёз режиссёрлик композицияси спектакльни бузади. Тамошобин тугалланган асар ўрнига, ёркин ва инонтирали образлар яратган Сора Эшонтураева, Олим Хўжаев ва Наби Рахимовнинг ажойиб ўйинини идрок этади.

Агар биз хизмат жўрсатган артистлардан Шариф Каюмов ижросидаги Робинзон ва М. Садриева ижросидаги Ефросинья Потаповна образлари устида тўхтамасак, спектакльга холис баҳо бермаган бўлар эдик.

Камбағал актёр Робинзонни Паратов йўлда учратиб, унга ўз жийимини ешиб бериб, кўнгил очиш учун шахарга кетирган эди. У, Робинзонни «эрмак» учун олган, негаки «йўлда зерикиш одамни ўлдиради». Паратов Робинзон блан крепостнойдай муомала килади: «Мана юрагингизни бўшатиб олинг, уни икки-уч кунта сизнинг ихтиёргизга бериб кўйишим мумкин!», ва савдогарлар дарҳол зотсиз, қариндош-урӯғизз актёрни ўзларини килиб оладилар. Демак, Робинзоннинг вазифаси—зерижкан савдогарларнинг «юрагини бўшатиш»дир. Улар бўлса, хоҳлаганларича уни ё тўйғазадилар, ё масхаралайдилар. Актёр—анойи, гул, юрагида «кири» йўқ одам.

Шариф Каюмов Робинзонни мулойим қилиб уйнайди. Унинг талқинида Робинзон соф кўнгил, ҳушчақчак, анойи, кулгили, кўп вактда кизиқчи. Лекин режиссёр Паратов Робинзонни нима учун олиб келганини унугтган, Робинзон кўпинча ёлғиз ўзи якка қолиб кетади. Шу сабабдан муҳим тема кучини йўқотади — ахир: «Сан'ат олtinga хизмат қилади. Сан'ат аҳиллари сўм ҳукмронлиги остида кизиқчига айланиб қоладилар». Актёр хам ўз вазияти, я'ни Паратовнинг айтишинча, «номсиз ва ватансиз» одам фожиасини очиши имкониятидан маҳрум бўлади. Бизнинг фикримизча, режиссураси бу темани сра очаолмаган, уни тасодифий йўловчининг хушчакчаклиги блан алиштирган, автор камбағал актёрни атайин бой адогарлар ичига аралаштирганини, унга Робинзон номини беринини ва Паратов уни йўлда зерикмаслик учун бу ерга олиб келалини эсдан чикарган.

Спектакльдаги бу жамчиликларни биз иккиласманмай режиссёр тига қўямиз. У, Островский ўйлаган темаларнинг хилма-хилли-храктерларнинг мураккаблиги, шахслар ўргасидаги муносабатнинг чигаллигини топишига жон куйдирмаган. Режиссёр пьесани

диққат блан таҳлил килиб ўқиса, шубҳасиз, буни пайқар ва очар эди.

Характерларнинг хислатларини ва ўзаро муносабатлар чизиғини мақоламизда кўрсатилгандай, яна чуқуррок очишда, албатта, пьеса доирасидан, унинг мазмунидан четга чиқмаслик кераж. Шундай бўлгач, образларнинг асили моҳиятини тўлиқ очиш ишини давом этдиришпда мақоламизнинг актёр ва режиссёрга фойдаси тегар, деб ўйлаймиз.

Бу гапларимиздан, спектакль муваффакиятсиз чиккан, деган ма'но англашилмасин. Ҳамза театридаги «Сепсиз қиз», камчиликларига қарамасдан, тамонобинда—чўнтағи жарак-жарақ олtingа тўлган, лекин қалби, рухи пуч бўлган одам туфайли юксак умидлари тилжа-пора бўлган, соғ қалбли, тоза рухли, камбағал киз-фожиасидай, таҳқирланган, оёқ-ости қилинган, камбағал, калтафахм Карандишев тўғрисидаги пьесадай та'сир қолдиради.

## „ТАНЛАНГАН ШЕ'РЛАР“

Амин Умарий асари. Ўздавнашр 1945.

Редактор—З. Исраилова. Тиражи—5000.

1945 йилнинг охирида шоир Амин Умарийнинг «Танланган ше'рлар» тўплами босилиб чиқди.

Марҳум шоир ўзбек совет поэзиясининг ёш, исти'додли, сорҳаракат ва сермаҳсул шоирларидан бири эди. У ўз ше'рларида совет ёшларига мұяссар бўлган улуғ баҳт, шодлик, тўла қонли, пок, эркин мұхаббат ва социалистик жамиятда роҳат бағишлийдиган меҳнат шавқларни тараннум этди. Улуғ Ватан уруши йилларинда эса шу баҳтли ёшликтни ва меҳнат меваларини сақлаб қолиш учун бўлган курашнинг жарчиси сифатида майдонга отилди.

Тўпламнинг «Кураш куйлари» кисмида ватанпарвар шоирнинг юрт ифтихори блан куйланган, жанговар, курашга шайлантитручи ше'рлари кўзга ташланади:

Ака-ука,

Опа-сингил,

Дўстлар, қадрдонларим!

— Қўзғолғиз! — деди доҳий,

Қўрқма, паҳлавонларим!

Озодлик деб,

Саодат деб.

Тупроқ учун қўзғолдик!

Бўстон шаҳар,

Завод, колхоз

Қишлоқ учун .

Қўзғолдик!

Улуғ доҳийнинг чакириғи блан ватанни ҳимоя қилишни мұқаддас бурч деб билған миillionлар орасида шоир Амин Умарий ҳам бор эди. Унинг ше'рий нұтқларыда ватанга булған чукур мұхаббат, инсоният дүшмани бўлмиш немис-фашист газандаларига қарши ўткур нафрат ва ғазаб гуркирайди.

### Кирғин

Кирғин!

Ҳаромзода, олчоқ, сариқ ғабоба!

Икрәқич шоҳ бўлолмас ёруғ дун'ёда!

Оташин ватанпарвар шоир кўпроқ ўз ёшига монанд бўлган совет ёшларини—ўз тенгдошларини кураш ва ғалабага, саботли, матонатли бўлишга, ватанга содик бўлишга, ҳарбий илмни тез сур'ат блан эгаллашга чакиради.

Ленинчи комсомол, тракторчи шер,

Дарҳол пайқаб олди душман сирини.

— Ватан, Сталин!—деб ёвнинг устиға

Солдирди гижиниб тракторини!

(«Яша, кадрдон»)

Лекин шоир ғалаба ўз-ўзидан желмаслигини ёшларга уқтиради:

Ғалабанинг ўзи келмайди, дўстим,

Жон олиб, жон бериб, оласан уни,

Тер тўқиб меҳнатда, жон ютиб жангда,

Қалбингга ишқ каби соласан уни.

Галаба — кўз ёшиниң тиниши демак,

Галаба — абади иқбол демакдир.

Галаба — муқаддас ватан деган сўз,

Галаба — истиқбол, виғсол демакдир.

(«Галабанинг ўзи келмайди, дўстим»)

Шоир ғалаба шартларини фақат бир томонлама, фронтнинг ўзидагина деб кўймай, мамлакат ичкарисидаги тер тўқиб килинадиган меҳнат, ҳамкорлик, мададкорлик ҳам қандай зарур эканини куйлайди. Колхоз пахтакори—теримчи киз фронтдаги ёрига шундай тасалли беради:

Этак-этак терғаш пахтам сенга —

Кийим бўлсин пўлатдек маъжкам!

Баданингга душман ўқи заҳр қўйса,

Пахтам бўлсин ярацгга малҳам,

(«Қиз ҳам жангчидир»)

Амин Умарий «Ленинград йўлида», «Минг оғарин», «Жанубдан ат», «Киручи қиз», «Ифтихор», «Кирғин» ва бошқа ше'рларда ватан уруши даврига тааллукли, шу даврнинг сафарбарлик, кураш, меҳнат, ғалабага ғула ишонч оҳангларига ҳамоҳонг бўлған

шे'рий куй яратаолди. Брок, шоирнинг ўзи эса, ғалаба тантанаси кунларининг юдиёна қўшикларига жўр бўлолмай вафот этди.

Тўпламнинг «Қуёш жарчиси» деган иккинчи кисмida талантли, ўсучи, юрагида ше'риятнинг уруғлари сочилган шоирнинг улуғ Ватан урушигача ёзган ше'рларидан намуналар бор. Бундагу ше'рлари мавзузларнинг ранг-бараанглиги ва хушчокчоклиги блан кўзга ялт этиб ташланкиб туради. Айниқса, урулдан аввалги тинч социалистик курилиш йилларининг наци'асини ифода этучи ше'рларида илик харорат сезилиб туради.

Ширинсан-да... Чунки ёшлансан,  
Октябрьдир сув ичган чашманг.  
Ағёрингга ўчли, рашилсан,  
Қуёш, ойдан баланд карашманг, —

деб, ёшлилк лаззатларини кўйласа, «Қуёш жарчиси» («Альфияга») ше'рида истикболи порлок кизчасини ардоқлайди:

Ёшиғ учга тўлдиғ гавҳар қизгинам,  
Нўлларинг умрбод лолазор—гилам.

Шоирнинг ше'рларида фасл кўркамлиги янги ҳаётнинг шавки блан кўшиб тасвирланади. Бу эса инсонни дун'ё лаззатларида баҳраманд бўлингга чақириучи нидодек туюлади.

Баҳор латофатини, айтингчиҳ харид —  
Қилиб бўладими?  
Бўлмайди албат!  
Баҳор юрак ахир, ҳусни — муҳаббат!

(«Баҳор — трак»)

Унинг «Олтин жамол фасилсан», «Ёз ўйлари», «Ўзбекистон», «Водий», «Крим ше'рлари» каби асарларида жамиятимиздаги кишиларимизни баҳти ҳаёт баҳорида яшавчи авлод, инсоннинг ёшлиридаги унутилмас шодлик онлари кайфини сураётган насили деб тасвирлайди.

Биз марҳум шоиримиз А. Умарийнинг бу тўпламини қўлга олар эканмиз, ижоди гуллаб келаётган, келажакда ўзбек совет поэзиясига ўз ше'рларини гулдаста қилиб тақдим этишга ҳозирланган ёш талантнинг сўнмас образини эзгу хотиралаймиз.

A. Олимжонов.

## „БИЗНИНГ ОВОЗ“

ЎзДавнашр. Редактори— Миртемир. Тиражи—5000

Ўзбекистон Совет ёзучиларининг ташабbusи блан СССР Олий Советига сайловлар кампанияси даврида «Бизнинг овоз» номли ше'рлар тўплами бўслиб чиқди.

Тўпламда шоир Рафур Гулом, Шайхзода, Туроб Тўла, Мирмуҳсин, Чустий, Зулфия, Рамз Бобоҷон ва бошта ўртоқларнинг ше'рлари бор.

Китобчанинг биринчи саҳифаси отокли шоиримиз, Ғафур Фуломнинг:

«Тақдирни қўйл блан яратур одам,  
Гойибдан келажак баҳт бир афсона.  
Саодат инсоннинг уз хунаридир,  
Тақдиринг сўзлари эмас баҳона» —

каби мазмундор, тўлқуни мисра'лар блан бошланган «Иосиф Сталин» ше'рининг дебочаси блан очилади. Тўпламни вараклаб ўқур экансиз, унда катта байрам—унитилмас сайлов кунининг ажойиб тантанасини, дунёда энг тўла демократик ҳуқуқларга эга бўлган совет халкининг турур ва ифтиҳор блан ўз Олий ҳукуматини сайлаганини ше'рий ифодаларда кўрасиз. Шунингдек улуғ Октябрь Социалистик революциясига қадар адолатсизлик блан ўтказилган сайловларда меҳнаткашларнинг қанчалик ҳуқуқсиз бўлгани, Советлар ҳукумати даврида эса Сталин Конституциясида ёрқин ифода килинган олийжаноб ҳуқуқлар ва бу муқаддас асосий конун офтобининг нурлари остида эришилган фаровон турмуш бадиини мисра'ларда ёритилган. Тўпламдаги ше'ларнинг ичидаги шоир Мирмуҳсиннинг «Агитатор» деган ше'ри бирмунча яхши ишиланган оммабол ше'лардан биридир.

Сайлов кампанияси даврида агитаторларимиз жуда катта хизматлар қилдилар. Улар кенг халқ оммасига сайлов низомларини тушинтирилдилар. Бу ше'рда кўрсатилган Ойимхом, ана шундай «Ватан ишни мафтун этган» эпчил жамоатчи қизларимизнинг биридир:

«Бугун ватан хизматига у,  
Сафарбар деб ёилди узини.  
Колхозчилар ичра ўтириб,  
Ташвиқ қиласар дохиј сўзини».  
«Ўқиб берар газета ҳар кун  
Ўқиб берар сайлов низомин.  
Гулхон ёнар. Қайнайди қумгон..  
Ташланади гоҳ ўртага сўз.  
«Баракалла, бор бўл. Ойямхон».

Байрам ва тўй сингари ўтган сайлов куни, халқнинг ифтиҳор блан сайловга келиши шундай куйланади:

«Шаҳарлар, қишлоқлар бугун кўп зебо,  
Қувноқ индолардан музика пайдо.  
Ҳаркимга шу учун улуғ ифтиҳор

(Шайхзода — «Сайлов байрами»)

«Ўзинчи февраль — тўй, сайлов маҳрака,  
Чалинг нагорани Аҳмаджон ака.  
Тўйга ярашади тараннум газзал,  
Тўйга ярашади неки бор гўзал.  
Тўй куни ўйгитлар чопади улоҳ,  
Дунёда нима бор тўйдан яхшироқ».

(Коллектив — «Сайлов касидаси»)

Тўпламдаги коллектив (Рамз Бобожон, Ёнғин Мирза, Туроб Тўла, Шуҳрат, Асқад Муҳтор, Мирмуҳсин) томонидан ёзилган «Сайлов қасидаси» ҳам дикқатга сазовор ше'рdir. Бу ше'р Қизғин ва улуғ ишлар, женг халқ юммасининг иштироқи блан бошланган буюк юришлар даврида, коллектив бўлиб, ахллик блан муваффақиятли ижодий ишлар килини мумкинлигини яна бир марта кўрсатди.

Қасидада ўтмушда зэйлган, ҳақирланган ўзбек халқининг эркенизлиги, оғир кунларда ўзбек халқига ёрдам қўйини чўзган буюк рус халқининг кўмаги, халқимизнинг Ленин ва Сталин раҳбарлиги ва мададкорлиги остида кураш ва жангларда җат'ий фалаба қонгтани, ниҳоят сайлов жунининг тантанаси содда ифодаланган-

«Улкада бошланса илгари сайлов,  
Ҳақизислик, ҳақорат бизга эди ғов.  
Мулкдори, бойлари, амалдорлари,  
Катта ер эгаси ва боярлари,  
Сайларди ўзининг одамларини,  
Оқпошишо буюрган бадномларини.»

Халқимиз немис-фашист Босқинчиларга қарши олиб борилган шиддатли урушни ғолибона тамомлаб, энди тинч тараққиёт даврига кирди. Порлоқ ижод ва меҳнат даври бошланди. «Бугун яхши, эрта ундан яхшироқ» бўлиб қолади. Лекин капиталистик куршавда яшашимизнинг бир минут ҳам унутмаслигимизни дохиймиз Сталин ҳаммавақт ўргатиб келади. Мамлакатимиз кудратини янада кучайтириш, давлат чегараларини янада мустаҳкам ва хуш'ёр кўруқлаш кераклигини жечвакт унитмаслик жерак. Бу тўғрида қасидада шундай жўйланади:

«Киприк кузимиznи асрагансизмон,  
Мамлакат гирдида уйғоқдир пособов.  
Чегара қулфининг калиди унда,  
Пар тушса ўлкага, сезамиз тунда,  
Мол кетар, қон кетар, ҳатто кетар жон  
Аммо эрк, мамлакат кетмас ҳечқаён.»

Қасидада депутатлар совет халқининг содик ўғиллари, халқ хизматкори, Ватан ва халқ баҳт-саодати боғининг боғонлари экани содда равишда шундай талқин қилинади:

«Депутат! Элимнинг хизматкорисан,  
Ватанинг боғони, ифтиҳорисан.  
Баҳт топган юртга, сен, доимо бош бўл,  
Сен, элга қайғудош, доим йўлдош бўл.  
Элимнинг орзуси бошингда бўлсан,  
Ватанинг иқболи қошингда бўлсан.  
Депутат, ватанинг ёруқ кўзисан. . .

Қурултой бүлганды ҳалқнинг ўзисан.  
Сен учун жон фидо айлар ҳалойик,  
Эл ғамин емаган одам эмасдир,  
У гулзор ичидә ортиқча ҳасдир».

Қасида буюк тарихий ғалабаларимизнинг илҳомчиси, тинч юксалиш ва тараққиётимизнинг буюк ташкилотчиси, ҳалқимизнинг меҳрибон доҳиси улуғ Сталин ҳақида айтилган чиройли мисра'лар блан тамом бўлади:

«Асрлар уфқида ҳеч ботмас қуёш,  
Элига меҳрибон, ғалабага бош.  
Шу баҳтли кунларни келтирган доҳи  
Мамлакат отаси, пушти паноҳи»

Шу блан бир каторда тўпламдаги ше'рлар қамчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Масалан: айрим мисра'ларда вазн равонлигига э'тибор берилмайди, ба'зи сатрлар бадиий томондан жуда юзаки, бўш ишланган. Ортиқча, ўринсиз такрорлар учрайди. Ба'зи ше'рларда (Масалан «Сайлов қасидаси»да) илгари бошқа шоирлар томонидан ижод килинган иборалар, хатто ёд бўлиб колган ма'но ва ўхшатишлар бошқачароқ варианта берилаверади. Бу, асарнинг бадиийлигига, оригинальлигига шубҳасиз ҳалал келтиради. Шунингдек жонли, ҳаётин реаль тасвирлар кам кўрилади. Та'сирсиз оддий гаплар устун туради.

«Яҳшилар советга депутат бўлсин,  
Давлатнинг штаби фарзандга тўлсин.  
(«Сайлов қасидаси»дан)  
«Сен бирла баланд толпинади қушни қаноти,  
Тенглиқда яшар хотину—қиз, эрни ҳаётин.  
Адлииңг бландир одам—оламни суботи»,

(Чустий «Тенглиқла яшаймиз»)

Келтирган мисолимизда «қушнинг қаноти», «эрнинг ҳаётин», «оламнинг суботи» сўзларида «нинг» ўрнига «ни» ишлатиш адабий тилни бузини ҳам қўрсатади.

Бу қамчиликлардан қат'ий назар, «Бизнинг овоз» тўплами шоирларимизнинг мамлакатимиздаги муҳим, тарихий вазифаларга хозиржавоблигини қўрсатадиган бадиий-ше'рий хужжатдир. Бу тўпламнинг киска муддат ичидә анча сифатли қилиниб чикарилишини олқинлап керак.

M. Бобоев.

# АДАБИЙ ТОШКЕНТ ВА САМАРҚАНД

СССР Олий Советига сайловлар кампаниясига Ўзбекистон совет ёзуучилари ҳам актив қатнашдилар.

Ёзуучиларнинг кўпчилик кисми СССР Олий совети депутатларигига номзод қилиб кўрсатилган кандидатлар ҳақида ше'р, очерк ва ҳикоялар ёздилар. Бу асарларниң кўп газеталарда босилди. Ба'зилари радиода ўқиб эшилдирилди ва ёзуучиларнинг ўзлари томонидан кенг сайловчилар ўртасида ўқиб ҳам берилди.

Ўртоқ Шайхзода, Тошкентда сайловчиларнинг бирқанча йигилишиларида шоир ва оташин агитатор сифатида иштирок қилиб, коммунистлар блан партиясизлар блокидиң кандидатларига атаб ёзилган ше'рларини уқиб берди. У, ўртоқ Усмон Юсовнинг сайловчилар блан учрашиш кечасида, Свердлов театрида бўлган кексалар йигилишида ва ўртоқ Нурмуҳамедовнинг ўз сайловчилари блан учрашиш кечаларида ўз шер'лариди ўқиб берар экан, уни эшишиб та'сиirlangan халқ, шоирни қизғин олқишилади.

Шоир ва ёзуучиларимиздан Миртемир, Туроб Тўла, Рамз Бобоҷон, Ёнғин Мирза, Чустий, Сайдахмад, Бурхонов ва Турсунов ўртоқлар Тошкент шаҳриниң Киров, Октябрь, Сталин районларида, Тўқиҷамчиларнинг маданият саройида ва шунингдек пойтахтимизнинг бирнечা завод ва фабрикаларидаги ишли, хизматчиҳар ўртасида ўз ше'р ва очеркларини ўқиб эшилдириллар.

Сайловга багишланаб ёзилган ше'рларниң бир қисми Ўзбекистон Давлат нашриёти томонидан халқ байрамига айланиб кетган сайлов кунига яқин «Бизниңг овоз» номи блан бир тўплам қилиб чиқарилди.

Сайлов кампанийси даррида радиода ҳам яхши бадиий эшилдиришлар бўлиб турди. Бу эшилдиришларда ёзуучиларимизнинг кўпчилик қисми ўз асарлари блан иштирок қилди. Масалан: шоир Гафур Гулом, Шайхзода, Миртемир, Зулфия, Темир Фаттоҳ, Ойдин, Шукрулла, Утешев ўртоқлар радиода асарларини ўқиб бердишлар.

Улардан ташқари Ўзбекистон Совет ёзуучилар Союзи ва партия ташкилоти СССР Олий советига сайловларга яқиндан ёрдам бериш учун бирнеча ёзуучилар коллективини ижодий группа қилиб, республикамизнинг бирнече шаҳар ва районларига жүнатди. Шоир Миртемир раҳбарлигида Ўткур Рашид ва Миркарим Осим ўртоқлар Фарҳод қурулишига, Туроб Тўла бошчилигида шоирлар групласи (Сайдакмад, Рамз, Мирмуҳсин, Шукрулла) Янги-Йўл районига чиқиб, ундан бирқанча колхоз ва ташхоналарда бўлди. Улар кўпчилик ишчи ва колхозчиларнинг район ҳам қишлоқларда бўлган йигинларига ҳатто ба'зи иншоотларда қайнаб турган қизғин иш процессида ўз ше'рларини ўқиб берилб, халқни жуда хурсанд қилдилар.

Ёзуучиларимизнинг ўзлари ҳам кол-

хознинг меҳнат қайнаган қишлоқла-  
рида кўп нарсалар ўрганиб, катта  
таассуротлар блан қайтдилар. Шоир  
Туроб Тўла, пахта ҳосилини ошириш  
темасида бир катта шеър, шоир Мир-  
муҳсин эса, пахтакор колхозчининг  
қаҳрамоний образини яратиб берниш ніж-  
ятида бир поэма устида ишламоқда.

Наманганд, Андижон, Фарғона ша-  
харларига борган ёзучилардан Кед-  
ров, Калугин ва Никитин ўртоқлар-  
нинг ижодий агитгруппаси борган  
жойларида ўз асарларини ўқиб бер-  
дилар, агитација ва пропаганда иш-  
ларидан бадний адабиётнинг катта  
та-сирий ролини кўрсатадиган наму-  
нали ишлар қилиб келдилар.

Сайлов кампанияси даврида ки-  
линган бу ижодий ва амалий иш-  
ларнинг ҳаммаси, ёзучиларнинг бун-  
дан кейин ҳам ўз ижодий иш-  
лари блан омма ўртасида доимо бў-  
лишлари зарур эканини тажрибада  
кўрсатди.

Яқинда Тошкент ёзучиларининг  
катта йигилиши бўлиб ўтди. Бунда  
шоирлар, драматурглар ва Узбекистон  
К(б)П Марказ Комиссияси вакил-  
лари қатнашди. Мажлисда республика  
пахтакор колхозчилари учбичи  
қурилтойи вакилларининг доҳимиз  
улуг Сталинга ёзган мактуби муҳо-  
кама қўйинди ва Узбекистон совет  
ёзучилар союзиниң мас'ул секретари  
ўртоқ Жуманиёз Шарипов бу  
тўғрида ёзучиларниң вазифалари ҳа-  
қида катта доклад қилди.

Ўзбек халқи — деди докладчи —  
пахтачиликни янада ривожлантириш-  
нинг Сталинча программасини амалга  
ошириш учун, гайрат блан ишга ки-  
шадил. Бу программа — республика  
ни ҳўжалиги үзининг, маданияти-  
мизнинг юксалиш программасидир.  
Ўртоқ Шарипов Узбекистон халқла-

ришиниң шон-шарафли иши эканини,  
Сталин программаси ўз ичига олган  
8 йил мобайнида қилинажак оламшу-  
мут тарижий ишлар тўғрисида му-  
фассал тўхтаб ўтди.

Забардаст халқимиз гайрат блан  
бошланган бу қизғин юришда ёзучи-  
лар олдига гоят катта ва шарафли  
вазифаларни қўяди. Улар пахтакор ю-  
рколкорона межната-  
ни чинакам, бадний равишда аке  
этдирган, меҳнат қаҳрамонларининг  
мардона образларини гавдалантиручи  
очерк ва ҳикоялар, романлар, саҳна  
асарлари яратишлари кәрак.

Бу масала юзасидан академик, шоир  
Гафур Гулом, Шайхзода, Шевердин,  
Миртемир, Ивашев, Шукур Са'дулла,  
Ойдин ва бошқа ўртоқлар сўзга  
чиқиб, конкрет мажбуриятларни ўз  
устларига олдилар.

Пахтакорларимиз ҳақида яхши,  
мақтанаарли асарларининг камлиги,  
борларининг ҳам кўпн бадиёй томон-  
дан жуда кучсиз экани, ёу темада-  
ги шеъларнинг бир-бирига ўхшаб  
кетганини кўрсатиб ўтдилар. Шоир  
Миртемир, ўз сўзида колхозчилар  
ҳаётидан маъмундор бир поэма ёзиши  
га киришганини айтди. Болалар ёзу-  
чиси Шукур Са'дулла шу темада  
болалар учун чиройли шеълар, эр-  
таклар ёзишига ва да берди. Бошқа  
ўртоқлар ҳам ўз ижодий планлари  
юзасидан намунали асарлар ёзишига,  
халқ блан бир қаторда, астайдил  
ишишга киришганликларини бил-  
дирилар.

Бу йигилишдан кейин биркенча  
ёзучилар — Чустий, Мирмуҳсин,  
Сайдахмад ва бошқа ўртоқлар кол-  
хоз ҳаётини яна атрофлича ўрганиш  
ва уларга маданий хизмат кўрсатиш  
учун Узбекистон К(б)П Марказ ю-  
ркомиссиянинг агитгруппа составида Фарғо-  
на, Андижон, Самарқанд, Қашқадар'ё,  
Бухоро, Хоразм облиистарига ва

Қорақалпогистон АССРга жүнаб кетдилар.

\* \* \*

Шу йил 18 ичи марта Тошкент Ҳамза Театри биносінде шоир, академик Faafur Гуломнинг Сталин Мукофоти Лауреати бўйишл муносабати блан унинг ижодига багишиланган катта адабий кечак бўлиб ўтди. Театр залин партия, ҳукумат арбоблари, олимлар, « ёзучилар, архитектурлар, рассомлар, ўқитучилар, совет интеллигентиясининг бошқа соҳаларидаги вакиллари, ишчи, колхозчилар ва меҳмонлар блан тўлди.

Катта бинога сизмай қолган бу йиғин севикли шоиримизга бўлган ҳурмат ва муҳаббатдан, унинг халқчил янгрор садолари ўз ўқучиларига етиб борганидан дарак берарди.

Кечада, Faafur Гулом ижоди ҳақида шоир Шайхзода кенг ва мазмунли доклад қилди. У, адабиёт оламига ўзининг бошлангич асарлари бланоқ совет ёзучиси сифатида кириб келган Faafur Гуломнинг самарали мөҳинати натижасида, ижодиётда камолатнинг етук даражасига кўтарилигини кўрсатади. Ажойиб қиссалари, бадний ҳикоя, очерклари, жарангли ва мазмундор шерлари блан машҳур бўлган адаб ва шоир академик Faafur Гулом, фақат ўзбек халқининггина эмас, балки советлар Иттифоқининг бошқа республика халқларининг ҳам ҳурматли ёзучиси бўлиб қолди—деди.

Докладдан сонг мамлакатимизнинг ҳар томонидан (Москва, Украина ССР, Қозоғистон ССР, Озарбайжон ва бошқа бирканса жойлардан) келган сан'ат ва адабиётнинг машҳур арбоблари томонидан Faafur Гуломга ёзиғлан табрик—телеграммалар ўқиб берилди. Шоир Собир Абдулла, Ҳа-

мид Фулом, Ҳақирий. Рамз Бобожон ва бошқалар Faafur Гуломга багишилаб ёзган шерлариди ўқиб эшигидирдилар. Ундан сўнг пойтахтимиёнинг отоқли артистлари ифтирохи блан Faafur Гулом ижодига багишиланган катта концерт берилди.

\* \* \*

Адабий ҳаётимизда бўлган янгиликлардан яна бири, шукид Москвауда рус тиқида ўзбек классик ва совет адабиётти поэзиясининг антологияси босмага тайёрланмоқда. Бу антологияга киритилган шерларнинг таржимасига машҳур таржимонлардан Тихонов, Маршак, Алигер, Пеньковский, Липкин, Державин, Луговской, Пастернак ўртоқлар тортилган.

Шунунгдек шоир Миртемир раҳбарлигидаги татар тилида босилиб чиқадиган ўзбек совет поэзиясининг антологияси ҳам босмага тайёрланди.

Ўзбекистон Давлат нашриёти «Пахтакор» номли тўпламни босмахонага топшириди. Бунда Ўзбекистон ёзучиларининг пахтакор колхозчилар турмушидан олинган, уларнинг пахта ҳосилини ошириш учун олиб борган жонбозликларини, қизғин мөҳнат шу мөҳнат орқасида эришилган фаронон турмушларини акс этдиручи ҳуқоялари, бадний очерклари, шер ва ашуаллари киритилган. Шунинг блан бир қаторда «Зафар» номи блан ўзбек тилида «Адабий Тошкент» номи блан рус тилидага босиб чиқарилган адабий альманахларининг иккинчи китоби босмага берилди ва учнинчисига материаллар тўпланмоқда.

\* \* \*

Самарқанд ёзучилари улуғ Ватав уруши йилларидаги аҳллик блан ишлаб, катта ижодий ишлар қилдилар.

Ватанимиз тинч тараққиёт даврига қадам қўйиши блан Самарқанд ёзу чилари ҳам гигант қурулишлар ва маданий юксалишларни бошлаб юборган қаҳрамон ҳалқимизнинг руҳиға мос бадиий асарлар яратишга киришидилар.

Ёзучи Садриддин Айний, ўзининг кексалигига қарамай, тўла ижодий илҳом блан ишлайтири. Унинг ўрта Осиё ҳалқларининг араб ва угул босқинчиларга қарши олиб борган мардана курашларини акс этдирадиган «Муқанна», «Темур Малик» каби тарихий певестълари босилиб чиқди. Машҳур классик форс шоирин Бедил асарларини босмага тайёрлади ва унинг ҳаёти ҳам ижодий ҳақида катта илмий асар ёэди. Ҳозир ўртоқ Садриддин Айний тоғик классиклари тўғрисида бир ктта асар ёзмоқда.

Шоир Сайд Назарнинг кейининг йилларда ёзишган ҳикоя ва ше'рлар тўплами яқинда босилиб чиқди. «Қаҳрамоннинг келиши» номли музикали драмаси саҳнага қўйилди. Ўртоқ Сайд Назар Ватан уруши даврида Ўзбекистан колхозчиларининг галабамизни та'минлаган фидокорона меҳнатларини акс этдиручи ва ҳозир пахтадан юкори хосил олиш учун гайрат блан кизгин иш бошлаб юборган қаҳрамонлар образини кўрсатуви

катта прозаик асари устида ишлайди.

Шоира Ра'но Узоқова турли темаларда бирқанча ше'р ва ашулалар ёэди. У ўзининг кейинги ше'рлар тўпламини ўсмага тайёрлади.

Яқинда ше'рлар тўплами босилиб чиқкан шоир Шароф Рашид ҳозир унумлш ижодий ҳаракат блан ишламоқда. У 1916 ичидаги йилда бўлган Жиззах қўёзғолони ҳақида янги драма ёзастири.

Бирқанча ше'р ва очерклари блан Самарқанд ўқучиларига танилган ёзучи ва адабий танқидчи Воҳид Абдуллаев «Навоининг Хораэм классик ёзучиларига та'сири» деган темада итмий асар ёзмоқда.

Булардан ташқари Исмоил Акрам, Исмоилзода, Мухамадиев каби ёш драматурглар Самарқанд тамошобинлари учун биринча театр асарлари ёзив бердилар. Буларнинг жиҳади Исмоил Акрамнинг «Тақдир» номли музикали драмаси облости театри саҳнасида ўйналмоқда. Ёш драматург Мухамадиевнинг «Вафо ва Мэкр» драмаси Самарқанд театри томонидан қабул қилинди.

Шулар блан ижодий ҳамкорликда бўлган рус драматурги ўртоқ Новосилова «Улугбек» ва «Бибихоним» каби тарихий драмаларни ёзив таомомлади.

**ФЕДКОЛЛЕГИЯ: Ойбек (мас'ул муҳаррир),  
Ғафур Ғулом, Яшин, Уғун, Абдулла  
Қаҳҳор, Шайхзода, Ж. Шарифий,  
М. Ашрафий, С. Абдуллаев.**

*На узбекском языке*  
**„ШАРК ЮЛДУЗИ“**

**ОРГАН СОЮЗА СОВЕТСКИХ ПИСАТЕЛЕЙ  
УЗБЕКИСТАНА**

**ОБЪЕДИНЕННОЕ ИЗДАТЕЛЬСТВО „ПРАВДА  
ВОСТОКА“ и „ҚЫЛ УЗВЕКИСТАН“**

Ташкент

Босишига руҳсат этилди 4/У-46 й да Р01562. Қоғоз  
формати 60×92½. Босма листи 8,75. Бир листда  
47 060 харф. Тиражи 3000. Баҳоси 10 сүм.

Ташкент, иккинчи босмахона. Заказ № 187.